




12/1989

GAШКУЗ

ISSN 0235—1277

Бу сонда:
Адабиёт ўқитувчи —
мен не дейин?
Қатортолга мактублар
Поэзия
«Билагонлар конкурси»
голиблари
Эътиқодга доғ тушмасин
(ҳалоллик ҳақида баҳс)
Аниқ фанлар академияси
Шахмат





«Малика» фабрикаси Нукус филиалининг кўли гул киз-
лари: тўқувчи Ширин Мамбетназарова, назоратчи Гавхар
Мендебоева, тикувчи-мотористка Журсиной Калиева...
ва Сарвиноз Давлатмуродова.
А. КУДРЯШОВ тасвирга туширган



Адабиёт

Бу китоб жисму фиғонимдир менинг,
Бу калом жону жаҳонимдир менинг.

(Г. Нарекаци «Мусибатнома» X аср)

Адабиёт дарсликларидagi чалкашликлар ҳақида матбуотда асосли фикр-мулоҳазалар айтиляпти. Хусусан, истеъдодли ёзувчи Хайридин Султонов мақолалари теранлиги, ҳато ва чалкашликларни тўғри кўрсата олганлиги, мақсадга интилиш борасидagi амалий таклифлари билан менинг ўй-хаёлларимга ҳамоҳанг бўлди. Шунингдек «Ўқитувчилар газетаси»даги (1989 йил 8 апрель) «Очиқчасига гаплашайлик» (она тили ва адабиёт ўқитиш муаммолари) номли давра суҳбатиди баён қилинган мулоҳазалар ҳам айнан зарурият тақозасидир.

Адабиёт дарсликларидagi қусурлар ҳақида Хайридин Султонов «Дарсликдаги чалкашликлар» («Еш куч», 1989 йил, 3-сон) мақоласиди бор ҳақиқатни рўйи рост айтган. Ташаккур! Менинг иккита кўшимчам бор. Биринчиси «Назир отанинг газаби» шеърни ҳақида.

Дарсида ўқувчиларга шеърни ўқиб бериб, таҳлил қилишга киришдим:

— Мана, шеърни эшитиб, мазмуни билан танишдинглар. Сизларга савол: нега Назир ота муштумини қисди, нега титради, нега газабларга тўлиб асабий бир тусда булутни лаънатлапти?

Кўзлари ўйчан бир ўқувчим секин кўл кўтарди: — Жонига тегиб кетганда... — деди шикаста, паст овозда. Яна нима деркан деб кутиб турдим. Бошқа гапирмади. Унинг овозидagi ички бир ишонч шууримга келиб урилди.

Эҳтимол ўзининг хору-зорлигини, аччиқ қариллик қисматини лаънатлаётгандир? Менимча, шу ҳақиқатга яқинроқ. Қолаверса, ўзбек қарияси булутни, ёмғирни, шамолни сўкмайди. (Халқ «Тузингни тўкмасам: шамолингни сўкмасам, ёзугим не?» деб илтижо қилади). Сўқадигани топилиб қолса, халқ фалончи ёмон қарибди, қариб ҳам қўйилмабди, дейди.

Шўрлик Назир ота, бунча умринг поёнида шўришу гавголларинг бисёр бўлмаса!

Мен — адабиёт ўқитувчисининг шеър ҳақидаги фикри — шу. Бошқача фикрлай олмайман.

Энди «Ўзбек совет адабиёти» (10-синф) дарслигидан шеърнинг таҳлилини ўқийлик:

«Позияда сийсий лириканинг энг гўзал намуналаридан бири бўлган «Назир отанинг газаби» шеъри...»

«Асарда Назир ота ватанпарвар деҳқонларнинг бадиий типни даражасига кўтарилган».

«Янги совет деҳқони» «...шоир асосий гоёни очиниша, совет деҳқонларининг қаҳрамонлиги ва ватанпарварлигини вужудга келтирган социалистик тузумнинг куч-қудратини кўрсатишга муваффақ бўлган». (Социалистик тузумнинг куч-қудрати, ваҳотки «ўзи эса жуда ҳам қари» чолга пахта тердиришда бўлса).

«Лекин кексалик Ватан, партия ва халқ олдидаги шарафли бурчни бажаришда унинг ғайрат ва шижоатига монечлик қилмайди». (Яшасин, ша-

«Кўкан» поэмаси ўзбек совет поэзияси тарихида мамлакатимизда колхоз қурилишини акс эттирган биринчи лирик шеърин асардир» деб таърифлайди ўша дарслигимиз. Шунингдек поэмада синфий кураш социализм ривожланган сари кучайиб шифқатсиз тус олаверади, деган гоёни, сийсатни акс эттириш мақсади кўйилганлиги яққол сезилиб турибди.

Дарсликда «Унда (поэмада) давринг тарихий жиҳатдан муҳим воқеалари шоир биографияси билан узвий боғлиқ равишда тасвирланади» дейилади:

«Ҳар пайтда бир-бировдан хабар олиш
Ким курашдан бешиб, қўйса бошга болши.
Ҳеч аямай оч биқинга туртиш керак,
Синфий кураш богирлари бўлсин зайрак!»

Мана, энди «ҳеч аямай оч биқинга» қандай ва кимлар туртилгани аён бўляпти.

«Бахтини ўз қўли билан яратаётган озод халқ кундан-кунга мўъжизалар кўрсатмоқда, тўқ ва маданий ҳаёт кечирмоқда» деб ўқиймиз ва ўқитамиз, қўлимиздаги дарсликка қараб. Қишлоқда бир йилда жон бошига ўртача саккиз килодан гўшт тўғри келяпти, деб ўқиймиз мактабдан чиқиб кечқурун уйга келгач, газеталардан.

Ватрак Розик «ёв тич ётмас», бойнинг, (яъни ёвнинг) маслаҳати шундай дейди:

«Чўпони кўп чорвада қўй ҳаром ўлар,
Колхоз бўлма, ишлар ўлда-жўлда бўлар!»

Ўқитувчилар:

Ўқувчимнинг учта сўзи менинг ҳам кейинги йиллардаги дарсликларимиздаги шу ва шу сингари асарлар ҳақидаги мушоҳадаларимнинг қатъий-ланишига яна бир туртки бўлди.

Ростидан келиб, ҳеч қандай қўшиб-чатмай, айнан шеърнинг ўзи нима дейтган бўлса, шуни таҳлил қилайлик.

«Юрагида унинг ғайрат тўла,
Ўзи эса жуда ҳам қари».

Неча ёшдаги киши «жуда ҳам қари» бўлади? Саксондан олган киши. «Кўзлари хира» мўнқиллаган чол кузда (кеч куз бўлса, эҳтимол) «пахтазор»да пахта териб юрибди. (Кези келганда айтай: халқ, деҳқон пахтазор демайди, шоирлар ёзади).

Пахта теришнинг қанчалик оғир меҳнат эканлигини билладиганлар Ўзбекистонда оз эмас-а? Ўқувчи ўзининг ҳаётий тажрибасига асослангани учун ҳам шунчалик ишонч билан гапирди. Бел темирдай маҳкам бўлиши керак пахта териш учун. Шоир «Юрагида унинг ғайрат тўла» дегани билан Назир отанинг белини темирта айлантиролмади. Бу азалий табиат қонуни. Лекин чолларнинг пахта тергани ҳақиқат. Бу «ҳақиқат»ни кимлар, нега ўрнатганини ҳеч курси «Кўкан»дан билиб оламан.

Сиз «жуда ҳам қари» отангизнинг пахта теришини истайсизми? Мен истамаган бўлар эдим.

«Товба...
бу лаънати, асти нима қилади?!
Қани энди... бўга бошласам!
Иложи бўлса-ю лаънатини
Тилка-тилка қилиб ташласам!»

Назир ота булутни — кўкни чапанчасига лаънатлаб, сўқяпти.

рафли бурч, Назир ота, олға, пахтазор сари!»

«Утмишдаги жафали кунлар, машаққатли меҳнат билан ҳозирги озод ва бахтиёр ҳаёт манбаи бўлган эркин меҳнатнинг тафовутини яхши тушунади».

Бас! У ёғи бундан ҳам ўтса ўтар, қолишмайди. Кўрдингизки, мен — ўқитувчининг шеър хусусидаги фикрим дарсликдаги шеърнинг таҳлилдан еру осмонча фарқ қилади. Нима қилай? Менга жовдираб кўз тикиб ўтирган қора кўзларга ўз фикримни айтмайми, ё дарсликдаги шеърнинг таърифу тавсифини айтмайми? Афсуски, биз ўқитувчилар дарсликдагини олиқ ҳақиқат деб билдигу, ўқувчилар қулогига тўғидек такрорлаб қўйдик. (Бу ҳолнинг ҳали-бери барҳам топишига ишонч ҳам қийин.)

Ўзр, яна дарсликдан: «... бу образ ва шеърда шу куннинг ҳам, келажакнинг ҳам руҳи сезилиб туради». Шу кун ҳақида бир нарса деёлмайман, лекин келажакда бунақа шеърларнинг руҳидан... асрасин.

«Эй!
Менга деса агар тош ёғмайдим!
Бир дона ҳам кўсак қолдирмасдан,
Ҳуқуматга тўплаб берамиз!»

«Бу сўзларда замонанинг қаҳрамонининг («кўзлари хира», «Ўзи эса жуда ҳам қари» Назир отанинг) тетик ва мағрур руҳи янграйди».

«Менга деса агар тош ёғмайдим!» — деб зугум қилиб «7 ёшдан 70 ёшгача» ҳаммага «Бир дона ҳам кўсак қолдирмасдан» қор-ёмғирда, аччиқ изғиринда пахта тердирдик. Ана шунда шеър кимларгадир амалда қўл келиб, дастак бўлди.

Иккинчиси «Кўкан» поэмаси ҳақида.

Авалло, «Чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар» халқ мақоли. Маълумки, мақоллар халқ донишмандлигининг жавоҳирларидир. Кейин бой колхознинг ишлари ўлда-жўлда бўлар, деганида кўпнам адашмаганини, мана, кўриб ўтирибмиз. Қишлоқ қарияларининг гурунларда «колхоз-совхоз дегани унга эгалик қилаётган беш-олтита дўканининг босиб ёб ётадиган жойи экан-да» деганларини кўп эшитганмиз, эшитмоқ не, кўряпмиз.

Поэмадан:
«Бир неча ой уннаб бўлган тракторчи,
Овқат-озик керакдан мўл: «Сен же — мен же» —

деб ўқиймизу, магазинларнинг бўм-бўш пештахталарига анграйиб қараб бош қашлаймиз.

Райком вақили Турсунов колхоз йигилишида сўзларкан, шундай дейди:

«Ўзбекистон иттифоқдош элдан бири,
Пахта учун энг қобилдир унинг ери.

Бир баҳя ҳам сўвли ерлар бўш қолмасин,
Ишлар бориб пачавага тақалмасин.

Ҳа, райком, ундан ҳам юқори ком-комлар вакилларининг айтганини бажардик: бир баҳя ҳам сўвли ерлар бўш қолмади, еримиз ҳам, ўзимиз ҳам қобилмиз, деб пахта экдик. Лекин ишлар пачавага бориб тақалди: Орол жонталаш, жаннатий мевалар қани, бориям захарланган, элнинг аҳволи соғлиғи-чи?!

«Хали бизи бир неча ўн миллиондан мўл — Пахта керак, ўртоқ, колхоз, сергакроқ бўл!»

«Мен не дейману, қўбизим не дейди» — демай-

Мен не дейман?

дими, ҳозирги куннинг ақли расо ҳар бир кишиси буни ўқиб.

Энди ростини айтиш, мен — бир адабиёт ўқитувчиси бу асарни ўқувчиларга қандай тушунтирай. Ибромнинг мазмуни ва уни шарҳлаган дарслик асосидами? Ўқувчиларни яна алдайинми, ёлгон гапириб?

Педагог Бўстон Раҳмонова «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1989 йил 6 январь) газетасида «Биз педагоглар ҳанузгача сийқаси чиққан методологик андозалар, жонли тилдан йироқ, ўлик мушоҳадалар ва қотиб қолган тасаввурлар асосига қурилган дарсликлардан қутула олмаямиз» — деб ёзди. Бу фикрга мен ҳам тўлиқ қўшиламан.

Энг ачинарлиси бундай дарсликлар ўқувчиларни мўъжизакор сўз санъати — бадий адабиётдан бездираётти. Бу ҳол бамисоли айиқ эгасининг пешонасига қўнган пашшани ўлдирман, деб эгасини ўлдириб қўйгани ҳақидаги нақлни эслатади. Ёшларимизнинг кўп ҳолларда бадий асарларга қизиқмасликлари ва ўқимасликларига сабабкорлардан бири дарсликлар ва хрестоматияларга киритилган бир қатор бадий асарлардир. «Совет адабиёти хрестоматияси» (10-синф)нинг мундарижасига бир қаранг. Бу асарларнинг талайи ўқувчи — ёшлар қалбига, онг — шуурига таъсир қилмайди. Кўпчилиги гоёбозлик руҳидаги асарлардир. Ахир, замонлар ўзгаришти-ку! Қачонгача юқорида тилга олинган ва уларга ўхшаш асарлар билан ёшларимиз маънавий оламини «бойитамиз». Ҳозирги ёшлар матбуот, кино, телекўрсатувлардан (айниқса, видео) ҳар куни баҳраманд. Қаёқдан қизиқсин сийқа ва даққиюнсудан қолган, нуқул нимранг гоъвий, синфий, мафкуравий руҳдаги асарларга...

Мен «Кавказ асири», «Чин инсон қиссаси», «Полк ўгли», «Утган кунлар», «Қутлуг қон», «Ииллар армони»; «Сўна», Жек Лондон ҳикоялари, «Робинзон Крузо», «Спартак», «Мунгли кўзлар» асарларининг мазмунини ҳикоя қилаётганимда ўқувчиларим кўзида ҳайрат, бутун вужудларини чулғанган диққат-эътиборни кўраётганиман касбимдан қониқиб ҳис этаман. Ҳаётим, меҳнатим бесамар ўтмаётгандек туюлади. Аммо, минг афсуски, кўп дарсларда ўқувчиларни қўяйлик, ўзим

зериқаман, чор-ночор 45 минутни ўтказаман... Менинг топган чора дарсликдан ташқари ўқувчилар ёши ва қизиқишига монанд китоблар, газета ва журналлардаги асарлардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Бу борада «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» газеталари, «Ёш куч» ва «Ёшлик» журналлари қўл келаяпти. Рус тилида чиқаятган асарлардан ҳам фойдаланаман, албатта.

Дарсликлар аҳволининг ноҳорлиги ҳақида марказий матбуотда ҳам бот-бот асосли фикрлар айтиляпти. Аҳвол фақат биздагина ташвишланарли эмас. Катта қарвон изидан юрган кичик қарвон бўлганимиздан кейин муштараклар бўлиши ҳам табиий. Лекин бизнинг дарсликларимизнинг савияси рус тили ва адабиёти дарсликлари савиясидан ҳам тубан эканлигини исботлаш қийин эмас. Дарсликларимизнинг тақлидан ва таржима орқали яратилганлигини (айниқса, ўзбек тили дарсликлари рус тили дарсликларини калька, сўз-ма-сўз таржима қилиш асосида яратилганлигини) ҳисобга олсак, тақлиднинг, таржиманинг аслиятга қараганда нечоғлик ютқазини аён.

«Известия» (1989 йил 19 май) газетасида мактабга доир мақолада муаллиф шундай дейди: «Дарсликларимизнинг кўплари, афсуски, яхши эмас. Айнақса, улар учун умумий бўлган бир белги — уларнинг зерикарилигидир!»

Муаллиф дарслик яратувчиларда қатор илмий ва амалий иқтидорлар орасида адабий талант ҳам бўлиши лозимлигини айтади ва охириги талабнинг бида умуман унутилганлигини афсусланиб қайд этади.

Мақола муаллифи физика-математика фанлари доктори А. Гладкий. Ўзбек физик-математикларидан бундай фикрни қутушга ҳали эрта чоғи. Лекин, ўзбек филология фанлари докторлари, профессорларидан нега ўзбек тили ва адабиёти дарсликларининг ҳозирги аҳволи, уни яхшилаш чоралари ҳақида бирон гап эшитмаймиз? Ҳар ҳолда мен матбуотда ўқиганым йўқ. Бироқ, фалон вақтда сен унақа дегансан, мен бунақа деганман, бу ёзувчининг сен балчиққа булғадинг, сен эса тил-ёғламалик қилиб мақтадинг, қабилидаги даҳана-

ки жанглари газета-журнал саҳифаларидан муқим қулоч-қулоч жой эгаллаб келаяпти.

Хайриддин Султонов «Адабиёт дарсликлари — фарзандларимизнинг маънавий ризқидир. Биз фарзандларимиз ризқиға хиёнат қилмаслигимиз, уларга ҳалол, пок маънавий озуқа туттишимиз лозим» деган калимасида минг бора ҳақ. Бу сўзлар ҳаммамизга тааллуқлигидан келиб чиқсак, ипириқчи илинжу, арагани куруқ опқочиларни ташлаб, имон-эътиқодни дилга жо қилиб фарзандларимиз ризқини, маънавиятини, демакким, истиқболимизни кўпроқ ўйлайлик ва шу мақсад йўлида хизмат қилайлик. Шунда тилимиз ҳам, элимиз ҳам ҳеч заволларга дуч келмагай!

Ўзбек тили дарсликлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада аҳволимиз адабиёт дарсликларидан ҳам ёмон. Биз мактабда асосан ўзбек тилини «ўргатамиз?» Ўқув йилига V—VIII синфлар учун жаъми 544 соат ўзбек тили дарслари, айнан шу синфларда жаъми 272 соат адабиёт дарслари ажратилган. Ҳозир тил муаммоси ҳаёт-мамонт даражасига кўтарилди. «Тил — халқнинг номуси» («Ёшлик» № 4, 1989 йил) дейди таниқли шоир ва таржимон Жамол Камол. Бас, ҳаёт-мамонтимиз, номусимиз бўлган тилимизга давлат тили мақоми берилган экан, даставвал тилимизни росмана ўрганишни йўлга қўяйлик.

Ўзбек тили дарсликлари ҳақида ҳам кўп йиллардан буён нотинч ва қониқтирмайдиган ўй-хаёллар борки...

Хайриддин БОЙМАТОВ,
Нурота шаҳри, 5-ўрта хуна-техника билим юрти
тил адабиёт ўқитувчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Минбарда нутқ сўзлаётган кишига «ундай деб эмас, бундай деб гапир» дейиш маданият мантига тўғри келмайди. Худди шу нуқтаи назардан мазкур чикишни бетаҳрир эълон қилдик. Бу дегани муаллифнинг фикри билан редакциянинг фикри уйғун деган гап эмас. Қани, бошқалар нима деркин? Бошқа фан ўқитувчиларимиз ҳам дарсликка бир қараб, ҳаётга бир қараб икки ўт орасида азобланишяптими? Маърузаларингизни кутамиз!

АЙБ ҲАММАМИЗДА

Ўзбекистон телевидениесининг мактаб ҳаётига бағишланган бир кўрсатувда ҳурматли профессоримиз Озод Шарофиддинов билан ёзувчи Худойберди Тўхтабоев ҳам иштирок этган эдилар. Улар республикамиздаги ўқиш-ўқитиш ишларининг савияси жуда паст эканлигини мисоллар орқали кўрсатиб ўтдилар. Жумладан 1988 хўжалик йилида ўқувчилар пахта йиғим-терим компаниясига жалб этилмаганлигини алоҳида қувонч билан таъкидлаб ўтишди.

Ҳақиқатдан ҳам ўтган ўқув йилида ўқувчилар пахта йиғим-теримига оммавий равишда олиб чиқилмади. Бу ўқувчилар пахтага чиқмади деган сўз эмас. Йиғим-терим компанияси давридаги ҳолатга эътибор беринг. Дарс мактабда соат бир яримларда тугайди. Кўнғироқ бўлиши билан болалар чопганича уйга йўл олишади. Яримта нонни тишлаб, фартугини бўйнига осиб яна орқага қайтади. Соат иккиларда машина ўқувчиларни олиб пахта даласига жўнайди. Ўқувчи овқатланмоқчи ёки дам олмоқчи бўлса машинага улгуролмайди. Пахтага бормаса бўлмайди — деган савол тугилиши табиий. Бўлмайди. Отасининг ойлик иш ҳақи 140 сўм атрофида. Декабрь, январь, февраль ойларида шу ҳам йўқ. Авваллари пахтага фақат юқори синф ўқувчилари жалб этилган бўлса, энди ўз ихтиёри билан биринчи синф ўқувчиларидан бошлаб чиқишяпти. Пахта даласига ўқувчи етиб ҳам борди дейлик. Уларга раҳбарлик қиладиган ҳеч ким йўқ. Бола қаровсиз қолади. Бундай ҳолларда ҳар хил кўнғилсиз воқеалар содир бўлиши мумкин. Битта мисол келтирай: 1987 йилда еттинчи синфда ўқийдиган қиз болага уйли-жойли бир киши кўпол гапирган. Қиз бола ўзига ўт қўйган. Яхшиямки бу ишдан ўз вақтида ҳабар топишиб бир норасиданинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Қишлоқда яшаш тобора қийинлашмоқда. То-

морқа бор, лекин сув йўқ. Уйда мол сақлаш фойдали, бироқ уни боқадиган яйлов йўқ. Кейинги пайтларда оила ва ижара пудрати тўғрисида кўп ижобий фикрлар айтилмоқда. Ҳақиқатан ҳам ишни ташкил этишнинг прогрессив усуллари булар. Аммо ҳамма пахтакорлар шу системага ўтадиган бўлса, ҳамма ҳам ер ололмайди. Ҳаммага ҳам бир хил шароит яратилмайди. Ҳар бир колхоз, совхознинг ўз «арзандалари» бўлади. Уларнинг экин майдони ариқ бўйида. Улардан қолса сувни бошқалар олади. Техника, ўғит ва ишчи кучи билан биринчи навбатда таъминланадилар. Бошқалар планни тўлдирса ҳам эплаб ҳақини ололмайди. «Арзандалар»нинг бу соҳада ҳам ишлари жойида бўлади. Шаҳардан келган муҳбирларнинг нигоҳи ҳам фалакнинг гардиши билан шуларга тушади. Ўзбек пахтакорининг турмуш тарзи шулар мисолида кўрсатилади.

Иқтисодий масала тарбияга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бир ўқувчи ярим оч пахта таради. Иккинчисининг иқтисоди яхши — у кўчада велосипедда сайр қилиб юради ёки мотоцикл миниб кўча чагитади. Булар бошқа болаларга таъсир қилмасдан қолмайди. Болаларни ҳамма нарсдан кўп муҳит тарбиялайди. Доҳиймиз К. Маркс айтганидек: «Модомики шароит кишилар характерини белгилар экан, демак уни инсоний шароитга айлантириш керак».

Тушгача мактабда ўқиб, тушдан сўнг пахта теришга борган ўқувчи дастурхон устида ухлаб қолади. У қачон дарс тайёрлайди? Биз хоҳлаётганимизми хохламаймизми пахта йиғим-терими даврида ўқиш-ўқитиш жараёни қониқарсиз бўлади. Эстониялик ўқувчилар Чингиз Айтматов романини муҳокама қилиб ҳурматли ёзувчимизга (Х. Тўхтабоевни назарда тутяпман) онгли савол билан мурожаат қилган бўлсалар, бизнинг қишлоқ ўқувчиларимиз номини бутун дунё биладиган машҳур қирғиз ёзувчи-

сини асарларини ўқиш у ёқда турсин унинг кимлигини ҳам билишмайди.

Ҳамма айбни ўқувчиларга қўйиш ноинсофлик бўлади деб ўйлайман. Бугунги қишлоқ ўқитувчисининг айримларини ҳолати ва билим савияси ва маънавияти ўқувчисиникидан кам фарқ қилади.

Ўқитиш системасига келсак ҳафталик соатлар сал кўпроқ. Програмада кўзда тутилган мақсад қишлоқ болалари ерда бўлса улар осмонда. Кераклиги ҳам ўқитилади, кераксиз ҳам. Баъзи фанлардан програма материали мутахассис ўқитувчига оғирлик қилади. Ўқувчи уни қандай ўзлаштиради? Ўқувчи бу фандан ташқари яна бир кунда 5—6 та фанни ўзлаштириши керак. Натижада ўқувчи ҳаммасини ҳам йиғиштириб қўя қолади.

Кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам ишларимиз талабга жавоб бермайди. Мен 12 йилдан буён муаллимлик қиламан. Шу давр ичиде кузатишларим шуни кўрсатадики, саводли ўқувчиларимиз камдан-кам ҳолларда олий ўқув юртиларига ва техникумларга кирмоқдалар. Оғиздан бирон калима тўғри сўз эшитмаган талабаларимиз эса осонгина ўқув юртиларига «илашиб» олмақдалар. Надоматлар бўлсинким бу нохуш тасодиф ҳозир ҳам такрорланиб турибди. Бу бизнинг энг асосий фожиаларимиздан биридир. Чунки у бугун студент, эртага ўқитувчи ёки медицина ходими, сўнгра катта лавозим эгаси. Халқ эса етук мутахассис ва доно раҳбарларни орзу қилаверади.

Хулоса шуки, маориф ишини қайта қурмасдан жамиятни қайта қуриб бўлмайди.

Ором МАДАТОВ,
Қашқадарё область, Ульянов районидagi
Ҳ. Ҳўжаматов номли 15-ўрта мактабининг
физика ва техника ўқитувчиси.

ВАҚТ-ОТТИН ФРОНТ

(Республика ёш физик ва математиклар мактаб-интернатининг 8 «А» синф ўқувчиси Феруза Шодмонова мактубига жавоб).

Мен педагог сифатида Феруза Шодмонованинг мактубидан ажабланмадим, чунки бундай саволларни бизнинг ўқувчиларимиз ҳам бериб туришади. Чунончи «Вазифалар жуда кўп, биз улардан қай бирига улгурамиз, озроқ вазифа берилса бўлмайди», — дейишади. Ҳатто бундай гапларни мактаб ва РайОНО раҳбарлари оғзидан ҳам эшитиш мумкин: «Қурувчи бўлишни хоҳлаган ўқувчи Пифагор теоремасини ёки олмош деб нимага айтилади каби саволларни билиши шартми, баҳосини қўйиб беринг, ҳужжатини олсини кетсин» қабилда фикрлашяпти.

Шундай тарзда фикр юритиш тўғрими? Менимча, мутлақо нотўғри.

«Мен математика билан кўпроқ шуғулланай десам, бошқа фанларни ҳам бажаришим керак, вақт етмайди» дебди Феруза ҳам. Ферузахон, шуни билингки, фақат математика билан шуғулланган ўқувчи келгусида кучли математик бўлиши мумкин, аммо у том маънодаги математика ўқитувчиси бўла олмайди. Сабаби ўқитувчи болаларга билим берибгина қолмай тарбия ҳам беради. Тарбиячи бўлиш учун эса ўз фанини чуқур билиш билан бирга, бошқа фанларни ҳам энг камида ўрта мактаб программаси даражасида билиши, ўз билимини мунтазам орттириб бориши керак бўлади.

Тўғри, Ферузани ҳам бир қадар тушуниш керак. Бунинг сабаблари турғунлик даври билан боғлиқ. Ислохот амалга оширила бошланганига тўрт йил бўлаётган бўлса-да ҳали дурустроқ натижа йўқ. Аслида Феруза мактабда билиши керак бўлган билимга тўла эга бўлди? Унинг муаллимлари, қолаверса, атроф ва оила муҳити талаб даражасида билим олишга имкон берадими? Агар масалага дурустроқ эътибор берадиган бўлсак, Ферузанинг ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган қатор чигал муаммолар борки, бугунги кунда Феруза бошини чангаллаб турибди.

Мамлакатимиз миқёсида қайта қуриш, жадаллаштириш ишлари амалга оширилаётган экан, бу инқилобий жараённинг ўқувчиларга ҳам дахлдор томони бор. Уша турғунлик даврида олинган чала билимларни бугунги кунда тўлдириб боришга, бошқача қилиб айтганда, кўпроқ сабр ва чидам билан ўқишга тўғри келади.

Феруза, фақат сизгина эмас, республикамиз миқёсида Сизнинг тенгдошларингиз ўзига боғлиқ бўлган ва бўлмаган ҳолда анчагина вақтларини бой бердилар. Бу — ҳамма нарса бўларича бўлди, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, дегани эмас, албатта. Эндигина ўсмир ёшида бўлган Феруза сингари ёшларнинг келажаги ҳали олдинда. Илми эгаллаш йўлида курашиш, курашгандаям киши ўзига тўла ишонч, зўр ғайрат, ташаббус билан курашиши керак.

Шу ўринда ўқитувчиларга ҳам тааллуқли фикрлар бор. Демокриманки, ўқитувчилар ҳам ўқувчиларнинг олтинга тенг вақтларини беҳуда совурмасликлари керак. Карл Маркснинг шундай гапи бор: «Йигирмата бир хил масала ечгандан кўра, бир хил масалани йигирма хил йўл билан ечган афзал».

Шундай бир мисолнинг гувоҳи бўлдим. Ўқитувчи ўқувчига бир ҳафтада 100 та мисолни ечишни мустақил иш қилиб берибди. Мисолларни назардан ўтказар эканман, уларнинг кўплари бир хил формула билан ечиладиган

мисоллар экан. Кўриниб турибдики, бу усул ўқувчининг беҳуда вақтини ўғирлайди. Тўғри, ўқувчида малака ҳосил қилиш учун бир хил формулада ечиладиган мисоллардан учта-тўрттадан бериш мумкиндир, аммо ана шундай мисоллардан йигирмата бериш, менимча, тўғри эмас.

Утган йили Ўзбекистон радиосидан болалар ва ўсмирлар учун берилган эшиттиришларнинг бири диққатимни тортди. Уша эшиттиришда ёзувчи Асқад Мухтор шундай деган эди:

«Мени Москвада таржимоним бор. Унинг Саша исми ўғли бор. Биз Саша билан дўстмиз, у билан суҳбатлашиб тураман. Саша хитойшунос бўлмоқчи. У Хитой халқ республикасига оид илмий, бадий китобларни, бу республикага оид 20дан ортиқ хариталарни йиғибди ва ўрганишга киришибди, Хитойда ўсадиган гуллардан намуналар тўплабди... Мен ёш дўстимнинг келгусида хитойшунос бўлишига ишонаман».

Мен Асқад аканинг гапларидан қаттиқ таъсирландим. Аслида ҳар бир болада қандайдир қобилият бўлади. Аммо бу қобилият отонанинг ва ўқитувчининг нўноқлиги туйғайли сўнади. Биз, ўқитувчилар болаларнинг эҳтиёжига яраша билим ва шуур бера олмаямиз. Аслида асосий кулфат ҳам мана шунда. Ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида машҳур педагог Амонашвили ҳам шунга яқинроқ фикрларни айтган эди.

Ленин мукофоти лауреати Чингиз Айтматов «30—40 болани бир синфга қамаб олиб дарс ўтиш методи 300 йилдан бери давом этяпти. XXI аср боласиниям ана шу методда ўқитсак тўғри бўлармикан» дейишида ҳам жон бор. Умуман олганда, болалар эҳтиёжини тўла таъминлайдиган ўқитишда туб сифат ўзгариши ясаш керак...

Мактабимизда 2 — «А» синфда ўқийдиган Маъруф исми бола бор. Ана шу ўқувчи опаакаларига тақлид қилиб шеърлар («Шарқ юлдузи», «Ёшлик» ва республика газетаси саҳи-

фасидаги шеърлардан) ёд ола бошлади. Қарангки, салкам уч ой мобайнида 1000 мисра шеър ёд олди. Буни Маъруф ҳеч кимнинг кўргазмасисиз, уй вазифаларига ҳалал бермаган ҳолда бажарди. Ҳолбуки, 10-синфда ўқийдиган айрим ўқувчилар 20 мисралик шеърни ҳам катта қийинчилик билан ёд оладилар.

Мен Маъруфнинг шеър ёд олишини кузатдим. У шеър саҳифаларини икки-уч бор ўқиб чиқади ва ҳаёлида сатрларни тиклаб ёд айта бошлайди. Ундаги кучли хотиранинг ҳосил бўлишини кўп ўқиш, астойдил қизиқиш туйғайли юзага келган кўникма ва малаканинг натижаси деб билдим. Агар ёшликдан киши хотирасини ривожлантирса, ўқиб олишга (ўқишга эмас, диққат қилинг: ўқиб олишга) одатланса илм бобидаги машаққатларни осон енга беради. Тўғри, бирон бир нарсани қуруқ ўзинигина ёдлаш кифоя қилмайди. Асосийси болада фикр, тафаккурни ўстиришга эътибор бериш керак.

Мен Феруза Шодмоновага ҳар нарсага қизиқувчан актив фаолиятга эга бўлишини маслаҳат бераман. Киши биринчи навбатда ўз иродасини тарбиялай билиши керак. Шу сатрларни ёзар эканман, шоира Мухсина Бобоеванинг «Ирода» шеърдан айрим парчалар ёдимга тушяпти:

Ҳаётда синамоқ учун гоҳ ўзим,
Дордан юрмоқ учун ҳамиша осон
Сен менга курашни ўргат, Ирода, —

деган эди у.

В. И. Ленин Ёшлар Союзининг III съездида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Сиз инсоният яратган барча билимларни ўқиб ўрганмасдан туриб Коммунистик шиорлар билангина коммунист бўлиш мумкин, деб хулоса чиқарсангиз янглишган бўласиз, чунки коммунизм ўзи ана шу жаъми билимларнинг қонуний натижасидир». Ҳозирги ёшларимиз Лениннинг мазкур доҳиёна сўзларига амал қилишлари керак.

Икром РАСУЛОВ



ЭЪТИҚОДЛАГА Тўғридоғ



1. Ҳалоллик — кенг маънога эга тушунча. Ҳалоллик — буюкликдир, дейди донолар. Инсонни ҳайвонот оламидан ажратган асосий хусусият онглилик, деб талкин этадилар. Инсоннинг бош белгиси, менимча, ҳалолликдир. Ҳалоллик ондан ҳам қадимийроқ бўлиб, онгли фикрлаш ҳалолни ҳаромдан фарқ қилишдан бошланган, деб ўйлайман.

Ҳалоллик — меҳнаткаш халқ юсак кадрлайдиган асл фазилат, муқаддас идеал. Ҳалоллик бутун инсоний фазилатнинг тағзамини, миллий ифтихоридир. Халқ ҳамма вақт ҳалоллик туғи остига тўпланган. Ҳалолликни мужассамлаштирган шахсга ихлос қўйган, уни идеаллаштирган, истиқбол рамзи, деб билган. Деҳқон ҳаётий ҳалолликнинг тирик тимсоли. Алишер Навоий деҳқонни оламнинг боқувчиси, деб улуғлайди. Деҳқонни ер — заминнинг худоси даражасига кўтарган мўъжиза — ҳалол меҳнатдир. Деҳқон ерга шу қадар табиий боғланганки, ўзгача ҳаёт кечирини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ер эса, фақат ҳалол меҳнатга ҳақ беради, ноҳалолликни дар қолдиради. Одамни фақат ер тўғдиради, ердан узоқлик қашшоқликка олиб келади.

Шаҳарда яшовчилар дон, пахта, ёкилги, чорва маҳсулотларини етиштириш машаққатини кўпинча сезмасдан истеъмол қиладилар. Бундай ҳол табиат маҳсулотларига бепасанд, беқадар муносабатда бўлишга олиб келади. Табиат ресурсларига нисбатан исрофгарчилик нопокликнинг бошланишидир. Исрофгарчилик — табиат ва эл меҳнатига ҳурматсизликдир. Экологик ҳалоқат, Орол денгизи фожиаси табиатга нопок муносабатнинг оқибатидир. Биз табиатдан нимаки имконияти бўлса, ҳаммасини олдик, бироқ унга қайтаришни унутдик. Табиат бу ноҳалоллик учун ўз фарзанди — инсонни жазолашга ҳақли эди. Жазолашга киришди — Орол фожиасининг бошланиши, сувнинг, ернинг, об-ҳавонинг захарланиши, инсон зотига ҳар қандай ядро урушидан даҳшатлироқдир. Ядро уруши яшн тезлигидаги қиёматқойим бўлса, экологик фожа аста-секинлик билан рўй берадиган ялли кирғиндир. Табиатга муносабатни онага муносабатдай муқаддас туйғу даражасига кўтармасдан туриб, биз ўзимизни онгли маданий инсон ҳисоблай олмаимиз.

Кундузнинг қоронғи кечаси бўлганидек, ҳалолликнинг душмани нопокликдир. Нопоклик — бамисоли захарли чирмовуқ. Одамнинг қўл-оёғини, фикр-қарашларини, бутун вужудини қамраган темир исканжа.

Нопоклик — тотув оилавий турмуш, болалар тарбияси заволи. Нопок хонадонда тарбия топган фарзанд бамисоли гўнг устида ўсган гул. Нопоклик қон ва сут орқали зотга ўтиб, янги авлодларни захарлайди. Илондан илон, чаёндан чаён туғилади, деган гап бор. Миллион йиллар халқ кузатуви ва тажрибасидан ҳосил бўлган бу мақолнинг мажозий маъносини инсон ҳаёти кўп ҳолларда эътироф этади.

Нопоклик — инсоний — илмий эътиқоднинг заволи. Эътиқод — ижтимоий инсоннинг тириклик рамзи. Эътиқоднинг сўниши инсон қўлидаги машъалнинг бирдан лоп этиб ўчиб қолишидир.

Бу — ижтимоий шахснинг ўлими демакдир. Унинг ўрнида инсон қиёфасидаги табиий мавжудот амал қила бошлайди. Бундай кимса бошқа онгсиз мавжудотлардан даҳшатлироқдир. Табиий мавжуд ўз шахсий эҳтиёжини қондириш учун фикрсиз ҳаракат қилади. Эътиқодсиз шахс худди шу мақсадда фикрли ҳаракат қилади. Бу эса, чегарасиз хиёнат ва разолатларга олиб боради. Эътиқодига доғ туширган кимса, эгаллаб турган лавозимига, халқ ва партия ишига хиёнат қилган шахсдир.

Турғунлик йилларини мен нопоклик даври, деб аташни истардим. Брежневчилик партия, совет давлати, халқ тарихида ўчмас доғ бўлиб қолди. «Огонёк» журналининг (1988 йил 48-сон) салмоқдор далиллар таҳлилига асосланган хулосасига кўра, брежневчилик мамлакатимизда ҳозир ҳам кенг миқёсда амал қилаётган махфий ташкилий жиноятчилик иллатини тўғдирди. Бу иллат инқилобий қайта қуриш жараёнига бош тўсиқ бўлиб турибди.

Нопокликнинг бошқа бир фарзанди ЖАЗОСИЗЛИҚДИР. Миллионларни ўпирган корчалон битта ҳайфсан билан ҳамма нарсадан холи бўлиб, янги, баландроқ курсига ўтираверади. Жазосизлик ҳозирги вақтда ҳуқуқ-тартибот органларидаги кўпгина беқарор шахслар фаолиятини разилона ҳаракатга келтирмоқда. Матбуотда эълон қилинаётган оғир дардли суд очерклари бунинг далилидир. Жазосизлик — мохиятани жиноят билан баб-баравар. Жиноятни жазоламаган судья ўша жиноятни каттароқ қатламда такрор содир қилган шахсдир.

Юқоридаги саволда маошлари оила эҳтиёжига етишмаётган кишилар ўзлари ишлаб турган жойдан бирор нарсани ундириб кетишса, уларни ўғирликда айблаш тўғри бўладими? деган гап бор.

Ҳамма соҳадан, жумладан боғчадан ҳам сизу бизнинг болаларимиз ризқини қийиб, ташиб кетиш ноинсофликдир. Академик Бекжон Тошмухамедов Фарғона областида боғчадаги болаларнинг ҳар бирига кунига 5 граммдан гўшт тўғри келишини ёзади. Бу миқдор болаларнинг оқсигла бўлган талабининг ўндан бирини ҳам қондиролмайди. Икки килограмм гўштдан икки юз болага мўлжаллаб пиширилган овқатни тасаввур эта оласизми? Бу масалликдан тарбиячилар юлиб қолгудай бўлса, гўдақларнинг холи не кечади?..

Ташмачилик — ҳеч бир соҳада ҳеч қачон оқлаб бўлмайдиган ўғирлик. Ташмачилик шундай ўпқонки, унга ўргангандан сўнг оила эҳтиёжи ҳеч нима бўлмай қолади. Текин даромад — беҳаё очқўзликни тўғдиради. Ҳаром бойлик тўплаш асосий мудаога айланади.

Ғалласи ўриб олинган ангордан дон ташиб кетаётган сон-саноксиз чумолиларни кузатганмисиз? Беш-ўн завод ёки фабрикада турли хуфия йўллар билан ташиб кетилаётган маҳсулотни мен ана шу чумолилар қаторидай тасаввур этаман. Бутун мамлакат миқёсида ҳисобланганда бундай ўғирлик миллиардларни ташкил этади. Ташмачилик ҳозирги иқтисодий тангликнинг асосий сабабларидан бири эмасми?

Турғунлик даврида ўғирлик — ғайри ахлоқий ҳодиса ҳисобланмай қолган эди. Оддий ишчи, хизматчиларнинг маоши ўз моддий эҳтиёжларини таъминлашга етмаётганлигини айтганларида «Ҳозирги вақтда ҳеч ким фақат маоши билан кун кечирмайди», деган экан «даҳо» Брежнев мийғида кулиб. Уғриликнинг мамлакат миқёсида амал қилиши — брежневчиликнинг мамлакатимизга келтирган сиёсий-иқтисодий, маънавий зарари сталинизмникидан кам эмас, балки ортироқдир.

Боғча тарбиячиси маошининг моддий эҳтиёклар талабидан гўят паст эканлигининг ижтимоий-иқтисодий сабабларини излаш керак. Кейинги чорак аср мобайнида республика аҳолисининг реал-муайян даромади, яъни иш ҳақининг харид қуввати гўят даражада камайиб кетди. Пулнинг қадри 1962 йилдагидан 60 фоиз пасайди. Демак, биз чорак аср илгари ўз маошимизга сотиб олган нарсанинг ҳозир 40 фоизига эга бўлмоқдамиз.

Республикамиз моддий ресурсларининг 90 фонддан кўпи бошқа регионларга қайта ишлаш учун ташиб кетилаётганлиги сабабли миллий даромад гўят камайди. СССРда миллий даромад жон бошига йилига 2000 сўм бўлгани ҳолда республикамизда 1200 сўмни ташкил этади. Жон бошига гўшт истеъмоли СССРда 64, Ўзбекистон бўйича 29, кишлоқларимизда эса 8 килограммга тўғри келади. Киши организмда оқсил камайиши турли касалликларнинг авж олишига олиб келди. Тадқиқотчиларнинг далолат беришича, ҳар бир соғлом киши давлатга бир кунда 75 сўм фойда келтиради. Демак, биз бир ёки бир ярим кунлик меҳнатимизга тўғри келадиган маош олиб тирикчилик кечирамиз.

Монокультура экин пахтанинг нархи ва қайта ишланиши масалаларини адолатли ҳал этиш, халқимизнинг моддий аҳволини яхшилашга, шубҳасиз, ёрдам қилар эди.

Халқ манфаатларига доир долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда демократия ва ошкоралик вазиётида сайланган халқ депутатларидан умидимиз қатта. Етмиш йил давомида бизда кўғирчоқ сайловчилар ва кўғирчоқ депутатлар системаси амал қилди. Эндиги халқ депутатлари фақат халққа бўйсунадиган, ҳар жиҳатдан даҳлсиз ва мустақил бўладилар. Халқдан ўзга ҳеч бир ташкилот ёки шахс уларга таъсир кўрсата олмайдди. Янгидан сайланадиган депутатлар халқ дурди ва эҳтиёжини мамлакатимиз олий органларида дадил ҳимоя қилиб чиқадилар. Муаммоларни ҳал этишга фаол иштирок этадилар.

2. Америка Қўшма Штатларида, шунингдек, бошқа айрим капиталистик мамлакатлардаги маош миқдори бизникидан фарқ қилади. Бу — ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, ижтимоий системаси билан боғлиқ масала. СССРда халқнинг ижтимоий эҳтиёжи масалалари текин бўлгани ҳолда АҚШда пуллик. Икки хоналик квартира ҳақи бизда 12 сўм, Америкада 200 доллар туради. Уларда трансурқхона харажатлари 300 доллардан ошқ, транспортда юриш ҳақи, кино театрлар беш-ўн баравар қиммат (нархлар турли даврларда ўзгариб туради). Германия Федератив Республикасида ҳар бир касалликнинг нархи кўрсатилган прейскурантлар мавжуд.

Бизда жамоатчилик асосида жорий этилаётган пуллик корхона ва ташкилотлар халқ эҳтиёжини тўлароқ қондиришга мўлжалланган қўшимча тадбирлардир. Ижтимоий эҳтиёжларга текин хизмат кўрсатишдан иборат Давлат системаси олдида пуллик хизматлар бир учқундир. Одамларнинг асосий меҳнатдан ташқари вақтларда ўз эҳтиёжи учун даромад ишлашини ҳисобга олиб, ташкил этилган пуллик система ихтиёрийдир. Абитурентларни кириш имтиҳонларига тайёрлаш — ҳалол меҳнат. Мутахассис ишдан ташқари вақтларида меҳнат қилгани учун муайян ҳақ олади. Бу — мутахассисга ҳам, абитурентга ҳам фойдали. Бироқ, олий мактаб домласи абитурентни холис тайёрлаш билан қифояланмасдан ўзи ишлаб турган олий мактабга ўқшга киритишга ёрдамлашган тақдирда буни лавозимини гаразли мақсадларда суиистеъмол қилиш, деб қарашга тўғри келади.

Кооператив ва бошқа пуллик корхона ва муассасалар ҳаётимизда янгилик. Янгиликнинг қарор топишида, ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам бўлади. Халқ истеъмоли соҳасидаги баъзи кооперативлар ўзлари яратган маҳсулот асосида ёки бозордан сотиб олиб, хўжалик юритиш ўрнига давлат товарларидан хуфия фойдаланиб, пул ишлашга киришиб кетдилар. Тошкент аҳолиси учун ҳар суткада чиқарилаётган 90 тонна гўштининг ярмидан кўпроғи кооперативлар қўлига ўтиб кетмоқда, деб ёзади марказий газеталардан бири. Магазинлардаги серталаб ноёб молларнинг айрим этикетка белгилари қисман ўзгаририлиб, кооператив номидан қиммат нархда сотувга чиқарилмоқда. Шахсий тақсилар кишлоқдан келган авом халқни шилиш билан шуғулланмоқда. Бошқа соҳа кооперативларида нарх белгилашда бошбош-

доқлик, ҳатто фирибгарликлар содир бўлаётганлиги сир эмас. Езувчи Нурали Қобул кооператорлар халқни талаб, хонавайрон қилмоқда, деб ёзди. Аммо ҳуқуқ-тартибот органлари кооператорлар фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатишда негадир сусткашлик кўрсатмоқдалар.

3. Фалон олий мактаб домласи пора билан қўлга тушибди, суд қилинибди, ҳукм этилибди деган хабар илгари аҳёнда бўлса-да, эшитилиб турарди. Қайта қуриш бошлангандан бери бундай гап-сўзлар тамоман эшитилмай қолди. Бироқ, кириш имтиҳонларида порахўрлик тагин ҳам бемалолроқ давом этмоқда. Уттиз йиллик олий мактаб тажрибасига эга бўлганим учун бу соҳани бир мунча дуруст биламан, деб ўйлайман.

Бунинг сабаби нима? Нопокликка нисбатан қаттиққўлликнинг йўқлиги, ёппасига жазосизлик ҳукм сураётганлигидир. Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилишдан тортиб, кириш имтиҳонларигача бўлган жараёнда куппа-кундузи рўй бераётган қалбакичилик ва лўттибозликлардан кўз юмиш, билиб-билмасликка олиш вазиятидир. Порахўрликка қарши шафқатсизлик ўрнида аксинча имконият яратиб берадилар. Нопоклиги элга маълум бўлган, шу ишда пихини ёрган корчалонларни мутасадди қилиб белгилайдилар, имтиҳонларга бош-қош қилиб қўядилар. Бундай шахс ўз йўналишига мувофиқ келадиган эгриқўл домларни имтиҳон комиссиясига жалб этади. Ҳалол домлар йиллар давомида имтиҳонларга қўйилмайди.

Порахўрликнинг бозори ҳар йили халқ сайилидай қизийди. Ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари ҳам шу бозор оралаб терлаб-пишиб югуриб юрадилар. Порахўрларни ушлаш учун, деб ўйламанг. Улар ҳам ўз одамлари ташвишида азият чекадилар.

Хўш, бу аҳволга қандай чек қўйиш керак? Олий мактабда порахўрликнинг олдини олиш, фош этиш, менимча, қийин эмас. Бунинг учун астойдил хоҳиш-истак, чуқур ижтимоий масъулият туйғуси бўлиши лозим. Асосий талаб —

аввало олий мактаб бош мутасаддисининг ўзи пок бўлиши лозим.

Олий мактабга нопок йўл билан кирган студентларнинг билим савияси порахўрликни фош этишда бош далил бўлиб хизмат қилади. Мен ўзим хизмат қилаётган журналистика факультети кундузги бўлимга қабул қилинган 50 студент орасида муайян журналистик истеъдодга эга бўлган, савияси дуруст талабалар бармоқ билан саноклидир. Йигирма миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистонда 50 та ҳақиқий журналистик ёки адабий истеъдодга эга ёшларни саралаб олиш шунчалар қийинми?

Ишончи текширган, оғзаки, имтиҳон қабул қилган нопок домлалар фаолиятини синчков тафтишдан ўтказиб, уларни муқаддас даргоҳда дарс бериш ҳуқуқидан маҳрум этиш, зарур бўлганда жиний жавобгарликка тортиш керак. Агар мен ректор бўлсам, (бундай хоҳиш-истак изҳори ҳозирги вақтда ғайри ахлоқий ҳисобланмайди) ана шундай усуллар билан порахўрликнинг томирини қирқар эдим, деб ўйлайман. Бироқ бу эзгу ниятни амалга оширмоқ учун муайян шарт-шароит, муҳит ҳам бўлиши лозим. Порахўрликка чек қўйилганда қандай манзара рўй берад эди? Болалари ўқишга киролмай қолган пулдорлар гуруҳи билан текин мўмай луқмадан — насибадан маҳрум бўлиб қолган нопок домлалар тўдаси бирлашиб, ҳалол ректорга қарши фитна уюштиришлари мумкинми? Ҳозирги вақтда пулдор нопокларнинг кўп масалаларда қўли устун келадиганлиги сир эмас. Фитнадан қўриқиб, эзгу ниятни амалга оширишдан воз кечиш керакми? Йўқ, албатта.

4. Инсоннинг ҳалол бўлиб ўсишига дастлабки тўсиқ нопок оила. Меҳнатсиз даромад манбаига эга бўлган оилада тарбияланган бола албатта, ота-она йўлидан боришга кўпинча мойиллик кўрсатади. Меҳнатсиз текин маишат, тўкин-сочин турмуш

ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА БАҲС

кимни ўзига жалб этмайди? Вундай ўспирин меҳнатга бўйин бермайди, енгил-елпи пул топиш йўлига кириб кетади. Дехқон боласидан ташқи салбий таъсирсиз порахўр чиқмаганидек, нопок сотувчи фарзандидан ҳалол одам чиқишига кўзим этмайди. Шундай қилиб, текинхўрлик қон ва сут орқали янги авлодга ўтади, уни маънавий захарлайди.

Иккинчи тўсиқ — ўспиринлар тушиб қолган нопок муҳитдир. Магазинга ишга кирган ёш ўспирин нопок устозидан қандай қилиб тарозидан уриш, қайтимдан чегириб қолиш, харидорни қандай чалғитиш — ҳуллас, ўғирликдан сабоқ олади. Бугина эмас, юлғичлик амал қилаётган корхоналарда ҳалол, аммо қайсар ёшларни, ходимларни ўғирликка мажбур этадилар. Бу чора ҳам таъсир қилмаса, гарданига бир ботмон «камомат» ни юклаб бадарга қиладилар.

Еки олий мактабга пора билан кирган студент келажакда бу суммани бир неча баробар қилиб ундиришни кўзлайди. Юридик факультетга кириш «ҳақи» бошқасига қараганда юқори эканлигининг сабаби ана шунда.

Ҳалолликнинг кадрсизланганлиги, нопокликнинг ғайри ахлоқий ҳодисаси ҳисобланмаётганлиги ёшларнинг ҳалол кишилар бўлиб етишишлари йўлидаги тўсиқлардандир. Ижтимоий-оммавий қоралаш, яъни одамларнинг нуқтаи назари — жамоатчилик фикри илгари катта ижтимоий таъсир кучига эга эди. Фожиа шундаки, порахўрлик — уят-номус ҳисобланмай қолди. Аксинча, баъзи беқарор ёшларда бу иллат ҳавас уйғотмоқда. Яқинда бир олимнинг олтимиш йиллигида йирик порахўр зиёфатнинг энг тўрида ўлтириб олиб, совуқ ялтироқ сўзлар билан одамгарчиликдан маъруза қилди.

Ижтимоий ҳалоллик шахсий ҳалолликни тақозо қилади. Шахсий оилавий нопок кимса, ижтимоий фаолиятда ҳеч қачон ҳалол бўлолмайди.

СЎРАНГ — ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ҲОЗИҚ

«Хурматли редакция! Ўзбекистон тарихида яшаган намоёндалар ҳақида ўқиб туриб «Ҳозик» деган номга дуч келдик. Лекин унинг кимлигини, қандай шоирлигини билмадик. Шу ҳақда маълумот берсангизлар.

Наргиза ХИТАЕВА,
Советобод районидан».

Одатда, буюк кишиларни давр яратади, улғайтади, номларини дунёга танитади... уларнинг бошига фоже кунларни солади.

Тарих осмонида эсан шамол маълум даврда қора қуюнга, маълум даврда эса ёқимли насимга айланиши мумкин.

Лекин табиат Қодирий айтмоқчи, ҳасис эмас. У танги — ҳар даврга улғур кишиларни оз бўлса-да, ҳада этиб туради.

Шундай кишилардан бири — XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намоёнлари Жунайдулло Ислоншайх ўғли Ҳозик эди. «Ҳозик XIX аср адабиётида илғор идеяларни тарғиб қилишда, адабиётнинг ижтимоий аҳамияти учун курашда Махмур, Гулханий каби машҳур шоирларимиз қаторида туради. Лекин адабиёт тарихимизнинг мўътабар намоёнларидан бири бўлган бу шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид материаллар ҳали етарли даражада тўпланган эмас».

Бу сўзларни таниқли адабиётшунос олим Ғулом Каримов 1958 йили ёзган. Уша кезларда Азиз Қажумовнинг «Ҳозик» деб номланган китобчаси ҳам чоп этилган. Бироқ илғор фикрли шоиргина бўлиб қолмай истеъдодли табиб сифатида доврўғ қозонган Ҳозикнинг ижоди, фаолияти, ҳаёти кейинчалик ҳам батафсил чуқур ўрганилмади.

Ҳозик асли ҳиротлик бўлиб, Урта Осиё маданий ҳаётида камол топди ва шу ердаги адабий ҳаракатчиликда асосий ўринлардан бирини эгаллади.

У 1799—1800 йилларда Ҳиротдан Бухорога келади ва бу ердаги илм аҳли ва шоирлар ўртасида анча нуфуз ва эътиборга эга бўлади. Ҳозик шундай бир тарихий шароитда яшаб, ижод этдики, Урта Осиё уч мустақил хонликка бўлиниган эди. Феодализм ҳукмронлик қилган учала хонликда ҳам меҳнаткаш халқ ҳуқуқсиз, ҳар томонлама эзилган. Мамлакатнинг гули бўлган олимлар, шоирлар қашшоқликда, пулдор жоҳиллар эса айшу-ишратда яшар эдилар.

Шоир Бухорода яшаган даврда бу ерда амир Ҳайдар (1800—1826) ҳукмронлик қилар, саройга йиғилган шоирлар хон салтанатини мадҳ этиб куйлардилар. Уларга зид ўлароқ, Ҳозик шеърини ўзининг моҳият эътибори билан захматкаш халқнинг эзгу ниятларига, асрий истакларига ҳамоҳанг шеърини эди.

Жунайдулло Ҳозик ўзбек ва тожик тилларида ижод қилди. У ўз тузуми иллатларини фош қилди, бир-бирларини бўғизлашга ча борган тожу тахт даъвогарларига қарата шундай дейди:

*Дема тожи эрур шахнинг ғам ўди
бошина чихмиш,
Бу маъни жонига ким равшан ўлса тахту
тож этмас.*

Таъбир жоиз бўлса, бизнингча: подшоҳнинг тожини бахт-саодат тожи деб ўйлама, у ғам ўтидир. Бунинг маъносига етган киши тожу тахтни ҳавас қилмайди.

Шоир меҳнат аҳли кечираётган қора кунлардан, илм аҳлининг хор-зорликда яшаётганидан юраги эзилади. Бу ғамлар унинг қалбида шундай бир қора доғга айланадики, шоир уни май билан ҳам муолажа этолмайди. Чунки фалакнинг гардиши унга шу кунларни раво кўрибди, бунинг давоси йўқ:

*Димоғим иллатин, бағримни доғин май
илож этмас,
Кавокиб гардишидиндур бу ғам вазъин
мизож этмас.*

Яна шоир ўз қисматини қайғу билан ифода қилади.

*Дар ин замона ки чун шигуфта таъби
чаҳон,*

Маро зи шишаи чархаст дар соғар.
Таржимаси:

*Ушбу жаҳон табиатида гул очилган
замонада*

*Чарх ўз шишасидан менинг майимга
захар солди.*

Бу, ўша давр илм аҳли ҳаётига берилган қисқача характеристика.

Лекин бундай қайғу-аламлар шоирнинг ҳаётга бўлган муҳаббатини сўндиролмайди. Чунки унинг қалби муҳаббатга тўлиқ. У чин ошиқ-ишқ йўлида чекиладиган азоблар унга фақат лаззат бағишлайди. Фақат аччиқ май хумориси бўлган мастнинг таъби қандни писанд этмаганидек, дунё роҳатлари ҳам ошиққа писандмас:

*Муҳаббат меҳнатин билган киши роҳат
писанд этмас.*

*Аччиқ май истаган махмур таъби майли
қанд этмас.*

Шоир асарларини ўқир экансиз, унинг ниҳоятда чиройли ва мазмундор шеърлари шеърининг чин «ҳозик» и (ҳозик арабчада илми, закий маъносини англатади) эканлигидан далолат беради:

*Табассум гар лабидин кўз тутарсен,
йиғлагил, Ҳозик,*

*Вулут оқузмагунча ёшини гул нўшханд
этмас.*

«Юсуф ва Зулайҳо» достони Ҳозикнинг энг йирик асари. Шоир Хива хони Оллоқулихон (1825—1842) топшириғига биноан Мирхонднинг «Равзатус сафо» асари таржимаси билан шуғулланиб, уни муваффақиятли адо этган.

Шоир ростгўйлиги туфайли элма-эл қочиб юришга мажбур бўлди. У феодал қоқоқликка, мутаассибликка қарши исён кўтарди. 1843 йили Бухоро амира Насруллонинг буйруғи билан Шаҳрисабзда қатл этилди.

Ҳа, Ҳозикни давр тақдирламади, қисмат тақдирлади: шоир жисман йўқ бўлса-да, руҳан, ўз асарлари билан ҳозирги кунда биз билан бирга яшапти.

Марьям ИШМУҲАМЕДОВА,
ТошДУ толиябаси.

СЎЗИМИЗНИНГ АКС-САДОСИ



Ҳисобот

Ҳурматли журналхонлар! Мана бу йил ҳам сиз йил давомида «Қатортолга мактублар» саҳифасида ўнлаб шикоят, таклифлар, дил сўзлари битилган хатларни ўқидингиз. Булар редакция-мизга ҳар куни оқиб келадиган хатларнинг бир шингили холос. Биз ҳажм талаби билан журнал саҳифасига олиб чиқолмаганимиз — кўпгина шикоят хатларингизни текшириш ва чора кўриш учун партия, совет, комсомол, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбордик. Қўйида сиз ана шундай ёзишмаларимизнинг бир қисми билан танишасиз. Буни «Еш куч»нинг ўз муштарийлари олдидаги навбатдаги ҳисоботи, деб қабул қилар-сизлар.

«Еш куч»га мактуб

«Ҳурматли редакция! Мен 6-синфда ўқийман. Кўпгина одамлар қайта қуриш дейди. Қани энди шу қайта қуриш бизнинг мактабимизга келса. Биз 4-синфдан 10-синфгача 5 километрлик йўлни пиёда босиб мактабга қатнаймиз. Бир, бир ярим соат пиёда юриб мактабга бориш бизга оғирлик қилмоқда, чарчаб қоляпмиз. Бу ҳақда раҳбарларимизга кўп шикоят қилдик, аммо натижаси бўлмапти. Дарсага кеч қолсак ўқитувчиларимиз тургазиб қўяди. Биз уларга «ахир йўлимиз узоқ» десак, уларнингдан эртарақ чиқинглар, деб маслаҳат беришади. Айниқса, қор-ёмғир ёққан кунлари жуда қийналамиз. Биз кимга машина деб айттайлик. Узинг ёрдам бер, «Еш куч»! Охириг умидимиз сендан. Бизга йўл кўрсатинглар.»

Саломат РАИМОВА,
Сурхондарё область, Денов район
«Ҳазарбоғ» совхози,
Ломоносов номи 28-ўрта
мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

«Еш куч»га жавоб

Халқ депутатлари Денов район Совети ижроия комитети «Ҳазарбоғ» совхозида яшовчи С. Раимованинг мактаб ўқувчиларини ташиш учун транспорт ажратиш масаласида ёзган хати юзасидан қўйидагиларни хабар қилади:
Совхоз дирекциясининг топириги билан ўқувчиларни ташиш учун транспорт ажратиш бош агроном Зулфиқоровга топирилган. Ҳозирги кунда бензин танқислиги туфайли транспорт қатнамайди. Кейинчалик транспорт юриши таъминланади.

Район ижроия комитети раиси
У. ҚОДИРОВ (имзо)

«Еш куч» журналидан:
Ҳурматли Ижроқўм бува!
Ўқувчиларнинг ҳақли талаблари юзасидан йўллаган жавобингиз бизни қониқтирмайди. Сиз шикоят хатига турғунлик йиллари оҳангида муомала қилибсиз. Бензин танқис, дебсиз. Ҳойна-зой, ижроқўм раисининг машинасига бензин доим нақд бўлса керак. Қолаверса, фарзандларингиз ҳам «Ҳазарбоғ» совхози фуқаролари каби мактабга 5 чақирим пиёда қатнамаса керак. Начора, сиз удалай олмаган бу ишни — М. Ломоносов номи 28-ўрта мактаб ўқувчиларини ташиш учун транспорт ажратишни биз Халқ депутатлари Сурхондарё область ижроия комитетидан сўраб қоламиз. Зора улар келажакимиз бўлган болалар учун кунига бир пақир бензин топишнинг имкони топишса...

«Еш куч» журнаliga!

Мен бу хатни иккилашиб Сизларга ёзаяман. Ешим 26 да. Уч йил аввал уйланганман. Икки яшар қизимиз бор. Қишлоқда яшасак ҳам шаҳарда ишлаганимиз учун ижроқўмга уйга ариза бердим. Бу пайтда тоғамникида квартирада турар эдик. Зўрға хужжатларни тўғрилаганимда раисимиз Латипов «ука, сиз колхозда яшаркансиз, бизга ерни кам беришди, сизга ерни ўзим колхоздан олиб бераман», дедилар. Уйга келсам, ўгли армиядан келган экан, тоғам «уй энди ўзимизга ҳам керак» деди. 1987 йил охирида колхоз умумий йиғилиши бўлди. Йиғилиш «шаҳарда ишлайди», деб аризамни тасдиқламади. Латиповга учрашган эдим, у киши жаҳл билан «ер колхозники, кимга беришни ўзи ҳал қилади», деб жўнаворди. Уйда бўлса яна жанжал, можаро. Охири хотиним кетиб қолди. Лекин кўп ўтмай гап топиб қайтиб келди. «Ана, одамлар оляптику, эру-хотин шаҳарда ишласа ҳам. Ҳатто энди мактабни битирган ўглига ҳам оляпти» деди. Мен хотинимга «сен колхозда ишла, биз ҳам оламиз» дедим. Лекин колхозда камида бир йил ишлаш керак. Бу ёғи фарзанд қутаётган эдик, хотиним ишга киргани билан колхозда бир йил ишолмасди. Жанжал кучаяверди. Мен охири унга қўл кўтаришгача етдим. Ҳозир эсласам қон бўлиб кетаман, дунёга ўт қўйворгим келади. Охири хотиним ота-онаси таъсирда судга ариза берди. Суд бизга ўйлаб кўриш учун 2 ой муҳлат берди. Мен бунга умуман аҳамият бермай юрүвдим, айб менда бўлса ҳам хотиним узр сўраб қайтиб келди. Бирор ҳафта ўтар-ўтмас яна жанжал — можаро. Суд 1988 йил 8 апрелда бизни ажратиб юборди. Мен шундагина ҳаётимда катта нарса йўқотганимни ҳис қилдим. Қизчамни эркалаш, хотинимнинг қадри энди билинмапти. 1989 йилнинг январиди шаҳар ижроқўмига қайта ариза бердим. Тавба, 1986 йилда берган аризам сирли равишда йўқолибди. Уй-жой билан таъминлаш журнаliga эса шароити яхши бўлганлиги сабабли уй берилмади, деб ёзиб қўйилибди. Шунча тушунтиришимга қарамай идоралар, «отанга бор, онанга бор» дейишдан нарига ўтишмаяпти. Хотинимнинг кетганига 7 ой бўлди. Янги йилда қизчамни кўргани борүвдим, қайноғам «уй-жой қилиб хотинингни, қизингни олиб кет» дедилар. Хотиним бечора юм-юм йиғлайди, энди нима қиламиз, деб. Қизчам эса фақат юзини юзимга қўйиб кўзимга термулади. Илтимос, ҳурматли редакция. Бир оиланинг тақдири сизларнинг қўлингизда. Норасида гўдак ҳаққи, менга ёрдам беринглар. Салом билан

Ислом МОМОРАҲИМОВ,
Самарқанд вилояти, Нарпай ноҳияси.
Октябрь колхозчи.

«Еш куч»га жавоб

Нарпай район комсомол қўмитаси ВЛКСМ аъзоси Момораҳимов Ислом томонидан Сизларга ёзилган шикоят хати билан агрофлича танишиб чиқди. Момораҳимов Ислом ва Оқтош шаҳар ижроия комитети масъул ходимлари билан учрашиб мактубда битилган арзнома ижобий ҳал этилди. Шаҳримизнинг янги турар-жой участкасидан унга уй-жой ажратиб берилди.
Момораҳимов Ислом арзини ҳал қилишда берган ёрдамларингиз учун Сизларга миннатдорчилик билдираимиз. Комсомоллик саломи билан Нарпай район комсомол қўмитасининг саркотибиди

С. ЖАББОРОВ.

Салом ҳурматли «Еш куч»! Мен сизларнинг ёрдамингиз билан уй-жой олдим. Оилам тикланди. Сизларга ўзим ва оила аъзоларим номидан

миннатдорчилик билдираман. Саркотибимиз С. Жабборовга ҳам раҳмат. Ешлар бахтига доим соғ бўлинглар.

Момораҳимов Ислом.

«Еш куч» журнаliga
Ўзбекистон Компартияси Пахтачи район комитети Нажимова Муҳаббатнинг Сизларга ёзилган шикоят хати билан танишиб чиқди.

Нажимова Муҳаббат 1988 йил 25 июль кунини Охунбобоев номи колхоз «Баҳор» болалар боғчасига вақтинчалик тарбиячи қилиб ишга олинган. 1988 йил 1 ноябрда декрет отпусчасида бўлган тарбиячи ўз ўрнига қайтгач, Нажимова Муҳаббат ишдан бўшагилган.

Шикоят хатида «Баҳор» болалар боғчасида раҳбарлик қилишда камчиликлар борлиги кўрсатилган экан, бу камчиликлар қисман тасдиқланди.

Колхоз правлениеси 1989 йил 21 февраль қарори билан «Баҳор» болалар боғчаси мудираси Саъдинова Фотима вазифасидан бўшатилган. Нажимова Муҳаббат иш билан таъминланди.

Район партия комитетининг секретари
И. УМИРОВ.

«Еш куч» журнаliga!

Қашқадарё область Ғузор район халқ таълими бўлими Гоголь номи 26-мактабнинг 8 «А»-синф ўқувчилари томонидан редакцияга ёзилган «Айбимиз нима?» сарлавҳали шикоят хати юзасидан текшириш ўтказди. Шикоят хатида келтирилган фактлар тасдиқланди.

Ўқитувчи Қиринов А. га район халқ таълими бўлимининг буйруғи билан қаттиқ ҳайфсан жазоси берилди. Мактабда спорт базасини яхшилаш, спорт майдончасини талаблар даражасида жиҳозлаш, спорт инвентарлари билан тўлиқ таъминлаш мактаб дирекциясига топирилди. Ҳатта тўғри кўрсатилгандек мактаб биноси эски услубда қурилган, ҳақиқатан ҳам спорт зали мавжуд эмас. Район халқ таълими бўлими янги мактаб биноси қурилишини жадаллаштириш чораларини кўрмоқда.

Ғузор район халқ таълими бўлимининг
мудирини (имзо) Х. НУРИДДИНОВ.

Редакциямизга оқиб келадиган шикоятларнинг катта қисмини биз мавзусига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборамиз. Бир кунда редакция жиноий иш билан даҳлдор ўнлаб шикоятлар олади. Афсуски бу жиноий ишларнинг барчасини журналхонларимиз талаб қилганларидек — редакция ходимлари шахсан бориб ўрганишларига имкон йўқ. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари эса баъзида редакциядан юборилган шикоят хатларга юзаки муносабатда бўладилар.

Самарқанд вилоятида яшовчи М. Ҳ. исмли ёш аёл Каттақўрғон шаҳар касалхонасида даволанаётганида 1988 йил 3 сентябрь кунини кечки пайт икки номаълум шахс куч ишлатиб уни хилват жойга судраб, зўрлаб номусига тегишганини маълум қилиб, ҳуқуқ органларидан ёрдам ололмаганини ёзган эди. Бадном бўлган аёл шу кўргулик туфайли оиласи ҳам бузилгач, ўз жонига қасд қилибди. Ўзини сувга ташлаган экан, одамлар қутқариб қолишибди.

Мазкур шикоятни Самарқанд область Каттақўрғон шаҳар прокуратурасига юбориб, улардан қўйидагича жавоб олдик:

«М. Ҳ. исмли аёлнинг уни 03.09.88 да номусига теккан шахсларга нисбатан чора кўрилмаётганлиги ҳақидаги аризаси Каттақўрғон шаҳар прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

07.09.88. да М. Х исмли аёлнинг ОЗ.09.88. да соат 22 ларда икки номатълум одам куч ишлагиб уни Каттақўрғон шаҳар касалхонасида номусига текканлиги ҳақидаги аризага биноан Каттақўрғон шаҳар прокурори томонидан УзССР ЖКнинг 94-модда 1-қисм бўйича жиноий иш қўзғатилди ва уни олиб бориш прокуратуранинг катта терговчиси Сулаймонов Ш. И. га топширилди.

Тергов натижаларига кўра мазкур жиноий иш ёпилди ва бу ҳақда аризага маълум қилинди.

Каттақўрғон шаҳар прокурори,
2 класс юристи У. М. МУРОДОВ.

РЕДАКЦИЯДАН:

Рус тилида юборилган мазкур жавоб (биз уни ўзбекчалаштирдик) меҳнаткашларнинг шикоятига бюрократларча лоқайд жавоб беришининг ўзгинаси. Унда жиноий иш қандай асосларга кўра ёпилганлиги ҳам, жиноятни очиш учун қандай ишлар олиб борилганлиги ҳам маълум қилинмаган.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг очилмай қолган жиноятлар учун маънавий жавобгарлигини кучайтириш керак. Бунинг учун прокуратура ходимлари матбуот билан алоқани кучайтиришлари лозим. Юқоридаги очилмай қолган жиноят ҳусусида Каттақўрғон шаҳар прокурори, 2 класс юрист ўртоқ У. Муродов шаҳар ёки область газетасида кичик бир хабар берса бўларди-ку! Шундай қилинганда жиноятчи топилмаган тақдирда ҳам аёлнинг эл ўртасида юзи ёруғ, номи оқланиб қоларди.

Яхшиям ўзини ўлимга маҳкум қилган аёлни кимдир қутқарибди. Акс ҳолда яна бир жиноят содир бўлар, прокуратура эса бунинг ҳам туб сабабларини очолмай, ишни ёпиб юбориши аниқ эди. Аҳоли ўртасида жиноятчилик тобора кўпайиб бораётганлиги хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз ишларини замон талабида қайта қура олмаётганлигига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ўйлаймизки, ўтказилажак суд ислоҳоти хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг меҳнаткашлар шикоятига муносабатига ҳам акс этади. Эҳтимолки шунда одамлар хуқуқини тиклаш учун доим редакциядан эмас, прокуратурадан паноҳ қидирса ажаб эмас.

«Ёш куч» журнаliga

Билдириш хати

Сиз муҳаррирлик қилаётган «Ёш куч» журналининг 1989 йил 8-сониди, райондаги «Коммунизм» 12-ўрта мактаб ўқувчиси Озода Шодиеванинг «Ҳақиқат борми?» мақоласи берилган. Ушбу танқидий мақола бўйича ўз мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

1987—88 ўқув йилида Ибн Сино номли тўлиқсиз ўрта мактабни 26 нафар ўқувчи битирди. Шулардан Озода Шодиева, Замира Рўзиева, Диловар Саидовалар VIII синфни аъло баҳоларга ўқиган. Мактабнинг илмий бўлим мудири Мавлон Саидов район халқ таълими бўлимида 24 та умумий нусхадаги ва 2 та махсус нусхадаги саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳномани олган.

Мактаб раҳбарларининг эътиборсизлиги оқибатида Озода Шодиева номидаги имтиёзли гувоҳнома Рўзиева Замирага ёзилган. Озода Шодиевага эса умумий нусхадаги гувоҳнома ёзилган. (Бундай имтиёзли гувоҳномани Замира ҳам олишга ҳақли бўлган.) Мактаб маъмурияти имтиёзли гувоҳномадан 3 та олиши лозим эди. Мактаб маъмуриятининг бу жиддий хатоси бўйича 1988 йил октябрь ойида Озода Шодиева район халқ таълимига ёзма мурожаат қилди. Бу ариза шикоятда юқорида қайд қилинган ноҳақликдан ташқари мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси Эгамова Шажсиянинг Озодани камситишлари ҳақида ҳам батафсил ёзилган эди. Бу ариза — шикоят хати район халқ таълими бўлими томонидан жуда чуқур текширилди ва кўйидагилар аниқланди.

1. Озода Шодиева номидаги имтиёзли гувоҳнома Рўзиева Замира номига мактаб директорининг эътиборсизлиги оқибатида ёзилганлиги, Озода Шодиевага эса умумий нусхадаги гувоҳнома ёзилганлиги аниқланди.

Ариза — шикоятда кўрсатилган бошқа фактлар тасдиқланмади. Бу ҳақда мактаб педколлективи ва синф ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш хатлари олинди.

Озода Шодиева менинг ариза-шикоятим район миқёсида эътиборсиз қолдирилди, деб ёзгани инсофдан эмас. Чунки РайОНО мудири ва унинг аппарат ходимлари ҳафталаб ушбу шикоят хатини текширдилар.

Район партия комитети, шахсан идеология секретарининг ўзи ўртоқ Раҳимова Раъно Сафарова вақт ажратиб, ушбу масалага дахлдор бўл-

ган кишилар билан О. Шодиева ва унинг ота-онаси билан ҳам юзма-юз суҳбат ўтказди.

Худди шундай район прокуратураси ҳам дахлдор шахслар билан савол-жавоб ўтказиб масала ҳар томонлама чуқур муҳокама қилинди.

Текшириш натижаси бўйича мактаб педагогик коллективининг йиғилиши бўлиб, синф раҳбари Эгамова Ш. га ҳайфсан эълон қилинди. Бу масала район халқ таълими бўлимининг 24 ноябрь 1988 йил куни бўлиб ўтган кенгайтирилган Советида муҳокама қилиниб, И. Сино номли тўлиқсиз ўрта мактаб директори Ёров Раҳмон район халқ таълими бўлимининг № 11/1 қарори билан эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди.

Озода Шодиевага имтиёзли гувоҳнома ёзиб берилди. Озода Шодиева Ибн Сино номли тўлиқсиз ўрта мактаб она тили ўқитувчиси Ш. Эгамованинг камситишлари тўғрисида жуда кўп ёзган, бу фактлар олинган тушунтириш хатлари ва суҳбатлар давомида тасдиқланмади. Чунки она тили ўқитувчиси Ш. Эгамова ўқиб давомида О. Шодиева билимига фақат аъло баҳо қўйиб келган ва мактаб, район, область олимпиадаларига системали қатнашган.

О. Шодиеванинг менга имтиёзли гувоҳномани «Саққаи сар» деб ёзиб бердилар деган иборасини биз давлат ҳужжатига нисбатан ҳурматсизлик деб биламиз. «Ёш куч» журнаliga О. Шодиеванинг ариза шикоятлари эътиборсиз қолдирилган деб, текширилмай ёзилган мақоладан Биз норозимиз.

Свердлов район халқ таълими бўлимининг мудири —

Ш. РУСТАМОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Хурматли ўртоқ Рустамов! Озода Шодиеванинг хати юзасидан йўллаган тушунтириш хатингиздан биз ҳам норозимиз. Сабаб:

1. Хат жуда саводхонлик билан ёзилган, деб бўлмади. Шикоят хати район партия комитетининг эътиборига қачон тушди — журналда эълон қилингандан кейинми ёки олдинми? Бунинг фарқи жуда катта. Сиз атай аниқ ёзмагансиз.

2. Нега «райОНО мудири (яъни Сиз!) ва унинг аппарат ходимлари ҳафталаб ушбу шикоят хатини текширсалар ҳам «мактаб директорининг эътиборсизлиги»дан бошқа айб тополмадилар. Бир инсон фаранди 8 (саккиз) йил не-не машаққатлар билан имтиёзли гувоҳномага тиришиб етишса-ю, уни ололмаса, райОНО мудири эса бу фактни оддий бир эътиборсизликка йўйса?.. Бу эътиборсизликми ёки ахлоқий, юридик жиноятми?

Ўз ССР Жиноят Кодексининг 151-моддаси «Хизматга совуққонлик билан қараш» деб аталади. Унга кўра «совет жиноят қонуни мансабдор шахсининг қасдан қилган жиноий характери билан, балки жиноий жавобгарлик белгилаб қолмай, балки хизмат вазифасини бажаришга бепарволик, виждонсизлик ёки бюрократлик билан қарашни учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилайди. Давлат ва жамоат ташкилотларида хизмат қилувчи ҳар бир мансабдор шахс ўзинга топширилган вазифаларини виждонан бажаришга мажбур.

Совуққонлик, яъни мансабдор шахсининг хизмат вазифаларини бажармаслиги ёки ўз вазифасига виждонсизлик, бепарволик ёки бюрократлик билан қараш орқасида тегишлича бажармаслиги давлат ва жамоат манфаатларига ёки граждандарнинг қонуни билан қўриқланадиган хуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказса, — икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши ёки мансабидан бўшатилш ёхуд жамоат иззаси бериш билан жазоланади.»

Сиз ўз билдириш хатингизда «О. Шодиеванинг менга имтиёзли гувоҳномани «саққаи сар» деб ёзиб бердилар деган иборасини биз давлат ҳужжатига нисбатан ҳурматсизлик деб биламиз» деб ёзибиз.

Ш. Эгамова Озода Шодиева 8 йилда сазовор бўлган имтиёзли гувоҳномани Сиз айтмоқчи «эътиборсизлик қилиб» бермагани-чи? Бу инсонга нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Сиз яна Ш. Эгамовани оқламоқчисиз, журналхонларини чалғитмоқчи бўласиз. Жиноятга йўл қўйганларни эса шунчаки бир ҳайфсан ёки ишдан бўшатилш билангина чеклангансиз. Озода каби ўз шахсиятини хурмат қиладиган, ўз қадри учун охиригача кураша оладиган ёшларимиз қанча кўпайса шунча яхши. Аслида тарбиянинг мақсади ҳам шу. Ҳар бир шахс, ҳеч қачон ўз шахсини, қадр-қимматини, иззат-нафсини пастга уришларига йўл қўймаслиги керак.

Бахтиёр КАРИМОВ тайёрлади.



Адолат топалмасин!

Хурматли «Ёш куч» журнаliga! Мен бу хатни ёзишдан олдин жуда кўп иккиландим. Ёзганим билан фойда чиқармадим деб, чунки химия ўқувчимиз билан маслаҳатлашганимда мактабимиз ўқитувчилари бекорга ўзининг ва областимиз раҳбарларини овоза қилиб мактабимиз обрўини тўқасан дейишди. Мен руҳий қийналганимдан, инсоний хуқуқим топалганидан кейин мазкур мактабни йўллашга мажбур бўлдим. 1989 йил 6 февралда Сурхондарё область, Ангор районида бўлиб ўтган II-тур олимпиадада химия фани бўйича қатнашиб Термиз шаҳрида бўладиган III тур область химиклар олимпиадасида қатнашиб хуқуқини қўлга киритдим. Ниҳоят мен орзиқиб кутган 26 март ҳам келди. III тур олимпиада бошланди. Мусобақадан ғоятда хурсанд бўлиб чиқдим. Чунки масала ва реакцияларнинг ҳаммасини тўғри ечганимга ишончим комил эди. Китобда ечилган масалаларнинг ишланиш йўллари худди ўзим бажаргандек эканлигини кўриб, яна бир бор хурсанд бўлдим. Ҳамма залга йиғилди. Баллар ўқиб эшиттирилди. Бироқ менга ўрин йўқлигини эшитиб аламимдан йиғлаб юбордим. Мактабимиз химия ўқитувчиси билан олимпиадада ёзган варағимни текширтиришларини сўраганимизда комиссия аъзоларидан Бобоев «варағини текшириш ман этилади», деб бизни жеркиб берди. Қайта-қайта сўрайверганимиздан кейин варағимни узоқдан кўрсатди.

Не кўз билан кўрайки мен ёзган ёзувлар қизил қалам ичида қолиб кетган, ўрнида эса турли хил кўрсатмалар тўлдирилган эди. Биринчи ўринни ўтган йили шу ўрин соҳибни бўлган Термиз шаҳридаги ўрта мактаб ўқувчиси А. Сергеевга беришди. Утган йили ҳам областимиз комиссия аъзолари олимпиадани шу тахлит ўтказишган эдилар. Уша пайтда мен «бу йил бўлмаса янаги йил Фахрий ўринга сазовор бўларман», деб ўзимга тасалли бергандим. Афсус...

Тўғри, мақсадим ўрин олиш эмас, мен ўрин тортишаётганим йўқ, аммо мактаб ва институтларнинг ишончли ўқитувчиларидан тузилган комиссия аъзолари бу ишлари билан биз ўқувчиларнинг шу фанга бўлган муҳаббатимизни сўндирмайдими, ўқувчиларни ҳам турли хил эгри йўللарга ундамайдими? Областимизда олимпиада бўлмасдан туриб ҳам ғолиблар аниқланаверар экан, бу олимпиада йилини ўтказишдан нима наф? Агар мени биринчи ўрин соҳибни А. Сергеев билан яна бир бор куч синаштирадилар, жон деб рози бўлардим. Чунки янаги йил ҳам шу фан бўйича олимпиадага боришни истайман.

Эҳтиром ила

Зарифа РАҲМАТОВА,
Сурхондарё область, Ангор районидаги
Ушинский номли мактаб ўқувчиси.

ТОМОША ШАВҚИ

Сўз — ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ IX анжумани иштирокчиларига

Москва ҳам ўзимизнинг Тошкентга ўхшаган шаҳар экан. Ўхшашлик асосан шаҳар транспортларининг безатилиши ва ҳаракат тартибиди: кўчалар, бекатлар, майдонлар, хиёбонлар, болалар боғчалари, ресторанлар, дўконлар ва бошқа жамоат жойларининг номланишида, қатор расмий биоларнинг қурилиши, манзарали дарахтларнинг хиллари ва ҳоказоларда намоён бўлади. Айтайлик, Тошкентда Пушкин номли майдон бор, Москвада ҳам бор; Москвада Пушкин номли метро станцияси бор, Тошкентда ҳам; ёки Тошкентда «Звёздочка» болалар боғчаси бор, Москвада ҳам худди шу атамадаги боғчани кўрдим. Рўйхатни давом эттираверсамкин?.. Ҳа, дарвоқе, шаҳар транспортдаги йўловчилар... Бу хусусда ҳам манзара жуда яқин бўлмасда, ҳарқалай яқин. Хуллас шу ва шунга ўхшаш қатор ҳолатларда бу шаҳарларнинг бирини олиб бирига урадиган.

Бу гаплардан Тошкентни кўрсак, Москвага бормай кўяверсак ҳам бўлар экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Вориш керак. Кўриш керак. Москванинг Тошкентга ўхшамаган жиҳатлари ҳам талайгина. Масалан, Москвада мен бирорта «изм»ни ёхуд мавжуд тузумни мадҳ этадиган шиор кўрмадим (Тошкентда хоҳлаганингизча топилади). Шу маънода Москва биз ҳануз байроқ қилиб юрган барча шиорлардан воз кечиб бўлганга ўхшайди. Демак, Москва — шиорсиз шаҳар демакка журъат этишим мумкин. Мен бу ўринда барча юзаки, асоси суёт шиорларни назарда тутатибман. Агар мен шаҳардан чиқиб кетаётганимизда (Москва — Химки йўналиши) йўл бўйидаги каттакон шиорга кўзим тушиб қолганида, балки, ичкаридаги шиорсизлик ҳолати диққатимни жалб этмаган бўларди. Қайта куриш сиёсатига доир бу шиорни кўрганимдан кейингина, шаҳарнинг ўзида ҳеч қандай шиор учратмаганим эсимга тушди. Бўлмаса...

Тўғри, Москва турли эълонлару кўргазмалар, даъватлару чақириқларга тўлиб ётибди. Бизда барча турдаги норасмий йиғинларга қарши гоҳ ошкор, гоҳ хуфия кураш кетаётган бир пайтда, Москвада кунда бўлмаса, кунора намойишлар, митинглар ўтказилмоқда. Ешлар маънавий-ахлоқий инқилоб (балки, жар демок керакдир) ёқасида турибдилар. Кимларнинг томонидан бўрилганлиги номаълум эрklarини талаб қилиб чиқмоқдалар.

Иттифоқо, Пушкин номли майдонда (Москва) ўтказилаётган митингга қатнашимизга тўғри келиб қолди. Шу ерда бўлаётган гап-сўзлардан англаганим шу бўлди-ки, митинг иштирокчилари Россияга озодлик ва мустақиллик сўрамоқдалар. Турли тазйику тажовузлар ва бошқа сабаблар туфайли Ватанин тарк этиб кетган ҳамюртларининг Россияга қайтарилишини, муҳожириликда умр кечираётган, оламдан ўтган дунёга машхур шиор ва ёзувчилар, олимларнинг асарлари чоп

этилишини, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилишига чек қўйилишини ва ҳ. к.ни талаб қилмоқдалар. Айтишларича, айна пайтда Россиянинг 20 миллиондан зиёд зиёлиси Ватан чегараларининг ортида экан. Одам кўп, лекин мен бирорта экстремистик унсур сезмадим. Одам кўп. Шунга яраша шовқин. Ҳа, бир сафар сукут сақланди. Бир дақиқа. Кейин билишимча сукут қатагон йилларининг (1937 й. — Я. Т.) қурбонлари хотираси учун сақланган экан. Шовқинда кўп гапларни англаб олишим қийин бўлди. Узр.

Москвадан Тошкентдан фақланадиган яна бир томони шу эканки, пойтахтнинг озик-овқат дўконлари биздагидан анча бой, яъни гўшт, қўлбости (колбаса), пишлоқ дейсизми, картошка ёки бошқа сабзавотларни айтасизми, ёки бошқа турдаги мевачеваларми, биздагининг акси ўлароқ, ўша — биз билган давлат нархида бемалол тахланиб турибди. Бироқ бизда бозор (гарчи нарх-наво ҳеч бир қилипга тўғри келмаса-да) Москвадагига нисбатан анча тўкин. Умуман озик-овқат маҳсулотларига Москвада навбат йўқ ҳисоби. Лекин навбат бор. Навбат асосан хотин-қизлар ва болалар кийим-кечаги, турли тақинчоқлар ва махсус ичимликлар дўконларида кўзга ташланади. Чет эл моллари ҳам талаш. «Союзпечать» кўшк (киоск)лари атрофидаги манзара бу иккала шаҳарда қарийб бир хил.

Пойтахтнинг тамаки дўконлари қадимги қандолат дўконларимизни ёдимга солди. Тошкентга қайтганимиздан кейин, фаҳмласам, улар бизда ҳар қадамда учрайдиган шаҳар транспорти чипта дўкончаларига ўхшар экан. Биздаги худди шунақа дўкончалар Москвада йўқми, дейман. Ҳозир аниқ эсимда эмас.

Пойтахтдаги турар-жой биолари, Тошкентдагидан фарқли ўлароқ, кўпчилиги гиштин, бири бирини такрорламайди. Ҳарқалай, томоша шавқида баъзи бир такрорларни илғамай қолган бўлишим мумкин. Ҳар ҳолда мен Москвада ҳам, Тошкентда ҳам ҳар бири ўзига хос, бири бирига ўхшамаган, бири бирини такрорламайдиган биолар ва иморатларнинг кўпайишини хоҳлар эдим. Айна пайтда эса эгизак уйларни (айниқса Тошкентда) кўравериш кўнглинг ўқсийди, томогинга тош тикилади. Нега энди Иван билан Абрамининг, Рамез билан Акрамининг уйи бир хил бўлиши керак? Наҳотки, меъморчилигимиз бўҳронга юз тутган бўлса?! Ахир, бу айна ижодий ёндашув талаб қиладиган улкан муаммоларимиздан бири эмасми? Халқни уй-жой билан таъминлаш дегани, ҳаммани (диди, савиясидан қатъий назар) бир хил катакларга тиқиб дегани эмасдир-ку, ахир!.. Қизиги шундаки, ҳукумат томонидан қурилган уйлар, идоралар, расмий биоларнинг қолипи деярли бир хил. Халқ ўзи қурган уйларда ўзига хослик маълум маънода бор. Бу ҳол кўпроқ қишлоқларда назарга ташланади. Худого шукурки,

қишлоқларимиз ҳозирча ҳеч курса шу маънода ўз қиёфаларини сақлаб қолмоқдалар.

Хуллас, киёс излайдиган бўлсак, гап кўп. Россиянинг беқиёс бир жиҳати унинг табиатида экан. Ўрмонлар, мовий кенгликлар, булганиб улгурмаган кўлу ариқлар, буғланиб ётган сарҳадсиз ям-яшил далалар, ботқоқликлар, номлари бизга маълум ва номаълум дарахтларнинг кўз илғамас қаторлари, шу ўлкагагина хос ажойиб чечаклар ва ҳоказо, ва ҳоказо. Буларнинг барчасини кўриб кўзинг қувнайди, тикилиб тўймайсан, юрагинг қаприқиб, қанот бойлаб учгинг келади. Шул завқ баробаринда дилингни бир гумон (балки, армондир) ўртайди. Шундай гўзал юртни, таърифига тил ожиз бу манзараларни қандай ташлаб кетиш мумкинлиги шуурингга сиғмай, ғалати ҳолга тушасан.

Булар бари сафар чоғидаги юзаки таассуротлар, холос. Айна томоша қилиниши лозим бўлган жойларни бориб кўра олмадик. Тўғриси, бунга вақт ҳам бўлгани йўқ.

Аслида биз Бутуниттифоқ ёш ижодкорларининг семинар-кенгашига чақирилган эдик. Мазкур анжуман ҳақида дўстимиз, ажойиб шоир Эшқобил Шукур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 9 июнь, 1989)да ҳикоя қилиб берди. Шунинг учун мен бу хусусда тўхталиб ўтирмадим. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу кенгаш республика миқёсидаги семинарлар каби, турли ваъдалар берди. Китобларимизни рус тилига таржима қилишадиган, Москвада чоп этишадиган бўлишди. Булар бари ҳозирча ваъда! Семинар даражасини менимча, кўрқмай республикамиздаги шу каби йиғинлар даражаси билан тенглаштираверилса бўлади. Ваъдалар маъносиди ҳам ҳозирча гап шу. Муҳими, биз бу тадбир давомида турли миллатга мансуб қатор ёш ижодкорлар билан танишдик, ўзимизнинг туркий биродарларимиз билан дийдорлашиш баҳтига муяссар бўлдик. Учрашув пайтида бундай йиғинларни Урта Осиё ва Козоғистон миқёсида ўтказиш ҳақида таклифлар айтилди. Биз мазкур таклифни қўллаб-қувватлаганимиз ҳолда, бу ҳақда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ахборот бердик. Энди гап бу тадбирнинг амалга оширилишида. Бу анжуманнинг уюштирилиши ва ўтказилишида ҳамда келгусида анъанавий тус олиб кетишида барча ижодий ташкилотлар, тегишли, қолаверса ҳукумат органлари бир ёқадан бош чиқарадилар, деган митти бир умидимиз ҳам йўқ эмас. Бу қутлуг маъракалар барчамизга маълум кутку туфайли бўлиниб, ораларига чегара тушган — тили, дини, маданияти ва ҳатто миллати бир бўлган халқларнинг бир майдонда, бир байрок остида бирлашувидан, яна яқдил, ҳамдаму ҳамкадам бўлмоғи мумкин музаффар ва мунаввар кунлардан бир нишона, муборак бир мужда бўлиб олса ажаб эрмас. Шу тарихи орадаги сарҳадлар ўз маъно ва моҳиятини йўқотса, не тонг!

Яхё ТОҒА

«Хамса»нинг чоп этилиши муносабати билан

Чора бор экан-да ҳар манфаатда,
«Хамса» яна бошдан китобат бўлди.
Дунёда энг одил бу мамлакатда.
Ҳатто Навоийга хиёнат бўлди.

Қишлоқ туни

Ерилган товонда ухлайди азоб,
ёстиқни қучмишдир паришон сочлар.
Ухлайди деворга суяниб хитоб —
Бўлажак устун-у, тўсин-ёғочлар.

Пичан гарамига санчилган кўйи
Паншаха ухлайди, ўроқ ухлайди.
Тахмоннинг ёнида оналар ўйи —
Қатимга келмаган қуроқ ухлайди.

Хуллас, анов пашшахона ичра жим,
Уйқумни қочириб сулув ва ҳорғин
Пахтакор деҳқоннинг қизи ухлайди,
Кафтида кетмоннинг изи ухлайди.

Яхё ТОҒА



Шоирга

Бас, етар!
чекилгил, нозик истеъдод!
Эй, майда истаклар, кетинг нарига.
Саккизинчи осмон бўлиб кўринманг.
Йигирманчи аср шоирларига!

Шоир, гарчанд оғир тунларни йиртиб
Сўз сизган юракни сириб боғламоқ,
Ҳақиқат ҳақида маънос шеър битиб
Ҳислар чангалида беун йиғламоқ.


Синдир қаламингни дадил, мардона,
Бир тирик шеър каби отлан юришга.
Еш билан қотгандир замин тупроғи —
Биздан аввалгилар йиғлаб бўлишган.

Аммо, ҳануз ҳақнинг чопони жанда,
Ҳануз ҳақ деганнинг ичгани ёвғон.
Емонлар бор экан токи заминда
Дунёда санъатнинг борлиги ёлғон.

Ҳайқир, ҳайқир шоир, тўпла туманни.
Дунёнинг бошини сен ўзинг кўтар.
Бир гўзал, бир ажиб ёруғ кунларни
Туйғулар пинжида кутганинг етар.

Етар, бас!
Чекилгил, нозик истеъдод!
Эй, майда истаклар, кетинг нарига.
Саккизинчи осмон бўлиб кўринманг
Йигирманчи аср шоирларига.

Чори АВАЗ



Омон МУХТОРОВ

Ҳамма нарса муҳим мен учун...

Илтижо

Билсангиз,
Мен сиздан олисда
Аллақандай эс-ҳушим оғиб —
Шу кунлар
шитирлаб оҳиста,
Емгир каби
турибман ёғиб...

* * *

Сиз йўқ,
Бир кун.
Икки кун.
Уч кун.
Шундан кейин, бутун бир ҳафта...
Сизни мандан, йўл тортиб узун —
Уғирловчи кўпми атрофда?

Кўпми, дўстим, шунчалик юмуш,
Мен бўлмаган, сиз бўлган жойда?
Айтинг, тўкиб қаноти кумуш
Кулгиларни, юрисиз қайда?

Танишми, йўқ — сизга ҳам,
айтинг,
Мендагидек муҳаббат дарди?
Йўқоларми, айрилиқ пайти,
Умрингизда ҳаловат, тартиб?

Ҳамма нарса муҳим мен учун,
Ахир, яшар қалб сиз тарафда...
Сиз йўқ.
Бир кун.
Икки кун.
Уч кун.
Шундан кейин, тугал бир ҳафта...

* * *

Бутун атроф зулмат-зимистон,
Олисда ҳам ёнмайди чироқ —
Бу хонада гўёки исён,
Жирингламас экан кўнғироқ.

Бу хонага сукунат чўкиб,
Зил деворлар сурунишар танг —
Бамисоли бағрини тўкиб,
Янграмаса қадрдон жаранг.

Бормисиз, деб, дунёда, бир қур
Келмагунча у дилкаш бир сас —
Бу хонани ёритмайди нур,
Бу хонадан сукунат кетмас...

* * *

Сиз балки узоқдан кўринарсиз,
деб

Баланд бир бинога
чиқиб қарадим...
Қорангизни дариг тутманг
мендан!

Қийналиб кетасиз, албатта —
Мени

ҳадеб эслайверсангиз.
Қийналишингизни
истамайман, дўстим...
Мени сиз эсламай қўйсангиз,
сизга
Албатта, осонроқ бўларди...
Лекин —
Мен бунга ҳам истамайман,
дўстим!

* * *

Сиз
хонага кирдингиз.
Хона эди

Тилга кўчди

Оддий бир сўз:

Кўксингизга
Хаяжон
Бирдан урди

Ишқ майини ногаҳон
Қилмоқ истаб

Елвордингиз:
Кел, тақдир,
Қайтиб

қўш. Қўш.

Аммо

Оғир!
Хона эди

* * *

Сиздан айри кунлар,
Ер-осмон тўлиб —
Мен каби,

битгандай тоқати:

Албатта,
бир карра чанг-тўзон бўлиб
Албатта, бир
ёмгир ёғди
Бу нима?
Табиат билан бирликми!
Ахир айни ёзда ҳам шундай.
Бу — сизнинг касбингиз,
бу — соҳирликми!
Турсангиз-чи, чарақлаб Кундай

* * *

Емгир кутилмоқда.
Узингиз
Айтгандек,

ширин бир ҳолатда —
Келинг, кўзларимда кўзингиз.
Ўтирайлик

бирон хилватда.

Келинг,

ўтирайлик — севиниб.

Тинглаб ёмгир шивир-шивирин.

Она-табиатга сизиниб,

Вилмоқчидек унинг бор сирин.

* * *

Бағрим... Бағрим!
Сизни соғиндим.

Кечалари —

борлиқ жим пайти.

Хаёлимда

ўша бор

Энди

Шовуллайди.

Мени имлайди.

у борда

Кўраман

сизни

Бир лаҳзага

кўнглим

ёзаман.



Ҳалим КАРИМОВ

Йўқ-йўқ, эшитмадинг хаёлга ботиб,
Менинг ҳам бу сўзни айтганим ёлғон.
Кўзларинг сеҳридан жонсиздай қотиб,
Валдираб қўйибди тилим ногаҳон.

Мен ҳали ўзга сўз этадирман кашф,
Эшитганда уни беҳис қотмайсан.
Маънисин ангеломас ҳаяжонсиз қалб,
Минг хил луғатлардан излаб топмайсан.

Мен ҳали ўзга сўз этадирман кашф,
Бағримда сен учун сақлайман кўздан.
Фақат у осмонча юксак бўлади,
«Севаман» деган ожиз бу сўздан.

Сафардан қайтганда

Салом, дейман тушиб поезддан,
Кўкрак тўлиб оламан нафас.
Атроф қараб сезаман бирдан,
Ҳеч бир одам менга ёт эмас.

Юртим бағри мен билан тўлар,
Онам ҳиди келар ўлкамдан.
Уғлим дея кутгандай бўлар,
Ўзбекистон қучиб елкамдан.

Қора хат

Эшагин етаклаб тош йўлдан,
Оғир-оғир келар почтачи,
Ортига тортади қўлидан
Хат тўла қаппайган халтаси.

Оёғи юрмоққа эринар,
Эзди кўп егимнинг ноласи.
Хайрият кўчада кўринар,
Бир шўрлик шаҳиднинг боласи.

«Дадангдан хат», тутказар,
Чақнаган кўзларга боқолмай.
Болакай энтикиб югурар,
Суюнчининг шартини тополмай.

Бор бўлсанг эй тангрим, шу заҳот
Тасбеҳни от, синдиргин бутни!
Ахир у чопмоқда кўтариб
Қоғоздан ясалган тобутни.

Билмасдан қай йўлга юрарин,
Оғир-оғир кетар почтачи.
Ташлашга аҳд қилар ҳунарин,
Елкада лоппиллар халтаси.

Унутилган қўшиғим

(Жума қарсақчига)

Ҳар гал болаликка қайтганим маҳал,
Хотирлар негадир санчаверар тиг.
Сувоқ том. Тўйхона. Ва тонгга қадар,
Бешқарсақ остида жаранглар қўшиқ:
«Ҳой қирғизо-д, жон қирғиз-ишиз.
Меҳмон болангни турғиз».

Хаёлда чарсиллаб кунда ловиллар,
Уйин мақомидан уйғонар боғлар.
Шўрҳасан тонглари бошимни силар
Базмининг сеҳрига тиз чўқар тоғлар:
«Ака, тўйнинг беқасам,
Яқосига қўл солсам»...

Наҳот, дейман, энди барчаси унут,
Бўғзимга тиқилар аламли нидо.
Тоғлар ҳам бугун сақлаган сукут,
Ўтмишдан келади фақат бир садо:
«Ҳарчанд де-ей, ҳарчанд де-ей,
Қарсақчилар чарчади»...

Абдунаби БОБОЕРОВ.
Қашқадарё.

Шайрият

«СЎЗ КОМЧИ, ФИКР УНИКСИЧУДА КУЧИЛТАСАН ФИШТ»

Адабиётимиз ва маданиятимизнинг фахри, буюк адиб Абдулла Қодирийдан қолган меросни такрор-такрор ўқисак унда биз худди бугунги кун руҳида, талабида рақам этилгандек туюладиган фикр инжуларини топамиз. Ун йиллар мобайнида куч-қувватини, оҳорини йўқотмаган Сўз эса бугунги ёш ёзувчиларга, журналистларга — умуман қалам аҳлига ардоқли бўлиб қолаверади.

* * *

Албатта муштумнинг танқиди ўринсиздир. Кимларга ўринсиз бу очиқ майдонда. Муштум ҳар бир қинғир-қийшиқни ёзиб, эл кўзига ташлайдир. Шу қинғир-қийшиқни ташлашдан илгари жуда ўйлайдир, андиша қиладир. Хабарларнинг кучлик-кучсизлигини виждон торозуси билан тортиб кўргандан кейингина «мана» деб омманинг кўз ўнгига тўкиб қўядир.

«Муштум»нинг икки йиллик тажрибаси муштумнинг қандай муваффақиятли қадамлар босганини кўрсатган экан, бир неча муштум томонидан «айбнома»си ўқилган кишилар тарафидан сўроғхоналарга берилиб, унда ҳам фактларни қопу қанори билан ағдариб қойил қила олди.

Энди кўрамиз, шундай кишилар ота гўри-қохиона билан иш чиқмасдан, балки «сир»нинг яна дангал қолишидан кўрқиб, матбуот орқали силлиқ жавоб бериш билан ўзларини оқлаб қолиш учун «Зарафшон» газетасидангина ўрин топдилар.

«Муштум, танқидинг ўринсиздир!» Ҳа, нима учун ўринсиз экан? Марказий халқ хўжалиғи шўросида боқовуллик мансабида турган Э. Қодирийнинг танқид қилган ва унинг ўз ҳамқурблари бўлган «Матраб»чиларни халқ хўжалиғи шўросига тўпланганини «камситиб» кўрсатган экан. Шунинг учун «Муштум»нинг танқиди ўринсиз бўлгон. У тўғрида «Муштум» архивида бир неча қоп далил-исботлар сезган Э. Қодирий дафъи истиҳола ёки махси гижирлатиш қабилида «Зарафшон» газетасида, «Ҳа, нима учун «Муштум» марказий халқ хўжалиғи бошқармаси катталарининг расмларини тортиб қаттиг танқид қиладир», деб ўз устида бўлган бир айбига бир қанча шерик ахтарадир.

Ўғил бола, янглишасиз. Муштум бир неча кишини танқид қилган эмас, айбдор қилиб биргина Э. Қодирийни тортган. Бунини «Зарафшон» муҳаррири ҳам кўздан кечирган бўлса керак, Лекин «Муштум»нинг обрўсини тўкмак учун Э. Қодирий-

нинг мақоласи «Зарафшон»га пўлатга сув бергандек муносиб бўлиб тушган.

Бўлмаса Э. Қодирий қанча номаъқул бузоқнинг гўштини еган экан, ҳаммасини иқроор қилиб, андава қилмоқчи бўлса-да, ҳар томонидан қиртишлаб, хунуги чиқиб кетибдир:

Ҳатто Э. Қодирий ҳалиги тўплаган «Матраб»чиларнинг синфий ёқдан текшириб ўлтиришга эҳтиёж йўқлигини, синфий талашларнинг пуч ва маъносиз эканини даъво қиладир ва бу маслагимизга ҳам кўз қорачуғи билан қабул этадир.

Ундай масалаларга «Муштум» жуда бошқача қарайдир. Бу тўғриларда Э. Қодирий каби лўттивозларни «Ҳой, огоҳ бўл» деб муштлаб турадир.

Муштумнинг вазифаси қинғир-қийшиқни тўғрилаш учун сўл томонга мушт уришдир. Алам қилса туз қўйиш, баногоҳ мушт тушар экан, тишини тишга қўйишингизни тавсия қиламиз.

* * *

Лекин ҳозирги матбуотда ҳам «Ҳар тўқиснинг бир айби бор» дегандек бир айб бордир. У айб ҳам мағзавалик, сақич каби чайнаш. Ўтган ўтди, янғисидан гапир, ўртоқ! Йўқ, ҳали ҳам ўша-ўша. Бу кун «шаҳар-қишлоқ алоқаси» остида бир-бирига ёпишқон қанча мақолани кўрасан; ё бу ёзувларнинг ҳаммаси бамаслаҳат ёзгонмидир, деб ўйлайсан. Яна бир муҳаррир нуқул таржима қилиб, тагига ўз имзосини чўнқайтиради. Эй, ўл, дастмоянг бўлмаса, чиқ эшикка!

Бир кун бир муҳаррир кунда 20 мақола ҳозирлайди. Гўё газета идораси ундай мақоладан шибба ҳўл, лекин бу мақолалар бошқа газеталарда ўтган, лекин бу муҳаррир ўша мақолалардан чўп-чўп олиб тегига ўз имзосини қўйиб, червон учун халта тикиб юрадир...

Мана буларга қараганда, шу кунгача бўлган матбуотчилигимиз яна қайси ислоҳга муҳтождир. Илгари авҳомотни барбод қилгон эканмиз, тўппимизни тескари кийдириб: «Қуллуқ бўлсин!» дегувчи акамларга ҳам: «Бўлди-да, ака, сизга майна қилиб қўйган кўршайтондан хафа бўлди-ку», деб қўйишга вақт етгандир деб, каминангиз идрок қилади.

Шунга бошқалар қандай қаради экан, у тўғри-сида ҳозирдан кесиб бир нарса дея олмаймиз. Ҳар ҳолда матбуот ишимиз ўз йўлида кетсин, нашриёт ишимиз тўғри бир кўчага бурилсин...

* * *



Баъзи бир жирттакилар «ҳар тугул» сўзини «ҳайтовур» тарзида ёзиб, ўзларини кулки ҳолга қўймоқдалар. Мен бўлсам ул боёқишларнинг ҳолига қўб ачинаман. Ҳолбуки, биз «ҳар тугул» сўзини таҳлил қилсоқ кўрамиз: «ҳар» (хар) деб форсчада эшшакка айтадирлар. «Тугул» бўлса ўзбекчада «эмас» маъносига тўғри келади, яъни «ҳар тугул» — «эшак эмас» деган гапдир.

«Ҳайтовур» устида тўхтолсак, мундаги «ҳай» сўзи ҳар бир ўзбекка маълумдир; «тавр» деб қозоклар «яхши»ни айтадирлар: бунини қозок билан ҳамсуҳбат бўлгон ҳар бир гўдак билса керак. Мисол: «Манави мана товурғўй». Демак! «Ҳайтовур» сўзи «ҳай, қандай яхши!» деган тузсиз маънога келади. Ана, энди ўзингиз ажратиб олинг бу тил билмас галчаларни! «Ҳар тугул» турган жойда «ҳай-товур» ёзади-я бу жирттаки тушунчасизлар!

* * *


Шоирларимизнинг бир қисми, муҳаррир ва муҳаррирчаларимизнинг бир бўлаги ҳамон бир-бирдан андаза олиш ва бир-бириникидан нусха олиш билан машғуллар. Ўқитувчиларимиз бўлса, сабоқ бериш эмас, сабоқ олишга лойиқ ва сазовордирлар.

* * *

Адабиёт дунесиде икки турли танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид. Жиддий танқид ўзининг кузатган нишонаси устида ўзгаришлар ясаса ҳам, аммо кўпинча авомга мажхулроқ бўлиб ўтади. Айтиш мумкинки, жиддий танқид баҳс қилинган масаланинг ўз аҳлига, яъни юқори табақа — зиёлиларга махсус кабидир. Ундан сўнг жиддий танқид турмушнинг ҳар бир бурчагига кириб юриш учун ҳам таназзул этолмайди. Бу жиҳат билан қараса-да у оммавийлик хусусиятидан йироқдир.

Танқиднинг иккинчи хили бўлган ҳажвий (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки кулки танқид турмуш бўлиб учқувчи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаган заиф, қизганч, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгилик унсурини авомнинг маҳбуби, тагин тўғриси унинг ўз ижодидир.





МУҚАДДАС УРУШ САБОҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ИБРОҲИМ РАҲИМ БИЛАН СУҲБАТ

— Иброҳим ака! Сиз Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, қолаверса, бу мавзуда талай асарлар ёзган зукко адбларимиздансиз! Биз уруш йилларидан йироқлашганимиз сайин унинг даҳшатли хотиралари теранлашиб бораверади. Ушанда «Уруш бошланди!» деган машъум хабар Сизга қандай таъсир қилганди. Уша пайтдаги ҳолатингизни эслай олмайсизми!

— Жуда яхши эслайман! Буни айтишдан олдин бошқа хотираларга бироз изн берсак. Мен 1937 йил «Ёш ленинчи» газетасидан армия сафига чақирилдим. Икки йил ҳарбий хизматда кўзим «пишди»... 1939 йил Ғарбий Белоруссия ва Ғарбий Украинани панлар Польшаси зулмидан озод қилдик. Варшава яқинида қаттиқ жанглар бўлди. Бу мен кўрган биринчи уруш эди. Иккинчиси — оқ финларга қарши уруш 105 кун давом этди.

Энди саволингизнинг конкрет жавобига ўтаман: 1940 йилнинг декабрь ойида ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясига ишга кирдим. 1941 йилнинг май ойи охирида менга квартира беришди. Отадан уч яшар етим қолган болага — менга бутун меҳр-муҳаббатини, ҳаётини бағишлаган мунис онамни Тошкентга кўчириб келиш учун 20 июнь кuni повозда ўтириб Фарғонага жўнадим. 22 июнь кuni Умрзоқ акам саккиз километрдаги повоз станциясига юкларни ортиб бориш учун қишлоқ Советидан арава сўраб келишга чиқиб, янги «гап» топиб келди: Уруш бошланибди! Мен саросимага тушиб қолдим. Ушанда одамлар мен ҳақимда шундай дейишган: «Урушни, ўлимни, қонни кўп кўрган одамнинг кўзи қонга тўлиб қоларканда-а!» Онамни қолдириб Тошкентга жўнадим.

24 июнь кuni қақирқ қоғози олдим.

— Урушда Сизни ҳаяжонлантирган энг муҳим воқеалардан бирини сўзлаб берсангиз!

— Бундай воқеалар жуда кўп! Улуғ Ватан урушидаги фронт ҳаётим Ғарбий Белоруссияни озод қилишдан бошланди. Смоленск атрофидаги Елнани икки марта топшириб икки марта озод қилдик. Угра дарёси бўйида позициямизни мустаҳкамлаб олдик. Уша ерда — Товаркова, Троицкий, Стримова (маршал Жуковнинг қишлоғи) учун қаттиқ жанглар олиб бордик. Мени ҳаяжонлантирган энг характерли илк воқеа ўша жанглардаги хизматим туфайли «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланганим бўлди.

— Иброҳим ака! Улуғ Ватан урушида Ғалаба билан қайтгандан сўнг, Сиз уруш қаҳрамонлари ҳаётини олиб романлар, қисса ва очерклар ёздингиз. Асарларингизда ҳужжатлилик ва бадийлик қонуниятларига қандай амал қиласиз!

— Илк ижодим ҳақида бир оғиз гапирсам: шеърятга ихлолим баянд эди. «Тожиқончилар», «Ерим, яхши қол» деган илк шеърларим «Ёш ленинчи»да босилган. Ғарбий Белоруссия чегараларида хизмат давримда «Баҳодир» деган поэма ёзиб Ўзбекистон Ёзувчилар Союзига юбордим. Поэмани Ҳамид Олимжон, Ҳасан Пўлат, Сотти Ҳусайн ўқишибди ва ҳарбий мавзудаги асарлар учун эълон қилинган ёпиқ конкурсга тақдим қилишибди. «Баҳодир» конкурсининг иккинчи мукофоти (биринчи мукофот ҳеч кимга берилмаган) сазовор бўлганини кейин билдим... Жангларнинг оғир машаққати, унинг «вазмин юки»дан олган таассуротларим шеърга сифмасди. Менда ўз-ўзидан прозада ёзиш эҳтиёжи пайдо бўлди. «Фалакнинг гардиши», «Чегарадан ўтган думсиз ит» деган ҳикоялар, «105 кун тарихи» деган очерк ва лавҳаларим «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган эди... Фронтда «Чин муҳаббат»нинг илк қоралмаси куйиб кетди. Бошқатдан ёзиб, тўртта катта дафтарни 1943 йил Тошкентга — УзГИЗга юбордим. Бир йилдан сўнг нашриёт кўчгани муносабати билан кўлэзма йўқолди, деган хабар олдим. «Чин муҳаббат» ана қайта ёзилиб, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзига муҳокама қилинди. Устоз Ойбек романи яхши баҳолаб, мулоҳазаларини

айтдилар. Роман Ойбек, Шўҳрат кўмағида нашр этилди.

Бадийлик — ёзувчининг фантазияси, бадий тўқима, характерлар яратиш, бадий тасвир воситалари, шаклий изланишлар орқали намоён бўлади, дейилади фан тилида. Аммо бу мезонлар асарда ёзувчи кўрган, билган, ҳис қилган воқеа-ҳодисалар ва одамлар қандай тасвирланганига қараб белгиланади. Демак, ҳар бир ёзувчи ўзидан, ўзлигидан, ўз савиясидан узоқлашиб кетолмайди. Мен деҳқон боласиман — нима эксам шунини ўраман, нимани кўрган, ҳис этган бўлсам шунини ёзаман! Менимча, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ! Зўрма-зўракиликнинг, ўзини зўрлашнинг, кўзбўямачиликнинг, мақтанишнинг, чиранишнинг, нима кераги бор!

Ҳужжатлилик — Улуғ Ватан уруши темасидаги асарларнинг, жумладан менинг асарларимнинг муҳим хусусиятидир. Жангчи-ёзувчилар ижтимоий даврнинг муҳим воқеаларидан, ҳаётнинг бурилиш нуқталаридан бири — халқимизнинг ўша даврдаги қаҳрамонона тарихини келажак авлодларга ҳужжатлар асосида қайта тирилтириб беришни ўзларининг жанговар бурчи деб биладилар. Бунда уларнинг ўз кўзлари билан кўрган воқеа-ҳодисалар, факт ва рақамлар, конкрет кишиларнинг биографиялари, архив ва справка материаллари, фотосуратлар, урушни кўрган кишилар билан жонли суҳбатлар муҳим роль ўйнайди...

1971 йил Волгоград область партия комитети мени «Ун бир ўзбек паҳлавони» монументи очилиши маросимига таклиф этди. Дон дарёси бўйида жойлашган «Старший Клитский» қишлоғи яқинидаги тепаликка ўрнатилган монумент очилишида қатнашган кишилар билан, қишлоқ аҳли билан суҳбатлашдим. Давлат муҳофазаси музейидаги архив материаллари билан танишдим. Ана шулар асосида «Мангулик қўшиғи» повестим ёзилди. Албатта, бадий фантазия ва тўқимасиз ҳеч бир асар ёзилмайди. Лекин, «Мангулик қўшиғи»нинг асосини реал воқеалар, ҳужжатлар ташкил этади.

— «Генерал Равшанов» романингизнинг прототиплари борми!

— Машҳур ёзувчи ва публицист Илья Эренбург шундай деган эди: «Улуғ Ватан уруши ҳақида улуғ китоблар кейин ёзилади: уларни уруш иштирокчилари ёздилар!» Албатта бу ҳар бир жангчи — ёзувчининг орзуси. Мен ўзбек командирларининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратини кенг кўламда акс эттирадиган асар ёзиш ҳақида кўп ўйладим. «Генерал Равшанов» ана шу йўлдаги уриниш бўлди. Биласизки, уруш даврида ўзбеклардан кам бўлса-да, ажойиб, номдор командирлар етишиб чиққан. Собир Раҳимов шўҳратидан ҳамма хабардор. Хуллас романдаги генерал Равшанов образи ўзбек командирлари Миршаропов, Собир Раҳимов, Нор-хўжаев ва бошқаларнинг йиғма образидир. Биография жиҳатдан эса Собир Раҳимов ҳаёт йўлини романга асос қилиб олганман.

— Сиз урушни кўрган адб сифатида адабиётимизда бу теманинг қандай акс эттирилишини хоҳлардингиз! Умуман янгича фикрлаш руҳи ҳукмрон ҳозирги пайтда уруш темасидаги асарларнинг шахс маънавий-ахлоқий тарбиясидаги роли қандай бўлиши керак!

— Менимча, ўзбек адабиётида бу тема яхши ишланмапти. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган 20 миллион кишининг 800 минги ўзбеклар эди. Фашизмга қарши озодлик ва адолатли уруш олиб боришда бир ярим миллион ўзбекистонлик йигит-қизлар қатнашдилар. Уларнинг кўпчилиги орден ва медаллар, 80 киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлди. Биз ёзувчилар урушдан қайтган ва қайтмаган ана шу қаҳрамонлар олдидики бурчимизни, қарзимизни унутмаслигимиз керак! Аммо қарзга яраша иш қилмаяпмиз. Тўғри, М. Исмоилий, А. Раҳмат, М. Муҳамедов, Шўҳрат, Назармат, С. Қодиров, Ҳ. Тожибоев каби адблар ҳужжатли қисса ва очерклар билан бу ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан уруши жангҳоқларида ўзбек халқи кўрсатган жасорат ва қаҳрамонлик ҳақида ёзувчиларимиз деярли ҳеч нарса қилмаётдилар. Бундан Анвар Эшонов ижодини мустасно тутаман! Унинг яхши изланишлари бор. Йилдан-йилга камайиб бораётган уруш иштирокчиларининг ҳар бир сўзини ёзиб олиш, пухта ўрганиш асосида уларнинг бадий-публицистик образларини яратишимиз керак! Шу ўринда яна бир фикрни айтмай: Улуғ Ватан урушида қатнашган йигитларнинг кўпчилиги тажрибасиз, «қизил гўшт» эди. Аммо улар улуғ қаҳрамонликлар кўрсатдилар Ҳозирги йигитлар ҳар жиҳатдан ўқимишли, аммо ҳарбий тайёргарлиги суст. Бу деганим шуки, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига кўпроқ эътибор беришимиз, эскириб кетган тарбиявий усуллардан воз кечиш, улар қалбда Ватан туйғуси чўғини алангалатишимиз керак! Ҳозирги ёшлар орасида Афғонистонда интернационал бурчини адо этган, қаҳрамонликлар кўрсатган қанчадан-қанча йигитларимиз бор! Адабиётимизда уларнинг ҳаққоний образлари гавдалантирилган асарлар — очерклар, қиссалар борми? Мен эслай олмайман! Бу ишда ёш ёзувчиларимиз ташаббускор бўлишлари керак. Ёзувчининг граждандлик бурчи ана шуларни тақозо этади. Зеро, ёзувчилик шахсий юмуш эмас, балки кенг миқёсдаги ижтимоий фаолият, жасорат ҳамдир!

— Энди режаларингизни сўрамоқчийдим.

— Мени Сталинград учун бўлган жангларда қатнашган ўзбек йигит-қизларининг ҳаёти кўпдан бери қизиқтириб келади. Биласизми, Сталинград жангларида ўзбек халқининг 200 минг фарзанди қатнашди. Уларнинг кўпчилиги ҳалок бўлди. Ўзбек халқининг «Сталинград жангчиларига Хати»да шундай оловли сатрлар бор эди: «Йигитлар, ўз тупроғимизни душмандан қутқарайлик!». Ўзбек халқи уруш даврида Сталинградни оталиққа олган эди... Сталинград учун олиб борилган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган ўғил-қизлар ҳаётига доир янги асар ёздим...

— Суҳбатимиз охирида, Сиз урушни кўрган кенса кишига шундай савол бермоқчиман: Тинчлик масаласи рўзномага қўйилган ҳозирги кунда Улуғ Ватан урушида қозонилган буюқ Ғалабанинг моҳияти ва аҳамияти Сизнингча нималарда кўринади!

— Ғалаба туфайли Осиё, Лотин Америкаси, Африка қитъалари халқларида миллий уйғониш пайдо бўлди!

Ғалаба — Тинчлик кўргони бўлиб турибди!

Муқаддас урушнинг сабоқлари яна шундаки, империализм бор экан, уруш хавфи ҳам йўқ эмас! Ҳозирги кунда прогрессив инсоният ажал қуролларини кескин камайитириш, ҳатто йўқотиш йўлини тутган СССРнинг мақсадини қўллаб-қувватламоқда! Империалистларнинг жирканч қўллари эса ажал қуролларини маҳкам ушлаб олган. Қурол ушлаган бу қўллар кесилса — уруш бўлмайди! Инсоният баҳори гуллаб-яшнайверади! Муқаддас уруш сабоғи — ана шу!

Мен суҳбатни машҳур ёзувчи К. Симоновнинг ушбу сўзлари билан якунламоқчиман: «Ҳозирги куннинг бош проблемаси — уруш ва тинчлик проблемасидир, деган эди адб. — Инсоният янги уруш гирдобига ташланишини истамаган ёзувчи уруш нима эканлигини эслатиб туриши лозим. Уруш нима эканини ўзи қанчалик яхши билса, буни у тинмай эсга солиб туришга мажбур. Утган урушнинг қатнашчиси сифатида мен ўзимнинг ёзувчилик бурчимни шундай тушунаман, назаримда бу бурч замонамизнинг энг ҳаётий проблемалари билан бевосита алоқадордир».

Суҳбатни филология фанлари кандидат
Ғулом ҒАФУРОВ олиб борди.

Сиз фарзандингизнинг қандай махсус қобилиятга эга эканлигини америкалик олим де Хаан билан Каф яратган анкета ёрдамида аниқлаб олишингиз мумкин. Қуйида киши ўз истеъдодини намоён этиши мумкин бўлган саккизта соҳа санаб ўтилган ва уларнинг тавсифи берилган.

Ўғлингиз ёки қизингизнинг қизиқиш даражасини унинг дўсти, тенгдошининг қизиқишлари билан таққослаган ҳолда график тасвирини тузиб чиқинг. Де Хаан билан Каф анкетасидаги истеъдоднинг саккиз соҳасидан ҳар биридаги саволларни диққат билан кўриб чиқинг. Кўрсатилган ҳар бир тавсифини балл (беш балли система бўйича) билан баҳолаш. Агар тавсифлардан бири фарзандингизга юксак даражада мос келса беш балл, агар ўртадан юқори бўлса тўрт балл қўйинг ва ҳоказо. Икки балл — энг паст баҳо.

Истеъдоднинг саккиз соҳасидан ҳар бири ичидаги тавсифлар бўйича балларни жамлаб чиқинг. Бир соҳадаги (масалан, «ақлий қобилият») йиғилган балларнинг умумий сонини саволлар (бу соҳада ўн иккита савол бор) миқдорига бўлинг ва ҳосил бўлган сонни «х» ўзаги бўйлаб баллар баҳоси ва ўзингиз текшираётган истеъдодлик соҳаси (1-дан 8-гача) даги баҳо кесишадиган жойга ажратиб қўйинг.

Бундай кузатув сизга нима учун керак бўлади? Айтилик, сиз болангизни мўзика, спорт билан шуғулланишини ёки у мактабда, клубда бирор тўғарақни танлаб олмақчи-ю, лекин сиз қизингиз ёки ўғлингизга шунга қобилиятини берлигига шубҳа қиласиз. Болангиз қобилиятининг сиз тузиб берган график ихтисоси, агар қизингиз ёки ўғлингиз янги, оригинал ғояга мойил бўлса-ю, аммо бу қобилиятини намоён этишга уялган ва уни болалар боғчаси ёки мактабда ишга солмасликка ҳаракат қилган тақдирда фойдаси тегиб қолиши мумкин. Сиз, масалан, «Баракалла, сен ижодий фикрлай оларкансан!» деб, болангизга далда беришингиз мумкин.

II. Бадий қобилият

1. Ўзининг расм ва суратларида турли-туман нарсалар, вазиятлар, одамларнинг хилма-хиллигини тасвирлайди (расмларнинг мазмунида бир хиллик йўқ).

2. Санъат асарларига жиддий муносабатда бўлади. Яхши суратни кўрганда, қойилмақом куйни эшитганда, ғаройиб ҳайкалтарошлиқни, гўзал ва дид билан яратилган нарсаларни кўрганда ўйга толиб, жиддийлашиб қолади.

3. Мавзу танлашда (сурат чизишда, ёзишда, бирор воқеани тасвирлаганда) ўзига хос йўл тутати, ўзига хос композиция (пул, расм, тош, марка, откритка ва ҳоказолардан) тузиб чиқади.

4. Уйинчоқ, расм, сурат, композициялар тайёрлаш, ўйин майдончасида болалар ўйчаларини барпо этиш, қайчи, елим ишлатиш учун бирор янги материалдан фойдаланишга доим тайёр бўлади.

5. Бўш вақти бўлганда берилиб расм чизади, нимадир ясайди, бадий моҳияти бўлган (уй учун, кийимларга безаклар) композициялар яратади.

6. Ўзининг ҳиссиёти ва кайфиятини ифодалаш учун расм чизишга, бирор нима ясашга ҳаракат қилади.

7. Бошқалар яратган санъат асарлари билан қизиқади, ўзининг шахсий баҳосини бериш мумкин ва ўзи чизган сурат ёки ўзи ишлаган ўйинчоқ, ҳайкалчаларни (ўзига ёққанларини) такрор тасвирлашга ҳаракат қилади.

8. Воқеа ёки буюмларни уч ўлчовда (узунлик, кенглик, баландлик) тасвирлаш учун елим, пластилин ва лойдан фойдаланиб ишлашни ёқтиради.

III. Мусиқавий истеъдод

1. Тез таъсирланади ва мақом билан куйни осон ўзлаштиради, ҳаммавақт диққат билан тинглайди.

2. Яхши куйлайди.

3. Чолғу асбобларини чалганда, қўшиқ айтганида ёки рақсга тушганда жуда берилиб кетади.

4. Музикали ёзувларни хуш кўради. Концертга ёки куй тинглаш мумкин бўлган жойга боришга интилади.

5. Бошқалар билан куйлаганда яхши ва уйғун чиқишини ёқтиради.

6. Қўшиқ айтганда ёки куй чалганда ўзининг ҳиссиётини, ҳолатини намоён этади.

7. Ўзига хос оригинал куйлар яратади.

8. Бирор чолғу асбобни яхши чалади.

IV. Илмий ишлар

машғулотларига қобилият

1. Ўз фикрини аниқ ва ифодали баён этади (оғзаки ёки ёзма).

2. Китоб, мақола, илмий-оммабоп нашрларни ўқишда ўз тенгдошларини бир-икки йил ортда қолдириб кетган.

3. Мавҳум тушунчаларни англаш, умумлашма ҳосил қилиш юзасидан ўртадан юқори қобилиятга эга.

4. Мувофиқлаштириш «мотори», айниқса кўриш зеҳни билан қўл орасидаги яхши (нимани кўрса шуни яхши қайд этади, нимани эшитса, шуни аниқ ёзиб олади).

5. Дарслардан кейин илмий-оммабоп журнал ҳамда китобларни ўқишни ёқтиради, буларни бадий, детектив ва бошқа шу каби китобларга қараганда берилиб ўқийди.

6. Агар унинг янги бир нияти ўқитувчилар ёки ота-онаси томонидан қўллаб-қувватланмаса, агар унинг «тажрибаси» чиқмай қолса тушкунликка тушмайди.

7. Воқеалар сабаби ва моҳиятини аниқлашга интилади.

8. Ўзининг «лойиҳалари»ни: радиоприёмник ишлаш, телескоп, учувчи аппарат ясаш, коллекция

тўплаш ва ҳоказоларни яратиш устида кўп бош қотиради.

9. Илмий воқеалар, ихтироларни муҳокама қилишни ёқтиради, бу ҳақда кўп ўйлайди.

V. Адабий истеъдод

1. Ҳикояни сюжет тугунидан бошлаб, бирор конфликт ечимигача осонлик билан ёза олади.

2. Ҳаммага маълум бўлган бирор нимани гапириб бераётганида янги ва ғайритабиий бирор нарсани қўшиб айтади.

3. Ҳикояларда, воқеалар ҳақида фақат зарур деталларни қолдиради, аҳамияти йўқларини чиқариб ташлайди, асосийларини, эътиборга моликларини қолдиради.

4. Бирор нима ҳақида гапириб берар экан, танлаган мавзудан четга чиқмайди, асосий ғояни йўқотмайди.

5. Ҳикояларида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари ва ҳис-ҳаяжонларини ифода этувчи сўзлар топаолади.

6. Ҳикояларида гап бораётган воқеани англаш учун муҳим ҳисобланган деталларни ўқувчига етказишни билади (одатда унинг тенгдошлари бундай қилишолмайди), шу билан бирга ҳикоя қилинаётган воқеанинг асосий чизигини эътибордан қочирмайди.

7. Ҳикоя ёки шеърлар ёзишни хуш кўради.

8. Ҳикояларида ўз қаҳрамонларини жудаям жонли қилиб тасвирлайди, уларнинг ҳиссиёти ва кайфиятини, характерини ўқувчига етказолади.

VI. Техникавий қобилият

1. Қўл меҳнати бўйича ҳар қандай вазифаларни яхши удалайди.

2. Механизм ва машиналар билан қизиқади.

3. Машина, турли асбоб, поездларнинг, радиоприёмникларнинг моделларини конструкция қилиш унинг қизиқиш олампидан ўрин олган.

4. Сал бузилган асбобларни осонлик билан тузатади, янги ўйинчоқлар, асбоблар ясаш учун эски деталлардан фойдаланиши мумкин.

5. Механизмларнинг инжиқлиги сабабларини яхши англайди, сирли равишда бузилиш ва «қидирув»га хос масалаларни хуш кўради.

6. Чизмачиликларни расмга тушириш ва механизмларнинг хомакисини чизишни ёқтиради.

7. Янги асбоб ва машиналар, механизмлар яратилгани ҳақидаги журнал ва мақолаларни ўқийди.

VII. Артистлик истеъдоди

1. Бошқа персонаж, одам ва ҳоказолар ролини осонлик билан бажаради.

2. Артистлик ўйини билан қизиқади.

3. Бошқа одамга қиёс қилаётганида овозининг ҳолати ва оҳангини ўзгартира олади.

4. Бирор драматик кўринишда ўйнаш имконияти пайдо бўлганда конфликт ҳолатни тушунади ва ифода этаолади.

5. Имо-ишора, ҳаракат орқали ҳис-ҳаяжонни етказолади.

6. Бирор нима ҳақида берилиб гапирётганда тингловчиларни таъсирланишига ҳаракат қилади.

7. Ички кечинмалар ҳиссиётини осонлик билан намоён этади.

8. Барча янгиликларни енгил қабул қилади, эскиларига «ёпишиб» олмайди. Ҳаётини масалаларни ҳал этишининг янги усулларини ишлатишни ёқтиради, синаб бўлингиларини хуш кўрмайди, янгидан уришиб кўришдан чўчимайди, ҳаммавақт янги ғояларни текшириб кўради ва фақат «тажрибали» текширувдан кейингина уни рад этиши мумкин.

ҒАРОЙИБ БОЛАЛАР

I. Ақлий қобилият

1. Болангиз янги билимни жуда тез ўрганади ва ҳаммасини осонлик билан қабул қилади.

2. «Соғлом фикр» туйғусига эга ва билимини амалда, кундалик вазиятда қўллайди.

3. Яхши мулоҳаза юритолади. Аниқ фикрлайди, рақамларни адаштириб юбормайди. Бир воқеа билан иккинчи воқеа ўртасидаги, сабаб билан оқибат орасидаги алоқани яхши илғай олади. Охирингача айтилмаган гапларни яхши тушунади, катта ёшдагилар кўпинча тўғридан-тўғри айтишмайди-ю, лекин шуни назарда тутишларининг фаҳмига боради. Бошқа одамлар қилмишининг сабабларини, улар ҳулқ-атворининг боисини илғай олади.

4. Эшитган ёки ўқиганларини махсус ёдлаш билан шуғулланмай тезда ёдлаб олади, эсда қолиши лозим бўлганларни, такрорлашга кўп вақт сарфламайди.

5. Тенгдошлари билмайдиган ва хаёлига ҳам келмайдиган кўпгина воқеа ва масалалардан хабардор.

6. Сўз бойлиги кўп, янги сўзлардан осонлик билан фойдаланади, ўз фикрини бемалол ифодалайди.

7. Одатда ўзининг тенгдошлари эмас, балки ўзидан бир-икки ёш катта болалар ўқийдиган китобларни ўқишни ёқтиради.

8. Мияни ишлатишни талаб этувчи мураккаб масалаларни ечади.

9. Жуда кўп саволлар беради. Катта ёшдагилардан кўпинча суриштирадиган кўпгина турли қизиқишларга эга.

10. Ўқишда ўз тенгдошларини бир ёки икки йил ортда қолдиради, яъни ҳозиргига қараганда юқори-роқ синфда ўқиши лозим бўлади.

Ўқув материалларини китоб, журналлардан ўқигани, катта ёшдагиларнинг ҳикояларидан эшитгани учун кўпинча дарсда зерикиб ўтиради.

11. Ўзига хос фикрлайди ва қўтилмаган, ўзига хос жавобларни, ечимларни тақлиф этади.

12. Жудаям идрокли ва зеҳли, барча янгилик ва нарсаларга тезда ўз муносабатини билдиради.

VIII спорт қобилияти

1. Серғайрат, ўзини бахтиёр ҳис этиши учун катта ҳажмдаги жисмоний ҳаракатга муҳтожлик сезувчи боладек таассурот қолдиради.
2. Спорт ўйинлари ва мусобақаларида иштирок этишни ёқтиради.
3. Бирор спорт ўйинида доимо пешқадам бўлади (бирор спорт ўйинида голиб чиқади.)
4. Болалар боғчасида, синфда ҳаммадан кўра тез югуради.
5. Ўз тенгдошлари орасида ҳаракатлари бошқаларга қараганда яхшироқ жисмоний мувофиқлашган.
6. Походларга чиқишни, очиқ спорт майдончаларида ўйнашни хуш кўради.
7. Ўзининг бўш вақтларини серҳаракат бўлишни талаб этувчи ўйинларга, хоккей, баскетбол, футбол ва ҳоказо ўйинларга бахшида этишни афзал кўради.

Бу тадқиқот сизга нима беради?

Фарзандингизнинг қизиқиш ва қобилиятини тушуниб олишингиз учун уни ўша ёшдаги бошқа бола билан албатта таққослаб кўринг. Агар, ўғлингиз ёки қизингиз сизнинг фикрингизча, ўз тенгдошларидан фарқ қилсагина унга ўртадан юқори балл беринг: 4 — агар сезиларли фарқ қилса, 5 — жудааям фарқ қилади.

Бу анкета фарзандингизни кузатиш учун ўзига хос таянч схемаси ҳисобланади. Тавсия этилаётган қизиқишлар тавсифи унинг хулқ-атвори, ақлий ёки жисмоний ривожини таҳлил этишда сизга ёрдам бериши мумкин. Албатта, анкета истеъдодли боланинг бошқа кўринишларини қамраб ололмайди.

Агар сизга зарур бўлиб туюлса, анкетада санаб ўтилган унинг қизиқишлар тавсифига бошқа хил қобилиятларини ҳам қўшиб қўйинг.

Ҳар бир боланинг «ихтисослиги» шунингдек тадқиқот қилишга бир лаёқат иккинчиси билан боғлиқ эканини билиш, албатта, қизиқ туюлади. Мана шу «ихтисослик» қизиқиш билан лаёқат ривожининг шундай манзарасига эга бўлишни таъминлайди. Истеъдодли болада бирор лаёқатнинг (масалан, адабиётга иштиёқли бола техника билан шуғуллашни мутлақо ёқтирмайди) «Тушиб қолиши» кузатишган воқеалар бўлган. Барча бандлар бўйича ўртадан анча юқори кўрсаткичга эришилган вақтлар ҳам бўлади.

Лаёқатни ривожлантириш учун сизга тўғри маслаҳат ва аниқ тавсиялар бериш учун бизга фарзандингизнинг қанчалик истеъдодлилигини билишимиз лозим.

«СЕҲРЛИ» РАҚАМЛАР

„3“ ҚАН, „40“ ҚА ҚАЧАР

Кексалар суҳбатига қулоқ тутсангиз, удабурон, ишбилармон одамлар ҳақида «қилни қирқ ёриб» иборасининг ишлатилишининг гувоҳи бўласиз. Наҳотки, қил қирққа бўлинса? Гап шундаки, бундай ибораларда инсоннинг маълум фаолияти билан боғлиқ имкониятлари бўрттириб ифодаланар экан. Яъни, бу ўринда «қирқ» сўзи биз билган рақам маъносидан эмас, балки «кўп», «жуда кўп», «сон-саноксиз» деган маънони англатувчи сўз сифатида қўлланилади. Шунингдек, «қирчиллама қирқ ёшида», «қирқ қулоқли қозон», «қирқ кокил қиз» каби иборалар ҳам бор. Аслида эса қозоннинг қулоғи ёки сохибжамолнинг кокили айнан қирқта бўлиши шарт эмас, бу ерда уларнинг кўплигига ишора қилинапти, холос.

Тилимизда рақамлар билан боғлиқ бундай ибора ва тушунчалар жуда кўп. «Уч» сони ишлатилган мақолларни бир эслаб кўринг-а! «Ер қондаси уч, учдан кейин — пуч!», «Бирдан икки яхши, иккидан — уч», «Отинг бир қоқилмасин, бир қоқилса уч мартагача боради», «Меҳмоннинг отини асл дерлар, уч кундан сўнг сасир дерлар» ва ҳоказо. Кундалик турмушда учлик ўзига хос «қонда»га айланиб қолгандек бўлиб туюлади. Ҳатто кино ёки концерт залларида ҳам томоша бошлангичидан аввал уч марта кўнги-роқ чалиб огоҳлантирилади. Бирор сабаб билан огоҳлантириш лозим бўлган кишига уч марта танбех берилади.

Бу ғаройиб рақам, айниқса, ўзбек халқ эртақларини бутунлай «ўзиники» қилиб олганга ўхшайди. Уч оғани ботирларнинг борса келар, борса хатар ва борса келмас деб аталувчи уч йўлдаги саргузаштлари, кенжа ботирга учта оғир вазифа топширилиши, ботирнинг ялмоғиз кампир билан уч марта олишуви, нуруний чол берган уч нарса — ойна, тароқ, игнанинг ғаройиб мўъжизалари тасвири нечоғлиқ қизиқарли бўлса, қаҳрамоннинг уч дев ёки уч бошли афсонавий аждаҳо билан олишувига бағишланган эртақлар шунчалик мароқлидир.

«Етти» рақами билан боғлиқ мақоллар ҳам талайгина: «Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритар», «Бола еттига киргунча ердан етти таёқ ер», «Етти қароқчинни таниган етти қоронғи тунда адашмас», «Ердан айрилган етти йил йиғлар», «Етти ота-бобосини билмаган мурт», «Етти ўлчаб, бир кес» каби. Ҳар гал ана шу мақолларга дуч келганда нега энди айнан «етти» деб ўйлаб қоласан, киши. Тўғри-да, «етти»

ўрнига бошқа рақамни қўйиб, масалан, «Тўққиз ўлчаб бир кес» деса бўлмасмикин? Ахир етти марта эмас, тўққиз карра ўлчанса, шошилмасдан, обдон ўйлаб кўрилса, янаям яхши бўладику!

Лекин бундай ҳолатларда «етти» рақами аънавий тарзда қўлланилади. Бу рақам халқ оғзаки ижодиётида, маросим ва удумларимизда, жонли сўзлашувда қўлланиладиган айрим ибора ва тушунчалар таркибига шу қадар сингиб кетибдики, уларни сираям бир-бирдан ажратиб бўлмас экан. Минг йиллар давомида боболаримиз хотирасида сайқалланиб қолган етти ҳазина, етти мўъжиза, етти иқлим, етти донишманд, етти қароқчи, етти гўзал, етти фалак, етти пушт, етти аждод, етти авлод каби иборалар таркибидеги рақам ўзгартирилса, бу тушунчаларнинг аънавий мазмунига путур етарди. Хуллас, «етти» рақамда қандайдир ғаройиб бир мўъжизани кўрган боболаримиз асрлар бўйи халқ оғзаки ижодиётида бу сонга аънавий тарзда мурожаат қилаверишган. Шу боис ҳатто болалар билан топшмоқ айтишганда ҳам пиёзнинг пўсти айнан еттита эмас, анча-мунча кўплигини кўра-била туриб, «пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор» жумбоғини келтираверамиз.

Хўш, бу рақамларнинг нима сеҳри борки, халқ тилида, аънава ва удумларимизда уларга бу қадар катта аҳамият берилади?

Маълум бўлишича, рақамлар фақат ҳисоб-китобда қўлланиладиган миқдор белгилари эмас, балки ғаройиб мўъжизаларга бой ажойиботлар оламига эга экан. Ҳар бир рақам боболаримизнинг бирмунча содда, лекин ғоят қизиқарли афсоналарига бурканган сирли кечмишга эгадир. Бундай ажойиб сонлар ҳақидаги халқ қарашлари қадимги дунё одамлари тафаккурининг нодир мўъжизаси сифатида бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Халқ оғзаки ижодиётига, асрлар давомида шаклланган аънава ва удумларимизга аҳамият берсангиз, аждодларимиз айрим рақамларни қўллашда турғун аънаваларни яратишганлигининг гувоҳи бўласиз. Қадимги одам дастлабки рақамни ўйлаб топган кундан бошлаб, санок усуллари такомиллаштирилган бугунги давргача ўтган вақт ичида рақамлар билан боғлиқ хилма-хил тасаввурлар пайдо бўлган, улар ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар тўқилган.

Боболаримиз хаёлотининг энг буюк кашфиётларидан бири бўлган ўнлик санок усули яратилганига қадар инсоният ҳисоб-китобнинг ҳар хил йўлларини излаб кўп уринган. Ҳозир ҳатто бошланғич синф

ўқувчисиям бирпасда айтиб берадиган ўнта рақамнинг пайдо бўлиши қадимги одамнинг миқдор ҳақидаги ибтидоий қарашлари, афсонавий тасаввурлари билан алоқадор бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бирдан ўнгача бўлган сонлар тўғрисидаги қадимий мифологик эътиқодлар халқимиз хотирасида узоқ вақт сақланиб қолган. Рақамлар билан боғлиқ ибора ва тушунчалар тилдан тилга ўтиб, сайқалланиб, аста-секин аънавага айланиб кетган. Шу тариқа халқ ижодиётида аънавий тарзда қўлланилувчи ўзига хос доимий рақамлар силсиласи пайдо бўлган. Бу ғаройиб хусусиятли рақамлар жаҳоннинг барча халқлари фольклорида мавжуд бўлиб, «сеҳрли» рақамлар дейилади. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида аънавий миқдор белгилари сифатида ишлатиладиган 3, 4, 5, 7, 9, 40 каби рақамлар ҳам ана шундай тафаккур мўъжизалари саналади.

Халқимиз азалдан алоҳида аҳамият бериб, турфа афсоналарга кўмиб ташлаган «сеҳрли» сонларнинг ҳар бири — 3 дан 40 гача ғоят қизиқарли «таржимаи ҳол»га эга. Азиз журналхон! Ғаройиб сонлар билан боғлиқ қадимий халқ қарашлари ва ишончларининг моҳиятини чуқурроқ ўрганишингиз учун сизга рақамлар оламининг мўъжизалари ҳазинасининг эшигини очмоқчимиз.

Сиз амалда қўллайдиган рақамларнинг ҳар бири билан «тиллаша» олсангиз бас, улар сизни сираям зериктирмайди. Зеро санок усулларининг келиб чиқиши, рақамларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қизиқарли маълумотлар, «ғаройиб» рақамлар тўғрисидаги халқ қарашларини ўрганиш дунёқарашингизни бойитибгина қолмасдан, боболаримиз даҳосининг олмос қатраларидек бебаҳо дурдоналари мағзини чақиб олишингизга ёрдам беради. «Сеҳрли» рақамлар билан боғлиқ сермаъно иборалар ва мароқли ҳикоялар талқини сизга мунтазир. Жаҳон халқларининг «севимли» сони «етти»нинг етти иқлимдаги ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари, беш бармоғини санашни ўрганиб олгач, иши «беш» бўлиб кетган қадимги «ҳисобдон»лар ҳақидаги мароқли ҳикоялар, «қирқ»нинг қирқ хил тавсифи-ю, «тўққиз»нинг тўққиз мўъжизасидан сўзловчи афсоналар сиз навқирон дўстларни «сеҳрли» рақамларнинг сирли ва фусункор олами сари етаклайди.

Маматқул ЖУРАЕВ,
филология фанлари кандидати.



ЎТМИШ БИЛАН КЕЛАЖАК ОРАСИДА



Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, психология фанлари номзоди.

Қадрли журналхонлар! «Олтин фасл орзулари» рубри-каси илк бор «Еш куч»нинг 1986 йилги I-сониди, журнал-нинг дастлабки сониди чиққан эди. Кейинчалик журнал-нинг 1986 йил 5-сониди, 1987 йил 1, 7 ва 12-сонларида, 1988 йил 6-сониди ва 1989 йил 1-сониди ўқувчилар диққа-тига ҳавола этилди. Мана, «Олтин фасл орзулари»га яқун асайдиган фурсат ҳам келди.

Шу кунгача журналхонлар билан олти савол-жавоб ва мулоҳаза тури ўтказилди. Бу турларда жуда кенг, ранг-баранг масалаларда фикр юритилди: оддий бир куннинг ўтиши, ҳаётнинг моҳияти, кишидаги фазилатлару камчи-ликлар, турмушдаги бахтли ва кўнгилсиз дамлар, ўтмиш-даги ва ҳозирги кундаги буюк ва машҳур кишилар, сеҳр-гарга айтиш мумкин бўлган тилаклар, ўтмишга саёҳат ва келажакда бўлиши мумкин воқеалар, шахс, ҳаёт ва замон ҳақида сўз юритдик.

Уйлайманки, журналхонларнинг сон-саноксиз мулоҳа-заларига қараб уларнинг социал-психологик қиёфасини маълум даражада яратиб бўлиш мумкин. Журналнинг айтилган сонларида бу ҳақда анча гапирдик ҳам. Яқун маъносиди айтиш лозимки, тўрт йил давомида ўқувчиларимизнинг ижтимоий онги сезиларли даражада ўзгарди: ҳозир ав-валгига нисбатан дунёга ўзининг кўзи билан қарай олади-

ган, шу куннинг долзарб масалаларини қўя оладиган, муаммоли фикр юрита оладиган ўқувчиларимиз кўпроқ. Айни чоқда ҳануз мустақил фикрлашдан йироқ, қолигга қўйилган, «штамп» гаплар билан мулоҳаза юритадиганлар ҳам кам эмас. Агар аввалги тур жавобларини олсак, «2000 ёки 2025 йилларда бизда коммунизм қурилади» деган хат муаллифлари ҳам бор. Албатта, коммунизм — бу ажойиб гоё, аммо бир эслайлик, яқин ўтмишда ана ком-мунизм қурагимиз, мана коммунизм қурагимиз, деб шоши-лишлар ҳаётимизга қанчалик салбий таъсир кўрсатди.

Келажакни башорат қилишар экан, бундан бир йил ав-вал кўпгина журналхонлар асосан учта нарсага эътибор беришган: Орол денгизи тақдири, турар-жой муаммоси ва ёшларни, шу жумладан студент ва ўқувчиларни пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларига олиб чиқиш масала-ларини кўтаришган эди. Кўпчилик бу муаммоларни ижо-бий ҳал бўлишига ишонади, аммо пессимистлар ҳам йўқ эмас. Уйлайманки, агар ҳозирги кунда келажак ҳақида гаплашадиган бўлсак, аввалги ўринлардан бирига пахта яқнақоқимлиги масаласи, ўзбек тили муаммоси каби нар-салар чиққан бўлур эди.

Ўтмишчи? Ахир эш келажак билан ўтмиш орасида яшаймиз, буларнинг бири бўлмаса ҳаётимиз ўпирилиб ке-

тади. Ҳа, биз учун ўтмиш масаласи келажак муаммосига нисбатан осон эмас. Чунки ўтмишимиздан ажралиб қо-ланмиз, қўлёмаларимизни ўқий олмаимиз, тарихий шах-сларни, шу жумладан шоҳ ва диний арбобларни деярли билмаймиз, оддий одамлар ҳаёти ҳақида айтиш ту-шунчамиз йўқ. Узимизнинг тарихимизга нисбатан фран-цуз қиролларининг ҳаётини, рус крепостнойларининг турмушини яхшироқ биламиз. Ҳа, тарихга қизиқишимиз кучаймоқда, бусиз биз яшай олмаимиз. Аммо мени бошқа нарса ҳам сал ҳавотирга солади: баъзи ёшлар, айниқса кизгин баҳс пайтида, кўкракка мушт уриб тарихий ал-ломаларимизни эслашдан боши чиқмайди. Айтмоқчиман-ки, тарихимиз чандон улуг бўлса ҳам, фақат у билан чек-ланиб бўлмайди, биз албатта келажакка интилишимиз ке-рак.

Яна нима ҳам дердим? Одамнинг ҳозирги туриши, ҳаёт тарзи — бу унинг ўтмишидаги турмушининг натижаси, ке-лажак эса ҳозирги қилаётган ишларимизнинг натижаси бўлади. Шу нуқтага назардан одам ўзининг келажакни яратади, деган гапда жуда катта асос бор. Яъни, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида биз ҳам ўтмишнинг ҳосилини йиғамиз, ҳам келажакимизнинг пойдеворини ясаймиз.

V тур саволлари ва...

1. 2000 ва 2025 йилларда республикамизда қандай йирик муаммолар ҳал бўлади?
2. Уша пайтларга бориб республикамизда қандай йирик муаммолар пайдо бўлади?
3. Кўрсатилган йилларга келиб қандай оламшумул во-қеалар юз беради?
4. Шу йиллар ичида содир бўлиши керак бўлган йирик воқеалардан қайсылари содир бўлмайди?
5. Одамларнинг феълда қандай ижобий ўзгаришлар кузатилади, қандай янги фазилатлар, ҳислатлар пайдо бўлади?
6. Келажакнинг кўрсатилган даврларига бориб одам-ларда қандай янги камчиликлар пайдо бўлади?

жавоблари

677. **Нигора ОЙНАҚУЛОВА**, Тошкент обл.,
Айтилган йилларда ўсмирлар ўртасидаги жиноятлар камайидади.
704. **Юнусали КАРИМОВ**, Наманган обл., Мозоркўҳна қишлоғи.
2000 йилда ўрта ва баъзи олий ўқув юртини битирган студентларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал бўлади. Компьютер, роботлар бизнинг қишлоқларга ҳам келади.
2025 йилда одамларда ибтидоий тузумдаги сингари се-ники-меники деган нарса қолмайди, қорни тўқ бўлади.
645. **Аширнат ТОШТУРДИЕВ**, Тошкент.
Бу йилларда республикамизда сув танқис бўлиб қолса керак.
647. **Ирисхон ЖОМИРЗАЕВА**, Қашқадарё обл.,
2000—2025 йилларда авваломбор саводсизлик тугати-лади. Рак касаллигига даво топилади, «сариқ» касаллиги бўлмаслик учун зарур шароитлар яратилади.
648. **Тўланбой УЛМАСОВ**, Фарғона обл., Бувайда р-н.
Кўрсатилган йилларга келиб севимли «Пахтакор» ко-мандамиз олий лигада голиб чиқади. Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланади. Таниш-билиш, кўзбўямачилик, пора билан ўқишга кири-тишлар бутунлай барҳам топади. Ҳозирги вақтда пул, деб айрим одамлар бир-бирини ўлдирдишяпти, ўғирликлар қи-лишяпти, келажакда булар умуман йўқ бўлади.
642. **Муроджон ТУХТАНАЗАРОВ**, Андижон обл., Избос-кан р-н.
Шу йилларга келиб республикамиз иқлими таиғ ҳолат-га келади. Сабаби шуки, ҳозиргача ўлкамиз иқлими билан боғлиқ бўлган кўплаб адирлар бузиб юборилди ва яна бу-зилмоқда. Кўплаб сув омборларининг ҳам бунга таъсири бўлади.
- Учинчи жаҳон уруши содир бўлмайди.
652. **Жаҳонгир АБДУРАҲМОНОВ**, Қарши, ТошПИ сту-денти.
2000—2025 йилларда республикамизда фан-техника тараққиёти бошқа мамлакатларга нисбатан орқада қола-ди. Турғунлик йилларида олий ўқув юртларини битириб чиққан студентлар, ўша йиллар асорати онгига сингиб кет-ган мутахассисларнинг салбий таъсири асосан худди мана шу йилларга тўғри келади ва республикамизда фан-тех-ника тараққиётини жадаллаштириш йирик муаммолардан бирига айланади.
- 90—95 фонз пахта тўкмасдан териб оладиган машина яратилади.

Республикамизда чекувчиларнинг сони, айниқса қизлар ўртасида чекишга бўлган иштиёқ келажакдаги кўрсатил-ган йилларда ортиб кетади.

653. **Дилфуза ҒАЙБУЛЛАЕВА**, Наманган обл., Қорапол-вон қишлоғи.

Уша пайтга бориб ёшлар тарбияси йирик муаммо бўлиб қолади. Чунки «қуш уясида кўрганни қилади».

654. **Обиджон ХУДОЙҚУЛОВ**, Фарғона обл., Риштон р-н
2000—2025 йилларга бориб одамлар порахўр, ғийбатчи, мансабпараст, қўшиб ёзиш ва шу каби иллатлар нима экан-нини билмай қоладилар. Улар меҳр-оқибатли, билимдон, меҳнатсевар, хушфеъл инсон бўладилар, токсикоман, наркоман бўлмайдилар. Майиб-мажруҳ болалар туғил-майди, ҳамма соғлом бўлади.

Аммо қизлар орасида сочи узунлар қолмаса керак. Ке-лажакда узун сочи қизлар кўпайсин!

655. **Қодиржон НОСИРОВ**, Андижон обл., Пайтуғ шаҳри.
2000 йилда миллатлар бир-бирига яқинлашиб, одамлар интернационаллашиб кетади.

Юпитер йўлдошига автоматик станция қўнади, Марсда Совет космонавтилари илмий лабораторияси очилади. Ўзбек космонавтига эга бўламиз.

2025 йилда шаҳарлараро ер ости йўли тўла ишга туша-ди.

Республикамизда истиқомат қилиш мумкин бўлган 40 млн. аҳолини табиий озик-овқат билан таъминлаш муам-моси пайдо бўлади.

662. **Лола ЭШМАМАТОВА**, Самарқанд обл., Ишти-хон р-н.

Бу йилларда мактабларда бир сменада дарс ўтилади. Жамият онли кишилар жамияти бўлади. Одамлар меҳр-оқибатли, ҳалол, тўғрисиқ бўладилар. Ўз қаққини тўғри талаб қила оладилар.

663. **Абдумажид ҚОДИРОВ**, Наманган обл., Наман-ган р-н.

«Соф кислород қайдасан?» — муаммоси 2000 йилга бо-риб пайдо бўлади.

672. **И. РАЗЗОҚОВА**, Хоразм обл., Хонқа район.

2025 йилда порахўрликка, чайқовчиликка, гнёҳвандлик-ка, ароқхўрликка бутунлай чек қўйилади. Одамлар феъ-лида қувноқлик, уздабуронлик, фаҳмлилик, бир-бирини тўғри тушуниш каби ижобий ўзгаришлар пайдо бўлади.

679. **Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ**, Ленинобод обл., Уратепа р-н.

Республикамизда 2000 йилга бориб қизларимизнинг 40 кочил сочларини учрата олиш муаммо бўлади. Табиатде-ги лола, чучмома, бинафша каби ўсимликлар ҳам йўқолиб кетиши ажаб эмас.

Одамлар болаларни кўпайтирмайдилар. «Қаҳрамон она» унвонига эга бўлувчиларни топиш мушкуллашади.

706. **Тўлқин ПАРПИЕВ**, Наманган обл., Чуст.

Бизда кўп йиллар пахта ҳазрати олийларига сингини да-вом этди. Биз биламизки, монокультура шахсга сингини-дан ҳам ёмон. Менимча, шу муаммо айтилган йилларда ҳал бўлса керак.

Агар табиатга ҳозиргидек муносабатимизни давом эт-тирсак, касалликлар янада кўпайса керак. Яна бир йирик муаммо пайдо бўлса керак — бу сув танқислиги.

707. **Холназар ҲАҚҚУЛОВ**, Сурхондарё обл., Шўр-чи р-н.

Ўзбекларда қатор камчиликлар пайдо бўлади. Жумла-дан, маҳаллий шева устига, қардош халқларнинг 400 га яқин сўзларини қўшиб аралаш-қуралаш талаффуз қиладил-лар.

Одамлар ҳуда-беҳуда қайғурмайдиган, ичида кек сақ-ламайдиган, оқ кўнгил бўлиб қоладилар. Шу билан бирга узоқ ўтмиш ҳақида ўйламайдиган, ҳатто ўқимайдиган, фа-қат кундалик хилма-хил ахборот ва рекламалар шайдоси, айримлар олди-қочди гапларга қул бўлиб қоладилар.

709. **Гулнора НОСИРОВА**, Сурхондарё обл., Ленин йўли р-н.

2000 йилда республикамизда мактаб ислоҳоти тўла амалга ошмайди, чунки бизнинг сафимизда ўз ўрнини нотўғри танлаган «педагоглар» талайгина.

687. **Муҳаммад АБДИЛОВ**, Қашқадарё обл., Чироқ-чи р-н.

2025 йилда табиатнинг заҳарланиши, нефть, кўмир, газ конларининг камайиши одамларни ташвишга солади.

702. **Анвар НИЁЗОВ**, Шахрихон.

2000 йилга келиб республикамиз территориясида яша-ётган барча миллат вакиллари ўзбек тилида сўзлаша ола-дилар.

Пахта экиладиган пайдонлар кучсизланиб, пахта ҳосил-лий жуда ҳам камайиб кетади.

2025 йилга бориб республикамизда болалар ўлими ка-маяди, ёш хотин-қизлар ўзларини осмайдилар, ёқмайди-лар, умуман жонларига қасд қилмайдилар; йигитларимиз бакувват ва билимдон, рус тилида эркин сўзлаша олади-лар.

Одамлар кўпроқ роботлар билан мулоқотда бўладилар ва оилавий яқинлик йўқолади. Республикамизда болалар ўйларига тарбияланаётганларнинг сони ортади.

703. **Алишер УСМОНОВ**, Самарқанд обл., Ишти-хон р-н.

Менимча, мамлакатимизда шундай бир оқим, шундай бир тубан кишилар борки, уларни битта синф, яъни «Ҳай-воний очкўзлар» синфи деб аташ мумкин. 2000—2025 йилларга бориб қайта қуриш билан «ҳайвоний очкўзлик» оқими ўртасидаги зиддият ва кураш ҳали давом этаётган бўлади. У вақтларда тушимизга кирмаган камчиликлар рўй бериши мумкин.

688. **Улбўси УРОЗБОЕВА**, ҚҚАССР, Беруний р-н.

2025 йилга бориб одамлар анча-мунча ялқов, яъни ро-ботлар, ЭХМлар орасида кун кўрувчиларга айланиб қо-лмасмиканлар?

676. **Машҳура ЕҚУБОВА**, Фарғона обл., Киров р-н.

Кўрсатилган йилларга бориб одамларнинг феълда ҳаётга, яшашга янада чанқоқлик каби ижобий ўзгариш ку-затилади. Уларнинг қалбида фақат яхшилик уруғи илдиз отади, замонни қадрлаш, ўтмишни унутмаслик каби ҳис-латлар пайдо бўлади.

VI тур саволлари ва...

1. Уйлайманки, менинг ҳаётим...
2. Шундай қарорга келдимки, менинг тушунишимча, одамлар...
3. Ҳа, дунё...

жавоблари

203. **Обиджон ХУДОЙҚУЛОВ**, Фарғона обл., Риштон р-н, 5-ўрта мактаб ўқувчиси.
1... оқар сувга ўхшаб кетади.

90. **Ғани ХИДИРОВ**, Тошкент темир йўллар транспортни инженерлиги институтининг талабаси.
- 2... ўзига ўзи чоҳ қазувчи мавжудот.
201. **Суюн ҚОДИРОВ**, Қашқадарё обл., Муборак р-н, ВЛКСМ 60 йиллиги совхоз.
2. ... одамлар пулни, олтинни ўйлаб топгунларича биз орзу қилаётган коммунизмда яшаганлар.
232. **Сурайё ЗОИРОВА**, Самарқанд обл., Навоий р-н, Мўқимий номли 30-ўрта мактиб ўқувчиси.
1. ... тушкунлик ботқоғига тушиб кетган нозик бир ниҳол.
233. **Набижон УМЗОҚОВ**, Тошкент обл., Бекобод р-н.
1. ... сарсонгарчиликдан иборат; ҳаётимни бир измга солиш учун турли манбалардаги доноларнинг айтганларини бажариб кўраман. Лекин буларнинг ҳаммаси мен яшаб турган муҳитга ёқмайди, камгап бўлсанг — синфдош қизларингга, камтар бўлсанг — ўртоқларингга ёқмайсан.
224. **Хуббимтош РУСТАМОВА**, Самарқанд обл., Нурота р-н., Жуманбулбул номли совхоз.
2. ... одамлар ўртасида меҳр-оқибат иплари бўшашиб борапти.
170. **Уролбой УРОЗОВ**, Самарқанд обл., Нурота р-н, 41-мактаб.
1. ... курашларга тўлиб-тошган бўлади. Синфсиз жамиятда кураш? Ҳа, кураш! Синфий табақа даражасига етаётган бюрократлар билан кураш! Қайта қуриш душманлари, порахўрлар, ахлоқсизлар — ҳирсу ҳавас бандалари билан кураш! Халқ ҳўжалигини қайта қуришни билмаётган калтабин ҳўжалик раҳбарлари, турли-туман мешчанлар билан кураш! Шунингдек, одамлар феълидаги қусурлар ҳамда даҳшатли душман — лоқайдлик билан кураш! Моддий, маънавий қашшоқликларга қарши кураш! Айниб бўлган авлоддан умид кам. Уқувчиларимнинг пок онги ва мустақил фикрлаши, тарбияли, камолга етган ўзбек бўлиши учун кураш! Мен экологик танглик ва монокультура — миллий фожиамизга қарши курашурмен!
200. **Муҳаммад АБДИЛОВ**, Қашқадарё обл., Чироқчи р-н, 93-ўрта мактаб ўқувчиси.
3. ... дунёга ҳеч ким тушунмайди. Одамлар дунё учун талашдилар, тортишадилар ва ўлиб кетадилар, дунё эса барибир мангу қолаверад.
229. **Улбулсини УРОЗБЕКОВА**, ҚҚАССР, Беруний р-н, Беруний совхоз.
3. ... жуда қизиқ яратилган. Кимдир қувончдан не қиларини билмай севинч ёшларини тўкса, кимдир қайғуга ботиб, эзилиб юм-юм йиғлайди. Лекин, дунё ҳам боққанга боқармиш...
120. **Мунаввар ҲАЙИТҚУЛОВА**, Сирдарё обл., Комсомол р-н, «Москва» совхоз.
1. ... болаларсиз мутлақо қизиқ бўлмайди. Узим ҳам болалар дунёсидан ўсмирлар ҳаётинга қадам қадам қўйган 14 ёшли қиз боламан. Ҳайронман, менда бу туйғу қачон пайдо бўлган экан!..
110. **Дилшод РУСТАМОВ**, Тошкент автомобиль йўллари институтининг толиби.
3. ... бозор экан. Шовқин-суронга тўла, катта, чексиздай туюладиган бозор.
158. **Зулайхо САФАРОВА**, Хоразм обл., Гурлан р-н, Гулистон совхоз.
2. ... шундай ҳам пакана бўлиб қоладими, янтоққа нарвон билан чиқиш эҳтимоли ҳам бор.
1645. **Исмомил СОДИРОВ**, Самарқанд обл., Нурота р-н, Янгибино қишлоғи.
3. ... жуда гўзал. Ҳақиқий инсон элини ва элдошини ўйлайди.
204. **Мавлуда НАРИМОНОВА**, Сирдарё обл., Ильич р-н, ўқитувчи.
1. ... Ҳаётимда турли одамларни учратдим. Ҳозирги ёшларнинг ҳар 100 тасидан 30 тасини ақлли, зеҳли, одобли десак бўлади.
2. ... нинг кўзи кеч очилапти!
144. **Орзугул ШАМСИЕВА**, Самарқанд обл., Пастдаргом р-н, Куйбишев номли колхоз.
1. ... болалигим турғунлик йилларидан бошланди. Қайта қуриш даврига тўғри келганда бугунгидан баркамолроқ бўлармидим... Болалигим тупроқда, пахта ичида ўтди. Биз «оловқалб ёшлар» ўқишни «қалб амри» билан гўза ятанасига, гўза чопиғига, пахта теримига алмаштирдик. Китоб ўқишга вақт тополмадик. Замонавий мактабда ўқиш биз учун ҳаёл эди...
2. ... ўз ҳақини талаб қилишни ўрганиптилар. Истеъодларни эъозлашга одатланиптилар. Шунингдек одамлар орасида ҳурмат, меҳр, вафо, ишонч йўқолмақда...
3. ... мўъжиза! Мен ўйлагандан мураккаб!..
197. **Одил ХОЛМУРОДОВ**, Қашқадарё обл., Деҳқонобод р-н, ўқувчи.
2. ... шарм-ҳаёни унутиб қўяётганга ўхшайди.
450. **Марҳабо ДЕҲҚОНОВА**, Наманган обл., Поп р-н, Ғурумсарой қишлоғи.
1. ... курашдан иборат бўлади!
2. ... қайта қуришни энгил-елпи тушунмоқдалар.
3. ... мири кам экан. Бўлмаса шундай замонда совун, дафтар, кундалик дафтар йўқлигини қандай изохлаш мумкин?..

БАХТИЛИ

ҚИЛАЕТ

(кечмиш)

Гапнинг очиги — бундай санамни, бундайни гўзални орзу қилиш мумкин, холос... Нигоҳлар учрашганда, аъзон бадамин қалтираб, юрагим кинидан чиққудай бўлиб дўпирлай бошлади. Э, воҳ!..

Илк бор шаҳарга келганимда, шундай «санъат асарлари»ни кўриб, «Наҳотки, шулар ҳам бола турғса» деб ҳайратланардим.

...Кенг уфққа уланиб кетган пахтазорларга вагон деразасидан кўп бор термулганман, кўзимда қатра ёшсиз юм-юм йиғлаганман. Уйчан далаларда гўзанинг қулоқларини чимдиб юрган қишлоқ қизларини кўриб, уларнинг эрта тонгдан то шомгача тинмасдан қўшиқ айтишидан йиғлар эдим.

Уйга етиб борардим, шоқалоқлашиб кетардим, ҳамқишлоқларим мени озода ва саришта кийимда кўришларини истамас эдим. Кўзи тўрт бўлиб ўтирган онамининг ачом-ачомларидан сўнг, эски, сал калтароқ чалворимни киярдим, укамнинг энги тўзғиб кетган кўйлагини эгнимга илганимча, хотиржам, ҳамқишлоқларим билан учрашгани чиқардим. Бу аҳволимни кўриб укам алам билан сўкинади, синглим ранжиб лаб буради: улар мени қишлоқ аҳлига қўғирчоқдай башанг кўрсатишмоқчи бўладилар...

Қуёшда қозондай қорайган жўраларим бирин-бирин бўй кўрсатишади. Азамат қучоқларига олиб меҳрибонлик изҳор қилганларида, ковурағларим қисирлайди, кўзимдан ёш чиқади, зўр-базўр нафас олганимча йўталиб, ҳол-аҳвол сўрайман. Уларга қўшилиб бесўнақай қадам ташлашга интиламан аммо нозик қоматим, салқинда оқаринқараган юзларим улар сафида тенг ҳуқуқли қадам ташлашга имкон бермайди. Бошларига оқ дурра ташлаган қишлоғим қизлари — йигитларникидай барваста қўллари билан бир-бирини туртишади, менга ишора қилиб томоқ қиришади. Енимдаги девлардан бири эса: танла, шаҳарлик, аммо булар жуда етилди-да, дейди. Яна бири айиқдай талпанглаб бориб, қийқиртирганича қизлардан бирини даст кўтариб келади: мана буниси, жуда тўлибди-да, кўзини қара, ёняпти, ўзиям — ўнта тугиб беради. Мен довдираганимча зўрга овоз бераман: қўйвор, нодон! У қўйворади, чунки улар мендай ўқимишли одам фақат тўғри гапирари, деб ўйлашади.

Ҳаёлим тупроқли йўлни чангитиб, қийқираганича кетаётган қизлар билан елади. Қондай кўйлак кийиб, аскарча этикларда шаҳдам одим отаётган қизларни тасаввурим етганича пардозлашга ҳаракат қиламан. Афсуски, этикка мосланган бакуват оёқларга башмолдоқдай келадиған фаранги бошмоқлар эриш туюлади. Бу ёнидан қарасанг, у томони яққолроқ кўринадиган хинду либослар ярашмайди. Шу фурсатда юрагимда бир буюк меҳр уйғонганини ҳис қиламан. Бу — ҳалигина менга тақдим қилинган, кўзлари тундан-да қора, келажакда ўнта фарзанд ҳада қилиши мумкин бўлган қишлоқ қизига бўлган муҳаббат туйғуси бўлса керак...

Дарвоқе, ҳамон ҳаёлга ботиб турар эканман, рўпарамдаги ҳалиги офатижонга термилиб турардим. Қизиқ, у ҳам ўша кўйи мендан кўз узмас эди. Ҳижолат бўлиб терлай бошлайман, азбаройи қизганимдан бошим қичий бошлайди. Катта кўчада бош қашлаш, албатта, мириқиб қашлаш — одобдан эмас, бунинг устига кўлимдаги хуржунда тўла сарёғ бор. Ахир, мен қишлоққа кетяпман, ишонмасангиз, мана — чўнтагимда поездга билетим бор. Сарёғ эса иссиқдан тез бузилади. Мен ўша жононнинг, фавқуллодда танишиб қолган тақдиримизда: халтада нима бор, деб сўраб қолишидан чўчийман. Албатта, очик айтиш мумкин: онам

тайинлаб юборган эди, шунинг учун кўпроқ ола қолдим — куйдириб олишса, анчага етади. Аммо бу жавобнинг ҳам бир қалтис томони бор. Бу жавобим билан қулғу бўлишим ҳам мумкин. Шаҳардан қишлоққа ҳам сарёғ олиб борадим?! Одатда — сарёғ қишлоқда тайёрланади-ку! Агар бу нозик гўзалининг ўрнида ўзимизнинг қақилдоқлардан бири бўлганида, ҳеч қачон қулмас эди, аксинча, мақтаган бўларди, ҳар қалай мендан рўзгорбор эр чиқишига кўзи етарди, чамамда.

Албатта, бу жонон мен билан дастурхон устида ҳаёл суришга ярамайди. Турган гап унинг аччиғи келади: шу ҳам ҳаёт бўлди-ю, дейди ва шаҳарга қараб жўнаб қолиши мумкин. Устига-устак унинг нозик оёқчалари аскарча этикка ўрганмаган — ярим соатда қавариб чиқади. Тўғри, ёрининг, айниқса, севимли ёрининг қаварган оёқларини силаб ўтириш — ёқимли иш-ку, аммо онам нима дейди. Япон аёллариникидай кабарик қа-воққа эга бўлиш учун тушгача астойдил ухладиган бу париваш онамга маъқул келармикан?! Хуллас, танишишдан чўчиб турибман. Танишган тақдиримизда ҳам, энг аввало бола-чақага тоби қалай, шуни билиш лозим, битта тугиб, бир йил касалга чалиниб қоладиган бўлса чаток.

Хуллас, танишмаган маъқул. Бу жононни касалхонага ётқизиб қўйиб кунда овқат ташигандан, ўзимизнинг чиниқиб кетган қорамангизларга тўғриқхонага чой дамлаб бориш тузуққа ўхшайди.

...Ниҳоят, у кутиб зериқди. Қиз келмади. Шундай қилиб, бизлар учрашмадик, онамга шаҳарлик келин насиб қилмади.

Ҳаёлга чўмиб вақтдан ютказганимни англадим, билет олиш бахти насиб этадим ҳали, поезднинг эса жўнар вақти яқинлашиб қолибди. Энди тезда вокзалга учиб керак. Аммо, таксига ҳемири йўқ, трамвай эринмай имиллайди. Тинмай соат сўрайман. Келишилгандай ҳамма соатлар бир хил юради. Узимники дуруст эди, бир оз орқада юрарди, ҳар қалай поездга улгириб борардим. Учакнишгандай қадрдон соатимни ҳам тикилинча кимдир ечволибди. Мана, ниҳоят, вокзалга ҳам етиб келдим. Хуржунимни кўтарганимча поездга югураман, афсуски, поезд аллақачон жўнаб кетибди...



Рустам ЭРГАШЕВ — Наманган область Норин район Ҳаққуллоб шаҳрида туғилган. Ўқитувчи.

РЕДАКЦИЯДАН: «Олтин фасл орзуларининг 6 тури мобайнида жуда кўплаб дўстлар орттирдик, янги-янги мулоқотлар ўрнатдик. Саволларга йўлланган юзлаб, минглаб жавоблардан эса ўрта ҳисобда 40—45 фоизини журнал саҳифасига олиб чиқа олдик, холос. Шу маънода исм-шарифи тилга олинмаган муштарийларимиз имкониятимизни тўғри тушунадилар деган умиддамиз.

Дил сўзларини хатга туширган журналхонларимизга миннатдорчилик изҳор қилиб Сизларнинг номингиздан редакция билан ҳамкорликда иш олиб борган психология фанлари номзоди Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВГА ташаккуримизни изҳор этамиз.

ЖУРНАЛ НОМИНИ ЎЗГАРТИРАМИЗ

Кимнинг қандай таклифи бор?

Ушбу сарлавҳани кўрган кўплаб муштарийларимиз дарров сергак тортган бўлсалар ажаб эмас. Чунки «Еш куч» атамасини ўзгартириш ниятимиз борлигини журналнинг шу йилги 1-сонида маълум қилган эдик. Унга жавобан турли таклиф-мулоҳазалар битилган 1600 дан ортиқроқ хат олдиқ. Аксари хатларда ўнлаб муштарийлар имзоси борлигини эътиборга олсак, ҳар бир хатда биттадан то 30—40 тагача ном санаб ўтилганини ҳисобласак журнал номини ўзгартириш ё ўзгартирмаслик нечоғли кўпчиликини қизиқтиргани кўринади.

Мактуб муаллифларини истакларига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи — журнал номини янгилаш тарафдорлари. «Еш куч» ёшларнинг энг сеvimли журналларидан бирига айланган десак муболага бўлмаса керак, лекин журналнинг номи ҳақиқатдан ҳам ўзига мос эмасдай туюлади» деб ёзади Самарқанднинг Каттакўрғон районидан халқ депутатлари Гирдиқўрғон қишлоқ Совети ижроия комитетининг масъул котиби Муродулло Сафоев. — Журнални «Камалак» деб аташни таклиф қиламан.

«Sevimли журнализмнинг номи ўзгаришини эшитиб жуда сеvimдим,— дейди Самарқанд область Пахтачи районидан Хилола Мухторова. — Чунки кўпчилик «Еш куч» деган жумлани спортга тааллуқли деб ўйлайди. Мен журнал «Даъват» деб аталишини истар эдим».

Фарғона давлат Педагогика институтининг ўқитувчиси Орифжон Умаржонов ҳам шу фикрда. У киши журнални «Еш куч» деб аталишидан кўнгли тўлмаслигини таъкидлаганлар, «Машғал» деб номлашни таклиф этганлар.

Ленинбод область Конибодом районидан муаллима Фотима Зулфиконова журналга ном танлашни чақалоққа исм қўйишга ўхшатади. «Бизнинг «Еш куч»имиз 4-йилга қадам қўйяптию, ҳаракатдаги зунқолик номига тўғри келмапти» деб фикр изхор этади.

Самарқанд область, Пахтачи районидagi 13-ўрта мактаб директор ўринбосари Қаҳрамон Норбоев жиддий талаб қўйганлар. У кишининг мулоҳазаларини айнан келтирамиз.

«Еш куч» журнали нашр этилиши ҳақидаги хабарни эшитган бир танишим «Эшитдингизми, спортининг журнал чиқарилармиш, ўзбекча, номи — «Еш куч», деб мени огоҳландирди. У киши анча эътиборли одам бўлганидан айтганини ростга йўйиб юривдим. «Еш куч» қўлимизга келиб тегди. Қарасам, тамоман янги олам! Аммо, назаримда, номлаиши «Спортиний»дан кўра Буюк Инқилобнинг дастлабки кунларидаги номлаишларга ўхшаб эшитилди: «Қизил аскар», «Қизил қўшин», «Қизил нишон», «Янги ҳаёт»... «Еш куч!»

Шундай ажойиб журналимиз бор-у, номи сал ёпишмайроқ турибди-да, деган ички эзилиш билан юривдим, «Журналнинг номини ўзгартирамиз» деб қолдингизлар. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам, сеvimли журнализмни «Камалак» («Радуга») деб номлашни, ёзув ҳам камалак жилосида акс этиб туришини таклиф этаман».

Фарғоналик халқ маорифи аълочиси А. Эгамбердиев («Камалак», «Олмос», «Машғал» номларини таклиф этганлар), В. Мамадалиев («Камолот»), «жиззахлик Ш. Сувоқилова («Юлдуз»), наманганлик С. Самандаров («Камолот»), Қизил тепа шаҳаридан — «Қизил тонг» газетасининг муҳаррири Р. Максудов ва муҳаррир муовини Б. Эгамов («Елқин»), Сурхондарё область Шўрчи районида яшовчи Турдиевлар оиласи («Елқин»),

андижонлик Р. Қодиров («Орзу»), Фарғона Тўқимачилик комбинати йтигувчилар бригадирини Робия Эргашева («Гулшан»), Ленинск шаҳридан Ф. Урмонов («Уйғониш»), тўрткўллик уй беvasи Х. Машарипова («Адолат») ва бошқа аксари муштарийлар ўзларига ёққан номни ёзиб юборганлар. Бухоро область Қорақўл районидagi 53-мактаб ўқитувчиси Орифжон Воҳидов ҳам эмас-кўп эмас 80 та номни ёзиб юборибдилар. Улар орасида «Олмос», «Толе», «Хилол», «Тахайюл», «88» (морзе алифбосида «мен сени севаман» деган маънони англатади), «15—25» (журналхонларимизнинг ёшга ишора) сингари номлар диққатга сазовор.

Иккинчи гуруҳ мактуб эгалари журнал номи шундайлигича қолишини талаб қилганлар. «Журналнинг номи сизларга қандай халал берипти? Уан яхши-ку» деб ёзибди Наманган область Задарё районидан мактаб ўқувчиси Ерқиниё Ханафияева.

«Еш куч» атамасининг ўзгартирилишига бутун оила аъзоларимиз билан қаршимиз» дейди Жиззахлик Баҳодир Юсупов.

Ленинбоднинг Ашт районида истиқомат қилувчи Шарбой Тўйчиев журнал номининг ўзгартирилишини эшитиб хафа бўлганини яширмай ёзибди.

Ғаллаорол Қишлоқ хўжалик техникумининг бир гуруҳ талабалари ҳам шу фикрдалар. «Журнални ҳамма сеvim ўқийди. Агар номи янгилаинса вақти келиб у ҳам эскиради. Нима, ўшанда яна янги ном қўйяладими?» деб ўз муносабатларини билдирганлар улар.

Хатлар «хирмони»ни кўтарсак ушбу фикр тарафдорлари ҳам талайгина экан. Чунончи У. Турсунматова (Тошкент), Ш. Турсоатова, З. Умаров, Н. Ғаниев, Ғ. Бердиев, Х. Қосимова, С. Ҳайдаров (Қашқадарё), Ш. Ишонов (Сурхондарё), М. Ашурова (Тожикистон), З. Аширова, Г. Саидумарова

(Фарғона), Н. Синдоров, Р. Унаров (Жиззах), В. Халилова (Қўқон), Д. Абдуллаева (Андижон), Г. Сапаева, Г. Отажоновна (ҚҚАССР) ва бошқалар журнал номини ўзгартирмаслик тарафдорлари.

«Журнал номи «Еш куч»лигича қолсин. Утган йили синфдошларимизнинг ҳаммаси «Еш куч»га обуна бўлишди. Деворий газетамизни ҳам «Еш куч» деб номладик. Ҳозир келгуси йил учун обуна бўляимиз. Виз сеvimли журналимиз номи ўзгаришини истамаймиз.

Фарғона область, Бувайда район, 15-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Тўланбой УЛМАСОВ.

Табий редакцияга келган мактубларнинг барчасидан намуна келтирмаймиз. Хулоса қилиб айтсак: журналхонлар таклиф этган «Уйғониш», «Даъват», «Бирлик», «Хилол», «Олмос», «Камалак» сингари атамалар «Еш куч»га нисбатан оҳангдорроқ, замонавийроқ, мазмунан тиракроқ эканлиги билан маъқул келади. Бироқ хат йўллаган муштарийларнинг қарий ярми кўз ва қулоқ кўниси «Еш куч» ўзгартирилмаслигини сўраганлар. Хатто фарзанд улгайгани сайин унинг номи ўзгартирлавермаслигини эслатиб таъна қилишгача борганлар.

Начора, журнал тахрир хайъати, редакция ходимлари орасида ҳам «Еш куч»ни ўзгартирмаслик тарафдорлари устувлиқ қилишди. Яъни, ЖУРНАЛ НОМИ ЎЗГАРТИРИЛМАЙДИ! Лекин, бу, биринчи гуруҳ тарафдорларининг фикр-мулоҳазалари мутлақо эътиборсиз қолади деган гап эмас. Уларнинг истаклари келгусида асқотиши ҳам мумкин...



Мен Самарқанд область Иштихон районидagi Куйбисев номи колхозининг Янгиер қишлоғида яшайман. «Еш куч» журналининг ҳар бир сонини жуда қизиқиш билан ўқиб бораман.

Сизлардан илтимос, журналнинг сизнинг навоёздаги сонларида «Спорт» сорақининг гаровидир» номи маъзу бўйича мақолалар бериб борадилариниз. Спорт турғусида саҳифа очушинингизни сўрашганимиздан маъсул, номи улар республикамиз қишлоқ жойларида яшайдиган ёшларнинг қўнчилиги спортга жуда қизиқишади, лекин афсуски спорт билан шугулланишига ҳеч қанақа шароит яратилмаган.

Ана шунинг учун ҳам ёшларнинг қўнчилиги жисмонан таъбир эмаслиги ва рус тилини яхши билмаганилиги сабабли армия сафида ўз илгирлик бурчини қўришти боғловчиларда бажариб кетишади. Менинг ўзим ҳам спортга жуда қизиқман. Хурматли «Еш куч» журнали ходимлари! Сизнинг сизга йўллаган мактубимизни инобатга олиб ўз журналнингизда спортга бағишланган саҳифа ёригиб борадилариниз, спортга қизиқдиган қишлоқ ёшларига, айниқса армия ёшига яқинлашиб бораётган йилгиларда озгина бўлса ҳам ёрдам бўлса ажабмас.

Ахир инсоният косожага қадим қўйилгангизга неча йиллар бўлиб кетди. XXI аср оstonсизга қадим қўйишга яқинлашиб бораётганимиз-ку!

Нарзullo ХУДОЙБЕРДИЕВ

Афғонистондан хат

«Сизнинг ўзинингиз Абдуҳалим ўз бурчинини бажараётган қисм кўмондонлиги шунини Сизга чуқур қайғу билан маълум қилади...» Мактуб шу ердан келганда ота билан онанинг кўзлари хирлашиб, юрагида бир нима уйлганлиги, еру осмон чирпырак бўлиб, ранглар қоршиб борлик зулмат кинда қолганлиги аниқ. Халқимиз «Кора хат» деб ном қўйиб олган бу хатнинг қиммиши ўзи шу. Минг афсуски у орадан шунча йил ўтгач, боши эзилмаган қора минодек яна хонадонларга, юракларга урмалаб кирди. Яна не-не юракларни хасталади. Хатни ўқийди давом этмази: «...жангчилар душманни ўраб олиб ўт очдилар. Лекин душман хушёр эди — шиддатли жанг бошланди. Раёвой Исмаилов Абдуҳалим Лоқчиновни қўлай позицияни эгаллаб ўт оца бошлади. Унинг жойи энг қийин нуқталардан эди. Душман уша ердан халқани ёриб чиқмоқчи бўлди, ундасдан чиқолмади. Ўзининг каттик яраланди, лекин жанг майдонини ташлаб чиқмади. Душман йўқ қилинди. Абдуҳалим госпиталга олиб келинди. У шу ерда 1986 йил 16 март соат 9 дан 30 минут ўтганда халок бўлди...»

Абдуҳалим ўша машғул 9 дан 30 минут ўтгунча тирик эди. Уша дақиқача унинг атрофидаги халқ широпалар ҳам, оғир жангдан кейин кўнглига уйқу келмай, тўнгангаётган дўстлари ҳам унинг сафга қайтишига умидавор эдилар. Аммо... Ха, битта йилги бавақт қирчинидан қийилди. Машаққатли яшаш йўлининг олис мезгилларида отланган турғиллар каторидан хато бўлди...

Бизнинг Андижон область Избоскан районидagi 29-мактаб ўқувчилари: «Халқийинсонлик доворак комсомол, интeрнационалист жангчи Исмаилов Абдуҳалим билан чин юракдан фахрланамиз» деб айтишмоқда. Пионер отрядининг номи ва қишлоқ кўчаларидан бири жангчи номи билан аталди.

Раҳимжон МУЎДИНОВ

ХАЛҚ

Она алласини эшитмаган бирорта бола топилади? Алланинг сеҳрли эркалаши, лаззат ва ороми бизга қанчалар ҳузур берган, мурғак кўнгилларга не-не эзгуликларни солган? Ёки маҳалланинг болалар гўжгон ўйнайдиган жойларида топишмоқлар айтишган онларингиз ёдингиздадир?! Буви ва бобожонларингиз айтиб берган уч оға-

ДУРДОНАЛАРИНИ

ини ботирларнинг қахрамонликлари, уларнинг кўркмас ва тadbиркор эканлиги, абжир ҳаракатлари ўзига ром этмаганми сизни? Уша қахрамонимиз маккор ва ёвуз душман қўлига тушиб қолганида ўзингиз ҳам безовталангансиз, эҳтимол уларга шу дамнинг ўзида ёрдам бера олмаганингиздан изтироб ҳам чеккандирсиз?!
Аммо не-не машаққатларга бардош бериб, олдига қўйган мақсадига эришган қахрамонни кўриб юрагингиз севинчларга тўлган, уларнинг «мурод-мақсадларига етиши» сизни ҳам шодлатирган. Устоз шоиримиз Ҳамид Олимжон айтганидай шундай мисралар бор:

*Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир қилган ҳиссаси,
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди...*

Дарҳақиқат, шундай. Буларнинг барчаси фикримизни тортиб, ҳавасимизни орттирар эди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодига мансуб. Энг аввало «оғзаки ижод», «халқ оғзаки ижоди» деган тушунчаларни аниқлаб олайлик. Бу тушунча «фольклор» атамаси билан ҳам юритилади. «Фольклор» инглизча «фольк» — «халқ», ҳамда «лор» — «донолик» сўзларидан олинган. Демак у «халқ донолиги», «халқ доношмандлиги» деган маъноларни англатади ва халқ яратган ижоднинг барча турларини: оғзаки поэзия ва проза асарлари, халқ мусиқаси, турли-туман ўйин (рақс)лар, халқ наққошлиги ва бошқаларни қамраб олади. Тор маънода эса у халқнинг оғзаки сўз санъатини билдиради.

Оғзаки ижоднинг бош хусусияти унинг оғиздан-оғизга ўтиб яшашида. Бундан юзлаб, минглаб йиллар олдин яратилган мақол, топишмоқ, қўшиқ, дoston ва бошқа жанрларнинг ҳозиргача етиб келишига ҳам сабаб шу. Уларнинг бир ёки икки киши алоҳида тарзда эмас, балки бутун бошли халқ яратади. Шунга кўра уларни муаллифи бир кишига нисбат берилмасдан аноним деб ҳисобланади. Халқ ижоди ҳақида гап борганида «фалончининг қўшиғи», «фалончининг му-

зикаси» дейилмасдан «халқ қўшиғи», «халқ мусиқаси» деб юритилади.

Фольклор асарлари, одатда бир неча вариантларда мавжуд бўлади. Айни халқ мақоли Ўзбекистоннинг турли областларида ҳам республикамиздан ташқарида яшайтган турли ўзбеклар орасида ҳам бир неча вариантларда учраши кўп кузатилади. Қўшиқлар, термалар, топишмоқлар, тез айтишлар, лапарлар, эртақ, афсона, ривоят ва бошқа жанрлар ҳақида ҳам шундай дея оламиз. Бу нарса ҳажман катта бўлишига қарамасдан ҳатто дostonлар эрасида ҳам кенг ёйилган. Виргина «Алпомиш» дostonининг қирқдан ортиқ

вариантлари мутахассислар ихтиёрида турибди. «Гўрўғли» дostonининг эса юздан ортиқ вариантлари мавжуд.

Халқ оғзаки ижодини яратишда «халқ» тушунчаси таркибига кирувчи барча ижтимоий қатламлар иштирок этади. Улар катта ёшли кишилар, болалар, эрақлар, аёллар, бойлар ёки камбағаллар... бўлиши мумкин. Шунга кўра катталар фольклори, болалар фольклори, аёллар фольклори деган айирмалар юзага келган ва айни

ЎЗЛАСИМИЗ

пайтда булар фольклорларнинг яратувчиларини ҳам кўрсатиб туради.

Халқ оғзаки ижоди айни пайтда халқ тарихининг ойнаси ҳамдир. Унда шу халқнинг орзу-ўйлари: умиди, қайғу ва ҳасрати, шодлиги, шунингдек, урф-одатлари, тасаввур ва эътиқодлари ҳам акс этади.

Дастлабки оғзаки ижод дурдоналари инсоният бир-бири билан сўзлаша оладиган даврлардаёқ юзага келган, деган тахминлар мавжуд. Аммо уларни қайд этиш ёзув билан боғлиқ бўлганлиги табиий. Ёзув эса оғзаки ижодга нисбатан жуда кеч пайдо бўлган. Бундан минг йиллар олдин халқ оғзаки ижодида (туркий халқларда) мавжуд бўлган айрим намуналарни бобокалон олимимиз Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғат иттурк» китобида ёзиб қолдирган. Унда кўплаб мақоллар, афсоналар, қўшиқлар, қахрамонлар дostonларининг парчалари мавжуд.

Демак, оғзаки ижод дурдоналарини тўплаш ҳам минг йиллик тарихга эга. Аммо уларни чуқур илмий асосида йиғиш, нашр этиб кенг жамоатчиликка етказиш Улуғ Октябрь шарофати билангина кенг йўлга қўйилди.

Ҳозиргача ўзбек олимлари томонидан юзлаб

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ

китоблар босиб чиқарилди, яна кўплаб китоблар босмага ҳозирланапти. Бу йўналишдаги ишлар давом этаверади.

Босиб чиқарилган китоблар — ўзбек халқи яратган оғзаки ижод хазинасининг барчаси эмас. Уларнинг катта қисми ҳалигача ёзиб олинган эмас.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт ҳамда Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлэмалар институтининг фольклор бўлиmlари, Тошкент ва Самарқанд Давлат университетлари ҳамда республика педагогика институтларининг филология факультетлари ҳар йили махсус экспедициялар уюштириб халқ оғзаки ижодини тўплаш билан шуғулланади. Аммо уларнинг кучи ҳам, вақти ҳам чегараланган. Бу ишда, қадрли болалар, Сиз яқиндан ёрдам беришингиз мумкин.

Турли давраларда, тўй ва маросимларда, ўйинлар пайтида ҳалигача ёзиб олинмаган мақол, матал, эртақ, афсона, нақл, қўшиқ ва дostonларни эшитсангиз, уларни албатта қоғоз ёки магнит лентасига туширишга ҳаракат қилинг. Уларнинг илмий қимматини йўқотмаслик ҳамда келажақда турли мақсадларда фойдаланиш имконини ҳосил қилиш учун айрим эслатмаларни ҳавола қиламиз.

Бу ишда сизга катталар: ота-оналарингиз, ака ёки оналарингиз, мактаб ўқитувчилари, комсомол ва пионер ташкилотлари, студент ёшлар яқиндан ёрдам беришлари мумкин. Ёзиб олаётганингизда айтивчининг номи, фамилияси, ёши ва жинсини кўрсатиш. Унинг яшаш жойи (адреси) албатта қайд этилиши лозим.

Ёзиб олаётганингизда сўзларни имкони борича айтивчининг талаффузига таяниб қайд этинг. Сизнинг чиройли ва хатосиз ёзишингизга ишонамиз.

Сиз ёзиб олиб бизга юборган энг яхши намуналарни журналимиз саҳифаларида эълон қилиб борамиз.

Қадрли болалар!

Мен қишлоқда яшайдиган бир неча укалар ва жиянларим билан хат ёзишиб тураман. Улар орасида Аниса ва Асила деган қизлар ҳам бор. Улар Тожикистон ССР, Ленинобод областидаги Оқжар қишлоғида яшади. Аниса саккизинчи, Асила эса тўртинчи синфда ўқишади. Улар ёзган хатларида болалар ўйинлари («Тўптош», «Оқ терак-ми кўк терак?», «Арғамчи», «Қувла-мачоқ») айтиладиган қўшиқлар ва шеърларни, топишмоқ ва тез айтишларни ҳам ёзиб юборишди. Мана улардан айримлари:

*Кавказ билан Қиримни,
Сиз биласиз сиримни.
Агар руҳсат берсангиз
Бошлаб берай шеъримни.*

*Стул устида конфет,
Емайсизми, акажон,
Витта сурат сўрасам,
Бермайсизми, акажон?!*

*Телевизорни бурасам,
Гуллар билан ўрасам.
Энди руҳсат берсангиз,
Сизга салом йўлласам...*

*Қурбон ака от сопти,
Отга миномлай қопти.
Хурсан(д)хони(нг) дастидан
Кўчага чиқолмай қопти.*

*Аличани айриси,
Бугун жума мажлиси,
Мажлисига бормаса,
Суд қилади раиси...*

Қадрли журналхонлар!

Сиз болалар ўйинлари ҳақида ёзмоқчи бўлсангиз, бу ўйинда иштирок этувчиларнинг сони, уларнинг бурч ва вазифалари, ўйиннинг бошланш, давом этиш ва тугаш тартиби ҳақидаги, бу ўйиннинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда ўтказилишини, шунингдек, ўйин давомида қўлланган сўз, қўшиқ ёки шеърларни ҳам батафсил ёзиб юборинг.

Бокижон ТУХЛИЕВ,
филология фанлари кандидати.



Сўзлар ва Ҳаёт

Редакцияга ҳар куни юзлаб хат келади. Ҳар бирининг ўз дарду қувончи, ҳаяжони бор. Уларни кўнгил кўзгуси, инсон қиёфасининг чизгилари, деб қўлга оламиз. Оламузу муаллифларнинг ким эканлигини, билими, диди, савияси қандайлигини улардан шундоққина билиб оламиз. Бу гал кўнгил эркига тизгинини бериб, эркидан айрилган, ҳаётда ёлғизланиб, ўз ёғига ўзи қоврилган айрим қизларнинг хатлари эътиборимизни тортди. Аслида, булар — биз кутган хатлар эмас эди. Наҳотки ёнимизда биз билан бир ҳавода нафас олиб, шунча қийноқларини, изтиробларини яшириб юра олган қизлар бор бўлса! Хатларни ўқир эканмиз, ҳайратларимиз чигал ҳаёллар билан қоришиб, кайфиятимиз тушиб кетди: «Олтинчи синфда ўқир эдим. Уйимизда ҳеч ким йўқ пайтда акам мени мажбурлаб номусимга тегди. Шундан бери уч йил ўтди. Уйда ҳеч ким йўқлигида акам мени қийнашни давом эттириверади. Буни кимга айтишни билмайман. Сурхондарёлик Д... «Бир куни холамниқига кетаётганимда йўлимни икки бола тўсди ва қизлик ифратимни поймол қилди. Ушанда бешинчи синфда ўқир эдим. Уйга қайтиб ота-онамга айтишга қўрқдим. У болалар ким эканлигини ҳам ҳанузгача билмайман. Орадан тўрт йил ўтди. Улғайган сари бот-бот ҳаёлим ўша воқеага кетаверади. Шунинг учун ҳам жуда парижонхотирман. Айтинг, нима қилай? Фарғоналик С...»

Йўқ, кўз ёшлар билан битилган, номлари, адреслари аниқ айтилмаган қизларнинг хатлари чиндан ҳам биз кутган хатлар эмас! Булар бамисоли сизни ҳар қадамда таъкиблайдиган, бедаво беморнинг сўнгги тўлғоғи, «нима қилай?» деб турган мулзам нигоҳнинг сўроғи... Беихтиёр қачонлардир кўрган бир фильм ёдимга тушиб кетди. Унда хат муаллифлари ёшидаги ўсмир қиз акасининг дўстига енгилтаклик қилади. Номмақул бу хатти-ҳаракатлардан орланган йигит уни машинасида сайр қилдириш баҳонасида шаҳар чеккасига олиб чиқади. Ва «мана сенга оташ бўсалар, мана муҳаббат» деб бир-икки тарсаки қўйиб юборади. Афсуски, қизларнинг ҳаётини барбодлаган, ёшлигини хазон қилган ўша йигитлар бундай иродадан, ақлу идрокдан ҳоли. Худбин, ҳиссиз, ҳавассиз ночор кимсалар! Уларга гап ҳам, танбеҳу дашном ҳам ўринсиз! Чунки улар одам номига нолайиқ!

«Бу воқеа 16 июнь куни бўлган эди. Дарс тугаб, Розия деган дугонам билан автобус кутиб турган эдик, бир машина келиб тўхтади. Уни кооператив такси деб ўйлаб, миндик. Шофёрнинг қизик-қизик гапларими, ҳусиними, ёки яп-янги машинаси, мени лол қилиб қўйди. Ушанда нега унга уй адресимни бердимму нега келиб туришга таклиф қилдим, ҳанузгача ўзимни кечира олмайман. Кеч соат ўн иккида хонамда ухлаб қолган эканман, машина сигналидан уйғониб кетдим. Ойнадан қарасам, у келибди! Ота-онам ўз хоналарида ухлаб ётишар эди. Уларга сездирмай спорт формасини кийиб ташқарига чиқдим. Биз тун бўйи шаҳар айландик ва... ҳаммаси тамом бўлди. Дунё кўзимга қоронғу, бошимни қаёққа уришни билмайман. Уйга қайтиб, ўзимни ёқаман, — дедим. Аммо қўрқдим. Лекин барибир, ўзимни ўлдирсам керак. Яшашдан чарчадим. Бирдан бир чора... М. Ражабова».

Эссиз, бу қизгинага ачинмасдан, куйинмасдан илож йўқ. Чиндан ҳам, йўл бошида тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган. Куни-кеча ҳаёти гўзал эди унинг. Орзулари бисёр, йўллари ойдин эди! Бир кунлик йўлдан чалғишлик ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Қилган гуноҳининг даҳшатини туйғач, яқсон бўлган ифрат, ҳаё деган олий туйғулар энди унинг ёқасидан олмоқда. Жаҳл билан, заҳархандалик билан «ажаб бўлибди! Узингиз ёғдирган қорни энди ўзингиз курайсиз-да», — дегингиз келади. «Эҳтимол, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, яна унинг машинисидан шаҳар айланарсиз. Бир хатонинг устига янглирини, бир гуноҳга мингини

уярсиз. Бундан балки бир оила барбод бўлар, болалар етим қолар, ота-она, қариндош-уруғларингиз сочига эрта оқ тушар, қафди эгилар... Айрим ота-оналар бор, фарзанди келтирган маломатдан маҳалла-кўйда бош кўтаролмай қолишган. Тўй маъракаларга қовуша олмайдилар. Уйини сотишга, бундан-да, ундан-да нарига кетишга чоғланиб яшайди. Сиз ҳам энди шундай кўнларга солишингиз мумкин, яқинларингизни!..» Йўқ, энди таъна-дашномларнинг фойдаси йўқ. Ақл билан иш қилиш, сабрли, бардошли бўлиш керак. «Яшашдан чарчадим. Бирдан бир чора...»миш! Нима, бирдан бир чора? Ўн гулдандан бир гули очилмаган қизнинг иродасини кўринг! Бу билан бир нарса ютадимми? Узини шарманда қилгани етмагандек, қариндош-уруғларининг бағрини доғлаб, шу билан бирга жамиятимизга ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етказишга, холос!.. Ўн йиллар илгари камина ҳам шу қизларнинг ёшида эдим. Шу қизлар каби тенгқурларим билан гаплашиб гапим, сирлашиб сирим тугамас кезлар. Имтиҳонга тайёрланиш баҳонасида ётоқхонага бордим. Турли областдан келиб, Тошкентда ўқиётган қизлар йиғилиб қолдик. Дарс дарсада қолиб, муҳаббат ҳақидаги суҳбатимиз қизиб кетди.

Йигитлари нималар олиб бергани-ю, қаерларга олиб боргани ҳақида сўзлаган қизларга ҳавасим келиб, кўнглим гаш тортгани эсимда: «Нега менинг йигитим йўқ, ёки мен шу қадар хунукманми?...» Уйга қайтиб ўз фикримдан ўзимнинг кулгим келди. Ахир Севги деган ноёб туйғу тил билан баён қилинмайдиган! Севги деганларнинг орзу-ўйлари давраларда очик-ойдин баён қилинмайди, бозорга солинмайди! «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради», деганлари шу бўлса керак-да! М. Ражабованинг хатини ўқиб, қизлар, сизларга чиндан ҳам ҳавас қилмай қўйдим! Уша алданган қизнинг ёнида дастлаб дугонаси Розия ҳам бўлганди-ку! Нега унинг енгилтаклигини сезмади? Охири нима бўларкан деб томошабин бўлиб турди? Ахир тенгдошлар хатто ота-онасига ҳам айт-толмайдиган сир асрорларини бир-бирларига тўкиб соладилар-ку. Аксарият бундай қизлар ёзган хатларнинг имло хатоларини-ку қўяверинг, хатто айримлари жумла тузишни ҳам билмайдилар. Русча, ўзбекча сўзларни қўшиб бир амаллаб ҳасратларини тўқадилар. Шунда беихтиёр ўйлаб қоласан, ахир бу ёшдаги қизларнинг асосий мақсади ўқиш эмасми? Билим олиш, дунёвий илмларни атрофлича ўрганиш, мустаҳкамлаб бориш ёшидамасми улар? Жуда зерикшиш, ҳавойи майлларга эрк бермай, ўзларини мажбурлаб бўлса-да, китоб ўқишга бўлмайми?

16 ёшли қизнинг хатига эътибор қилинг: «Мен бир ажойиб йигитни севардим (!) У менга етишгунча (?) ҳам уч-тўрт қизни алдаб келган экан. Бир куни мени гап билан овора қилиб, кишлоғимизнинг чеккасига олиб борди. Анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин мени алдаб, номусимга тегди. Шу пайт унинг иккита ўртоғи ҳам (бизни пойлаб турган экан) келиб қолди. Улар ҳам мени зўрлашди. Йиғлаб-йиғлаб уйимга қайтдим...» «Бахти қаро Р...» деб имзо чеккан қизнинг сўнги сатрларини ўқиб, телбами ўзи бу? — деган фикрга борасиз. У шу воқеадан кейин ҳам ўша йигит билан кўришиб турганмиш. Йигит ўша ўртоқларим бўлмаганда сенга уйландим, энди уйлана олмайман дермишу, аммо муносабатини давом эттира берармиш. Бизга дардини тўккан қиз маслаҳат сўрайди: «Бола бўлиб қолмаслиги учун нима қилай? Агар бола бўлиб қолса ўзимни ўлдирман!» Луғатингиздаги энг ёмон сўзларни тўкиб солгинг келади унга. Аммо начора, йиқилгани турғазлигига, янглишгани йўлга солишга одатланганмиш. Қолаверса, 16 ёшли бу қиз ҳали ҳаётнинг бошида турибди. Эҳтимол, ўзи қандай йўлга тушиб қолганини ҳис қилмаса ҳам керак...

Яна хатларни варақлашда давом этаман. Яна мен билган, билмаган айрим қизларни кўз олдимга келтираман. Ва ўз-ўзимдан қийналиб кетаман: Нега

йигитларимиз бунча ўзбўлармону, ўзи билармон бўлиб кетишмасиз? Наҳотки қизларимиз (айримлари!) каттага ҳурмату, кичикка иззат кераклигини билишмайди? Шунингдек, яна ўзларича хавотирланиб «сочи қирқилган, ярим яланғоч юрган қизларнинг юзини тилиб кетишаётганимиш, шу ростми», деб сўрашади ҳам. Бундай воқеа бўлган, бўлмаганини билмадимму, аммо билганим, қиз бола назокату малоҳатини йўқотмаган бўлса, унга ҳам худди шундай нафислик билан муомила қилишади.

Яқинда редакцияга бир қиз йиғлаб келди: «Ёрдам беринг, мен бир йигит билан икки-уч марта бирга бўлгандим, яқинда яна учрашдик. Хайрлашар пайтимизда бу охиригиси эканлигини айтди. Чунки у ёмон касалга йўлиқиб қолган экан. Эшитишимча ҳозир номи хунук касалхонада ётганмиш... У қариндош-уруғлари, ота-онаси бундай саёқ йигит билан юганини билишса ўлдиришни тинмай йиғлаб айт-тар, ўзи ҳам ҳаётдан тўйганини таъкидларди. Қизни қандай овутишни билмасдим. Тезликда шифокорларга учрашишни айтдим ва албатта аҳолидан бизни хабардор қилишни сўрадим. Шу кундан бошлаб тинчим йўқолди. Ростдан ҳам у ўзини бир нарса қилиб қўйса-я? Еки чиндан ҳам касал бўлса, касални бошқаларга юқтириб юрган бўлса-чи? Бировга айтмасликка сўз берганим бос ўзим излаб бордим уни. Аудиторияда экан. Бир четга тортиб, суҳбатлашдик. Юзи тўла кулгу. — Йўқ, деди у, — қўрққан бекор экан... Текширишда мендан ёмон касал чиқмади. Аммо бот-бот докторга кўриниб туришим керакмиш...»

Энди у йигит билан учрашманг, синглим. Тошкентга ўқиш учун, билим олиш учун келгансиз. Ота-онангизни шарманда қилиш учун эмас. Тушундингизми?

— Тушундим, — кулиб деди у. — Аммо энди унга барибир тегмайман.

— Сизга уйланишнинг ўзи? Одатда бундай «таниш»ганлар, «кўнгил боғлаган»лар уйланишмасди...

Сўзим оғзимда қолди. — Уйланса ҳам тегмайман. Келаси чоршанба ЗАГС. Сизни ҳам айтгани бормоқчи эдим. Бошқа факультетда ўқийдиган бир йигитга турмушга чиқяпман...

Бундан ҳанг-манг бўлиб қолдим.

— Қандай қилиб? Ахир сиз?...

— Нима қилибди? Ҳаммаси жойида, энди...

— «Жойида бўлсин, илойим». Секин шивирладим. Одамларга нима бўлган ўзи? Шу, 18—19 йил яшаган, яшагану, ҳаётнинг ҳамма кўчаларига кириб чиққан қиз яна бир йигит шўрликнинг ошига заҳар солмоқчи. Ҳаётини алдов билан ўтказишга чоғланган...

— Ундан 500 сўм сўрадим. Ахир уни деб озмунча азоб чекдимми. Тўйга керак бўлади пул...

— 500 сўм эмас, 250 сўм олақолинг. Ахир, азобни ҳам, шодликни ҳам биргаликда кўргансиз-ку!

Аччиқ ҳазилимни тушунмаганга олди: — Йўқ опа! Ундай қилмайман. Яна унинг ёнини оляпсиз-а! Ушанда, йиғлаб борганимда ҳам у тараф бўлгандингиз. Қизларни ёмон кўраркансиз...

— Ҳа, ёмон кўраман. Жуда ёмон кўраман сиздекларни. Кўзларингизни бундай азоб тортиб юрмасингиздан аввалроқ очиб қўядиган йигитларни эса учрат-маяпман...

Ҳа, азиз йигитлар, нега ишонувчан, лақма қизларни алдаб кетаверасиз? Уларнинг ўрнига синглингиз ёки опангизни қўйиб кўринг. Улар аёл зотидан-ку ахир!

Тоза ҳаёт учун тоза инсонлар керак. Виждон азобида қийналмоқ — ўқилган ҳукмининг ижросини кутиб яшашдек гап. Бундай кўргилик асло бошингизга тушмасин, Ватанимиз қўриқчилари, ҳаётимизу хонадонимизнинг шамчироғи бўлган йигитлар! Акс ҳолда... хатларни ўқиб, сизга ҳам ҳавасимиз келмай қоляпти-ку!

Умидда АБУДУЗИМОВА.

ҚИЛМАКЛАР



Сунбод кўзғолони

Сунбоднинг кимлиги ва унинг Абўмуслим билан алоқалари хусусида юқорида айтиб ўтдик. Нишопурда арабларга қирон келтирган Сунбод қора либосга бурканиб укаси билан Абўмуслимга қўшилди.

Абўмуслим ўлдирилгач, Сунбод Эронга қайтди ва кўзғолон кўтарди. Рай ва Табаристон аҳолисини ёрдамга чақириб Қазвин шаҳрига ҳужум бошлади. Бироқ Қазвин ҳокими бўш келмади. Тадбиркорлик билан Сунбод ва унинг бир неча йигитларини қўлга тушириб, кишанлаб Рай ҳукмрони Абўубайда ихтиёрига жўнатди. Абўубайда бир пайтлардаги Сунбод билан ўрталаридаги дўстона алоқалари ҳурмати (Абўубайда ҳам Абўмуслим тарафдори бўлган) асирларни Харрей деган жойга жўнатиб уларни кишандан халос этди.

Бу ерда Сунбод ўзини ўнглаб олди, атрофига кўплаб одамларни йиғди ва яна Райни Абўубайдадан тортиб олмоқ ниятида йўлга тушди. Абўубайда ҳам ўз аскарларини йиғиб жангга рўбарў бўлди. Ҳар икки лашкар бир-бирига рўбара бўлганда Сунбод «Е, Абўмуслим!» дея фарёд чекди. Бу овозни эшитиш билан ҳар икки томон лашкари гулгула кўтарди. Чунки Абўубайда лашкарларининг аксарияти ҳам Абўмуслим тарбиясини кўрган эдилар ва уни севар эдилар. Бу ҳолатни кўрган Абўубайд кўрқувдан даҳшатга тушди ва жанг майдонидан қочиб шаҳарга бекинди. Сунбод уни таъкиб этиб шаҳарга ҳужум қилиб, Абўубайдни қўлга тушириб ўлдирди. Халафа Абужаъфарнинг хоинона даъватига мувофиқ йўлга тушган Абўмуслим барча керакли нарсаларни, ҳарбий қуролларини Райда Абўубайдга омонат топшириб кетган эди. Уша молларнинг ҳаммаси Сунбод қўлига тушди. Сунбод қўлга киритган Абўмуслим моллари ва аслаҳалари беҳисоб эди. Унинг сон-саноксизлиги, Абўмуслим лашкари Райдан Нишопургача бўлган масофани эгаллайдиган миқдорда, юз минг нафардан иборат бўлган деган хулоса чиқариш ҳуқуқини беради. («Равзатус сафо», 3-жилд, 139-бет).

Сунбод бир томондан мусулмонлар ўртасида, иккинчи томондан, Эрон мажусийлари орасида тарғибот ва ташвиқот олиб борар эди. Мусулмонларга қараб: «Абужаъфар Абўмуслимни ўлдиршига қасд қилган пайтда у бир қуш суратига кириб парвоз этиб учиб кетди. У ҳозир фалон қалъада имом Маҳди билан суҳбат қурмоқда. Мени имом Маҳди учун жаҳонни мунофиқлардан тозалашга юборди», — дер эди.

Мажусий-оташпарастларга қараб: «Мен ўтганлар китобида (қадимги Эрон китобида) ислом давлати узоққа чўзилмайди, ундан сўнг Сосонийлардан бироқ боз кўтариб чиқади, деб ўқиганман. Ҳозир айни Сосонийларнинг дунёга келадиган вақти. Мен Маккага лашкар тортиб бораман ва Каъбани хароб қиламан», дерди. Бу фикр Абўмуслимнинг бир миллий давлат вужудга келтириш ҳақида мулоҳазасига анча яқин туради.

Сунбод исёни ва унинг Абужаъфар Мансур устидан ғалаба қозонини Абўмуслимнинг қотили халифа қулоғига этиб борди. У жуда кўп лашкар йиғдириб, уларни мукамал қуроллантириб Сунбодга қарши жўнатди. Унинг лашкари Совага келиб ўрда урди ва жангга тайёргарлик кўра бошлади. Сунбод ҳам халифа лашкарининг ҳужумини кутиб ўтирмай Совага келиб, урушни бошлаб юборди.

Бу даҳшатли ва қиргин урушнинг неча кун давом этганлиги ҳақида кўҳна манбаларда аниқ маълумот йўқ. Аммо «Равзатус сафо»нинг муаллифи бу жангда етмиш минг киши ўлганини ёзиб қолдирган. Охирида Сунбод енгилб, Табаристонга қочиб борди. У ишлари юришиб кетган пайтда шу вилоят ҳокими орти миллион танга топшириб, учдан бир қисмини ҳокимнинг ўзига ҳадя этиб, қолганларини оғир кунларда бериш ва ўз паноҳига олиш ҳақида аҳду паймон қилганди.

Аммо Табаристон ҳокими Сунбодга хиёнат қилди. Уни ўртоқлари билан қўлга олиб, қатл этди. Бу билан у халифа наздидаги Сунбод билан алоқаси бор эди деган тўхматдан ўзини қутқарди. Шунингдек, 6 миллион тангани ўзлаштирди (Сунбод воқеасининг қисқача мазмуни «Равзатус сафо»нинг 3-жилдидан олиб баён этилди).

* * *

Сунбод ва унинг дўстлари ўлдирилгандан сўнг Ироқда Аббосийларга қарши иккита кучли кўзғолон кўтарилди. Уларнинг бири Равандийлар исёни бўлиб, иккинчиси ибни Муқаффа бошчилигидаги кўзғолон эди. «Туркий қомусулалом»даги ривоятга кўра ибни Муқаффа форс оташпарастларидан бўлиб, машҳур адиб ва адабиётшунос эди. У Абулаббос Саффоқнинг амакиси Исо билан Али қўлида мусулмон бўлиб, унга мирзолик қиларди. «Калила ва Димна»ни паҳлавий тилидан араб тилига ана шу ибни Муқаффа таржима қилган эди. «Разатус сафо» муаллафининг кўрсатишича, Равандий исёни ҳам, ибни Муқаффа кўзғолони ҳам зиндиқлар (бединлар)нинг исломга қарши бош кўтариши эди.

Биз бу кўзғолонлар тафсилотида тўхтаб ўтирмай, Мовароуннаҳр воқеалари баёнига ўтамиз. Бу ерда биз Муқанна бош кўтармасдан бурун Бухорода юз берган кучли кўзғолонга тўхтаб ўтамиз. Бу Шарик ибни Шайх кўзғолони эди.

Бухородаги Шарик ибни Шайх кўзғолони

Халифалик тахти бани Умийдан бани Аббосга ўтгандан сўнг ҳам Мовароуннаҳр аҳлининг аҳволи яхшиланмади. Айниқса Бухоро халқини бир томондан араб волийлари таласалар, иккинчи томондан бухорхудотлар талашарди. Шунинг учун ҳам зулм-зўрликдан тоқати-тоқ бўлган халқ Шарик бинни Шайх даъвати билан зolimларга қарши бош кўтарди.

Шарик асли маҳаллий халқлардан бўлса ҳам, араблар орасида яшаган, уларнинг урф-одати, тили ва адабиётини яхши ўрганиб олган эди. Шу билан бирга у арабларнинг халифалик тахти учун кураш йўлида қилган номаъқулчиликларидан ҳам воқиф эди. У шижоатли, жанговар, ўз мақсади йўлида мардонавор курашадиган бир шахс. Авваллари у халқни Али авлодларини қўллаб-қувватлашга даъват этиб дерди: «Биз эндигина Марвонийлар (бани Умий) жабридан қутулган эдик. Бизга Аббосийлар зулмининг кераги йўқ. Биз пайғамбар фарзандларидан (Али авлодидан) бирини ўзимизга халифа қилмоғимиз лозим».

Жафо чеккан ва зулм кўрган халқ қайси томондан халоскорлик ва енгиллик ваъда қилинса, ўша томонга оғади. Ана шу табиий одатга кўра Бухоро, Хоразм ва Самарқанд халқи Шарик даъ-

ватини қабул қилиб, унинг атрофига йиғила бошладилар.

Ўз атрофида етарли куч тўпланганини кўрган Шарик рўй-рост хуружга ўтди. Кўзғолонни бошқариш учун Хуросондан Зиёд бинни Солеҳ бошчилигида қўшин келди. Шарик бинни Шайх ҳам Бухоро олдида ўз ўрдасини қуриб, душманга қарши тайёргарлик кўрди. Бутун Бухоро аҳли Шарик байроғи атрофига тўпландилар. Шиддатли жанг бошланди. 37 кун давомда Шарик лашкарининг қўли баланд келади. Зиёд бинни Солеҳ аскардан кўп киши ўлдирилади ва асир тушади. Охири бухорхудот Қутайба бинни Тоғшода Зиёда бинни Солеҳ ёрдами билан майдонга тушди. Бухоро шаҳри атрофида (катта ер эгалари бўлмиш) деҳқонларнинг 70 та қўши бўлар эди. Қутайба уларга қараб шаҳарга озиқа ва ўт берманглар, барча озиқ-овқат ва ем-хашакларни Зиёд бинни Солеҳ лашкароғига ташинглар деди-да, ўзи ўн минг киши билан Зиёд бинни Солеҳ лашкарига қўшилди. Шунга қарамай ҳамон кўп жангларда Шарик лашкари зафар топиб, душманни қириб ташлар ва шаҳардан суриб чиқарарди. Лекин озиқ-овқатнинг етишмаслиги ва ем-хашакнинг танқислиги туфайли Шарик лашкарининг аҳволи оғирлаша бошлади. Улар зўрлик билан душман сафини ёриб шаҳардан ташқарига чиқиш, озиқ-овқат ва хашак олиб қайтишни мўлжалладилар. Шарик бутун лашкари билан ҳужумга ўтиб, қилчбозлик билан душман сафларини ёриб ташқарига чикди. Зиёд бинни Солеҳ рўйирост жангга бардош бера олмади. Лашкарлари енгилб, тумтарақай қочиб кетди. Ўзи бўлса бухорхудот билан шаҳардан саккиз чақирим четроқдаги Навқанда кишлоғида ўрнашди. Ярим кечаси Зиёд бинни Солеҳ лашкарини тўплаб яна ҳужум қилди ва мағлубиятга учради. Бухорхудот Зиёд бинни Солеҳ лашкарини тўплаб, шаҳардан узоқда тайёрлаб туришни маслаҳат берди ва очликдан силласи қуриган шаҳар халқи экинзору боғу роғларга ёпирилганда ён томондан ҳужум қилишни буюрди. Зиёд бу маслаҳатни бажарди. Поллиз ва боғларга ёйилган халқнинг кўпчилиги қирилди, уларнинг бошлиғи Шарик бинни Шайх ҳам шу жангда ўлдирилди. Тирик қолганлар эса, шаҳарга қайтиб бурчак-бурчакларга беркиндилар. Зиёд бинни Солеҳ шаҳарга кириб Масчиди Моҳда манзил қурди ва шаҳарга оташ урди. Шаҳар уч кеча-кундуз ёнди. Шундан сўнг Зиёд кимда-ким шаҳардан чиқса омон қолади деб фармон берди ва ўзи узоқроққа бориб халқнинг бе-малол ташқарига чиқиб олишини кузатиб турди.

Шарик бинни Шайхнинг ўғли ва лашкарбошининг бири кечаси шаҳардан ташқарига чиқмоқчи бўлдилар. Аммо Зиёднинг одамлари тутиб бориб дорга осиб ўлдирдилар. Бу воқеадан сўнг шаҳар халқи Зиёднинг омонлик беришига ишонмадилар ва шаҳардан чиқмадилар. Уч кундан сўнг шаҳарликлардан ҳеч ким чиқмагач Зиёд лашкари билан шаҳар дарвозасига этиб келди ва бухорхудот қўшига жойлашди. Унинг лашкарлари бўлса исёнчиларни қўлга киритиш учун шаҳарга кирди. Янгитдан шиддатли жанг бошланиб кетди. Жанг шу даражада қонли бўлдики, шаҳар халқининг кўпчилиги қирилиб кетди.

Зиёд бинни Солеҳ бир неча нафар одамларни омон қолдирдию қолган ва қўлга тушган ҳар бир шаҳарликни дорга осини буюрди. Натижада Зиёд ва унинг лашкарлари куйиб кул бўлган ва хувиллаб қолган шаҳарга эга бўлишди. Бухоро масаласини ҳал қилиб бўлган Зиёд бинни Солеҳ Самарқандга бориб Шарик тарафдорлари

ва исёнчиларни қилич дамидан ўтказди. Шундан сўнг у Жайхундан ўтиб Хуросонга кетди. (Шарик бинни Шайх воқеаси «Тарихи Наршахий» китобидан қисқартариб олинди.)

Муқаннинг тарихий шарт-шароитни ва ўзидан олдинги исёнлардан тажриба ўрганиши

Муқанна ўз даврида рўй берган барча воқеалар ва исёнларни ҳисобга олди; Абўмуслим кўзғолонида шахсан иштирок этди. Наршахийнинг маълумотида кўра у Абўмуслим кўшинида аскарлар сардори сифатида қатнашган эди.

Муқанна бухоролик Шарик бинни Шайх кўзғолонида иштирок этмаган Чунки бу исён Абўмуслим замонида кўтарилган бўлиб, у бу ҳаракатни тайёргарликсиз, бемаврид уюштирилган кўзғолон деб, унинг юз беришига рози эмасди. Ҳар ҳолда Муқанна Шарик ҳаракатининг ютуқ ва камчиликларини синчиклаб ўрганиб ва ўз фаолиятида бу тажрибадан фойдаланди. Муқанна Ибни Муқаффа ва Ровандийлар кўзғолонларини ҳам ўз кўзи билан кўрган эди. Биз юқорида бу хуружларнинг исломга қарши кўтарилганлигини тарихий фактлар асосида қайд этган эдик.

Муқанна истилочилар ҳамда маҳаллий феодаллар, мулкдорлар томонидан ўтказилаётган зулм-зўрликларни ўз кўзи билан кўрган, Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси дам-бадам залимларга қарши исён кўтарар, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ислом динидан чиқар эдилар.

Абўмуслим ишининг давоми сифатида кўтарилган Сунбод кўзғолонида Муқаннинг иштирок этгани ёки этмаганини ўтмиш тарихчилардан бирон киши қайд этмаган. Аммо бу хусусда бирон бир шубҳа бўлиши мумкин эмас. Зероки, Муқанна бу кўзғолоннинг жонли гувоҳи бўлган ва унга ҳайрихоҳлик билан қараган, жангларида бевосита қатнашмаган бўлса ҳам исёнчилар шюрининг баъзи қисмига қўшилди. Зероки, Сунбод мажусийлар орасида исломни йўқ қилиш ҳақида ташвиқот олиб борарди, Муқанна ҳам кўзғолон кўтарганда исломни йўқотишни ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Шунингдек, Абўмуслимни қўллаб-қувватлашда ҳам Муқанна билан Сунбоднинг фикри бир хил эди. Сунбод ўзини Абўмуслимнинг вакилиман, «қуш шаклига кириб парвоз қиламан», дерди. «Равзатус сафо» муаллифининг таъкидлашича, Муқанна Абўмуслимни Муҳаммад пайгамбардан донишмандроқ деб биларди. «Муқанна ўзини бир руҳий қудрат деб биларди. У олдин Абўмуслим сиймосида зуҳур этган бўлса, энди ўзи ўша шаклда намоен бўлди», деб ёзади Наршахий. Агар биз Муқаннинг бу рамзий сўзини шарҳлайдиган бўлсак, у ўзини ислом ва истилочи арабларга қарши куршда Абўмуслим ишининг давом эттирувчиси деб билади.

II БОБ

Муқаннинг ёшлик чоғлари ва унинг дастлабки сиёсий фаолияти

1. Туғилиши, йигитлик палласи, касб-ҳунар ўрганиши

Муқаннинг қайси йили туғилганини ҳеч бир муаррих аниқ ёзиб қолдирмаган. Юқорида қайд этилгандек, Абўмуслим, ҳақиқатга яқинроқ ривоятларга кўра 124-ҳижрий (742-мелодий) Иброҳим Имом Аббосий томонидан (Хуросон ва Мовароуннаҳр бани Умия—марвонийларга қарши кўтариш мақсадида) Хуросон ишларига масъул этиб тайинланган эди. 129-ҳижрий (747-мелодий) йили Абўмуслим арабларга қарши рўйроқ кўзғолон кўтарди. Муқанна ана шу кўзғолонда оддий аскар бўлиб эмас, саркарда сифатида иштирок этганди.

Абўмуслим Муқанни ўз кўшинига саркарда қилиб қабул этган 124-ҳижрий йилда у йигирма ёшдан ошган бўлиши керак. Шунга кўра Муқанна 100-ҳижрий (719-мелодий) йилида ёки ундан кейин туғилган деб тахмин қилиш мумкин.

Ўтмиш тарихчиларнинг фикрича, Муқанна Балх билан Марв оралигидаги Қоза номли қишлоқда дунёга келган. Муқанни «марвлик» дейишларига кўра бу қишлоқ Балхдан кўра Марвга яқин манзилгоҳлардан бири бўлиши керак.

Муқаннинг номи Ҳошим бинни Ҳаким бўлиб, отаси Ҳаким Хуросон аскарларининг бошлиқларидан эди. Айрим лугат ҳамда унчалик машҳур бўлмаган ривоятларда Муқаннинг номи Ато деб ҳам таъкидланган. Биз уларни назардан соқит қиламиз.

Муқанна ёшлик ва йигитлик чоғларида қозарлик, яъни тўқилган матони ювиб, пардозлаш иши билан шуғулланарди. Хуросон ва Мовароуннаҳр

да ўша вақтларда тўқувчилик ҳунари ривожланган бўлгани учун тўқимачиликда энг зарур касб бўлгани қозарлик ҳам ривожланиб, кўп кишилар шу касб орқасидан нон топиб ердилар. Айрим ёш тадқиқотчилар қозарлик сўзи маъносини но-тўғри изоҳлаб, Муқанни «жомашуй» деб атаганлари учун биз бу ерда қозар ва қозарий калималарининг маъносини аниқлаб, бу касбнинг «жомашуйлик» касбидан фарқи масаласига тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Қозарлик, уйда кийилиб, ифлосланган либосларни ювиб тозалаш — жомашуйликдан жиддий фарқ қилади. Қозарлик ўзига хос бир касб бўлиб унинг ҳозирги тожик адабий тилида «жомашуй» эмас, «шустагарий» деб атайдилар. Қозарлар янги тўқилган бўзларни ўзига хос усулда ювиб, савалаб оқартирадilar ва ялтиратадилар. Натижада хира ва қўпол тўқилган бўзлар фабрикада ишлаб чиқилган сурп ёки қудунгланган матолар сингари силлиқ ва шаффоф бўлади.

Бу касб Ўрта Осиёда тўқувчилик ҳунари ривожланган ҳамма даврларда ишлатилган. Қозарлар маълум ҳақ эвазига янги тўқилган бўзларни қайта ишлаб берадилар. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, қадимги замонларда «жомашуй» сўзи тикилган махсус либослар номи бўлмай, балки либос тикиладиган барча матолар «жомашуй» деб аталарди. Лугатнавислар ана шу сўзга асосланиб, «қозар» ни чопон ювувчи, «қозарий» ни чопон ювувчилик деб шарҳлаган. Айрим шахслар эса, қозар ва қозарийни оддий жомашуйлик деб тушинди, Муқаннинг касбини хато изоҳлашган.

«Тарихи Наршахий» китобининг муаллифи ёки таржимони Муҳаммад бинни Жарири Табарийдан нақл қилиб, Муқанни қуйидагича таърифлайди: «Муқанна қишлоқлардан бўлиб, Марвнинг Қоза деб номланган қишлоғидандир. Унинг номи Ҳошим бинни Ҳакимдир. У дастлаб қозарлик билан шуғулланди. Кейин илм ўрганишга киришди. Ҳамма ишларни пухта эгаллади. Кўзбойлагич ва найрангбозлик илмларини ҳам ўрганиди. Жуда зийрак бола эди. Ўтмиш китобларини кўп ўқиганди, жодугарликдан устод эди».

Биз ишончли манбадан олинган бу маътабар маъхаздаги мазкур фикрларни айнақ қабул қила олмасак ҳам, уни бу сатрлардан Муқаннинг қозарликдан сўнг илм ўрганиш билан шуғулланиб, ўз замонасининг машҳур олими даражасига етганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Биз бу ерда Муқанна мазкур билимларни Абўмуслим исёнидан олдин ўрганганми ёки ундан кейин ўз хуружигача бўлган вақтда ўрганганми деган саволга жавоб бера олмаймиз.

Лекин ўша вақтдаги кишиларнинг турмуш тарзи, тарихий шароит ва Муқанна фаолиятининг боришидан шуни тахмин қилиш мумкинки, у қозарлик пайтидаёқ озми-кўпми илм ўрганиш билан шуғулланган; ўша ибтидоий илмлар туфайли кўзи очилиб, сиёсий ишларга қизиқа бошлаган. Эҳтимол, Муқанна Абўмуслим ҳаракатига қўшилган, илм ўрганишининг заруратини янада чуқурроқ ҳис этиб, бу иш билан жиддий шуғулланган. Абўмуслим ҳаракати йиллари ва ўзининг ҳибса олиниб, зиндонга ташланган пайтлари илм таҳсили сусайган бўлса-да, зиндондан озод этилган, рўйроқ исён кўтаргунча илм ўрганиши давом эттирган.

Юқорида келтирилган парчадан Муқаннинг турли билимларни ўрганганлиги англашилсада, муаллифлар уни оддий найрангбоз ва афсонавий бир жодугар сифатида тасвирлашган. Мазкур муаллифлар таъкидлаганларидек, Муқанна турли билимларни эгаллаш билан бирга, химия ва физика фанларини ҳам ўрганган бўлиши лозим. Чунки, исломгача бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳрда бу билимлар анча ривожланган эди. Аммо, бу илмлар ўша замонларда оммавий суратда ўрганилмагани учун Муқанна ўтказган қимёвий ва физик тажрибалар натижасини бесавод омма «найрангбозлик» ва «жодугарлик» деб тушунишган. Чунки жодугарлик иши бу даврда бир умумий малака эди.

Муқанни исломга қарши исён кўтаргани учун ёқтирмайдиган араб муаллифлари уни бадном қилиб кўрсатишга интилардилар. Муқанна ҳақидаги юқоридаги гаплар уларга кўл келиб, у ўрганган билимларни найранг, масхаробозлик ва жодугарлик деб эълон қилиб, ўзини найрангбоз ва жодугар деб тасвирлашган.

Мазкур парчада Муқаннинг гоётада зийрак эканлиги ва ўтмиш аждодлар китобларини кўп ўқигани алоҳида қайд этилган. Ҳақиқатда ҳам аждодларимиз тилларида (пахлавий ва сўғд тилларида) кўплаб китоблар ёзилган бўлиб, уларда фалсафа, адабиёт, тарих, математика, физика, химия, тиббиёт ва бошқа табиий ҳамда ижтимоий фанлар хусусида фикр юритиларди.

Зийрак, аждодлар тилининг билимдони Муқанна албатта, кўплаб китобларни мутолоа қилиб, ўз замонасининг забардаст олими даражасига етган эди. Шунинг учун ҳам оддий халқгина эмас, ҳатто араб саркардаларини маҳаллий во-

лийлар ҳам Муқаннинг донишмандлигидан ҳайратга тушиб, у ўтказган тажрибалар натижасини жодугарлик, сеҳргарлик ва кўзбойлаш деб тушунишган бўлса керак. Чунки ўша йиллари табиий илмларга доир китоблар ҳали араб тилига таржима қилинмаган ва араблар қўлида илмий китоб сифатида Қуръон ва пайгамбар насихатлари мавжуд эди, ҳолос. Ўша вақтларда Қуръон ва ҳадиси билувчилар атоқли араб олимлари ҳисобланардилар. Шунинг учун ҳам котиб, ҳисобчи ва аббосийларнинг вазирлари форсийзабон халқлардан тайинланардилар. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Абулаббос амакисининг котиби Ибни Муқаффа форс мажусийларидан бўлиб, унинг қўлида исломни қабул қилган эди. Балх фарзандлари бўлмиш бармакийлар Абулаббос Саффоҳ даврида Хорун-ар-Рашид ҳукмронлигининг ўрталаригача вазирлик вазифасини ўтаган. Ҳисоб-китоб, мамлакатнинг молиявий ишлари ҳам уларнинг қўлида эди. Форсинг оташпарастларидан бўлмиш Фаал бинни Саҳл Хорун-ар-Рашиднинг ўғли Маъмун қўлида имон келтириб, аввал унинг шахсий котиби, кейин вазир даражасига эришди.

«Тарихи Наршахий»нинг муаллифи ва бошқа ислом муаллифлари Муқанни бадном қилиб кўрсатишган. Наршахий Муқанни «Хунук, боши кал ва бир кўзи кўр» деб кўрсатса, «Равзатус сафо» муаллифи уни «бад шакл ва хунук бир киши эди» деб атайди.

Мазкур муаллифлар унинг «Муқанна» лақаби билан машҳур бўлишни қуйидагича изоҳлаган: у ўзининг хунук башарасини халқдан яшириб юриш учун юзига парда-ниқоб тортиб юрар эди. «Равзатус сафо» муаллифи Муқаннинг ниқоби олтиндан эди деб таъкидлаган.

Муқанна умрининг дастлабки йилларида ниқобсиз юрган бўлиши керак. Лекин шуниси маълумки, Абўмуслимнинг қотили, аббосийларнинг иккинчи халифаси Абулжафр Мансур томонидан ҳибс қилиниб зиндонга ташланган эди. Зиндондан озод қилинган, Муқанна исломга қарши яширин кураш олиб боришга аҳд этади ва халифа жосуслари назаридан пинҳон бўлиш мақсадида юзига ниқоб тортиб, суратини ўзгартириб юришга мажбур бўлди. Муқанни бадшара ва хунук қилиб кўрсатишни истаган муаллифлар ана шу сиёсий ниқобдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интиланлар.

Муқаннинг сиёсий фаолияти ва унинг тарафдорлари — оқчопончилар

Абўмуслим исёнига тайёргарлик кўрилатган пайтларда Муқаннинг нима иш билан шуғулланганлиги бизга қоронғи. Фақат унинг Абўмуслим билан яқиндан алоқа бошлагани аниқ.

Наршахий Муқаннинг Абўмуслим билан муносабати ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Муқанна Соҳибдаъво Абўмуслим ҳузурига сарҳанглардан бири эди. Абдулжаббор у туфайли вазир бўлди». Сарҳанг — нисбатан кичикроқ кўшни сардори. Одатда катта қўшиннинг умумий ягона лашкарбошчиси — сипоҳсолар бўлиб, ундан сўнг бир неча кичик лашкарбошилар бўларди. Юқоридаги парчадан англашилшича Абдулжаббор номли шахс Муқаннинг ҳаракати ва ёрдами билан Абўмуслимга вазир бўлган экан. Бу эса, Муқаннинг Абўмуслим ҳузурига катта обрў ва эътиборга эга эканлигини кўрсатади.

Шу муаллиф Муқанни Абўмуслимнинг соҳибмансаб нақибларидан эди деб таъкидлайди. Бу фикр ҳам Муқаннинг бировни вазирликка тавсия этиш даражасидаги қудрат ва нуфузга эга эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Зероки, Шарк ҳарбий ва маъмурий терминологияси жиҳатидан бир қавмининг оқсоқоли ва донишманди ҳисобланган кишигагина нақиб лақабини беради. Абўмуслимда етмиш нақиб бўлиб, ҳамма ишни уларнинг кенгаши билан бажарарди. Юқоридаги нақла кўра Муқанна ана шу нақиблардан бири экан.

Афсуски, тарихнавислар Муқаннинг Абўмуслим исёни давридаги сиёсий ва ҳарбий фаолияти ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаганлар. Аммо юқоридаги фикрга кўра у Абўмуслим исёни даврида улкан ишларни амалга оширган ва кўзғолонда муҳим роль ўйнаган бўлиши керак.

Наршахий Муқаннинг Абўмуслим ўлдирилгандан сўнгги сиёсий фаолияти ҳақида шундай дейди: «У пайгамбарлик даъвосини қилди ва бир қанча вақт шу фикр билан юрди. Давонқи Абужафр уни Маврдан Боғдодга элтиб, зиндонга ташлади. Бир неча йил зиндонда ётди. Озод бўлган, яна Маврга келди».

Тарихчилар, жумладан, Наршахий ҳам, Муқан-

1. Араб тилида аёллар юзига тортиб юрадиган парда «миқнаа» дейлади. «Муқанна» сўзи шундан олинган бўлиб, «миқнаа тутувчи» ёки «ёпичқили» демакдир.

нанинг зиндонга ташланиши ва неча йил ҳибсада ётганини аниқ кўрсатишмаган. Аммо биз айрим тарихий далиллар асосида бу сана ва муддатни тахминан бўлсада аниқлашга интиламиз.

Тарихий фактлардан маълумки, Богдод шаҳри 145 ҳижрий (763 мелодий) йили қурила бошланиб, 149-ҳижрий (767 мелодий) йили битказилган. Юқорида Муқаннинг Богдод зиндонига ҳибсада ётгани зикр этилган. Демак, унинг зиндон қилингани 145 йилдан олдин ҳам, 149 йили, яъни Богдод қуриб битказилган йилдан кейин ҳам бўлмаслиги керак. Мазкур парчада Муқаннинг неча йил зиндонда бўлгани кўрсатилмаган. Ваҳоланки шу муаллиф Муқанна фаолиятининг хотимаси баёнида унинг қўзғоломи 14 йил давом этганини уқтирган ва қўзғолон 164 йили тор-мор этилганини қайд этган. Бас шундай экан, Муқанна 150 йили зиндондан озод этилган.

Шу ўринда бир савол туғилади: модомки, Богдод шаҳри 149 йили битказилган экан, қандай қилиб Муқанна у ерда ҳибсада ушлаб турилди? Бу саволнинг жавоби осон: шаҳар қурила бошлагандаёқ дастлаб халифа жойлашадиган ўрин, бошқа зарурий бинолар, жумладан, зиндон, девонхона, лашкаргоҳлар қурилган бўлиши керак. Шунинг учун халифа шаҳарнинг тўла-тўқис битишини кутмай, 147 йили Богдодга кўчиб ўтган ва тутқунлар ҳам шу ер зиндонларида сақланган.

Мана шу мулохазалардан сўнг биз қуйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин. Муқанна 147 ҳижрий (765 мелодий) йили Богдод зиндонига ташланиб, уч йилдан сўнг, яъни ҳижрий 149 (мелодий 767) йили озод бўлган ва Марвага қайтгач ҳижрий 150 (мелодий 768) йили қўзғолонга жиддий тайёргарлик кўришга киришган.

Тарихчилар Муқаннинг зиндондан қочгани ёки расмий озод қилингани ҳақида ҳам ҳеч нарса ёзиб қолдирмаганлар.

Аммо Аббосийларнинг Абўмуслим қўлида тарбияланган хурсонлик исёнкор бир шахсни араб ҳокимиятини ларвага келтирган мажусий Сунбоднинг исёнидан сўнг осонгина озод этишига ақл бовар қилмайди. Шунинг учун ҳам Муқаннинг Богдод зиндонидан қочиб, Марвада паноҳ топгани ҳақиқатга яқинроқ. У бу ерда никобланиб ўз сиёсий фаолиятини давом эттиради.

Муқаннинг тўққиз йил давомида яширин иш олиб боришининг сабаби ҳам Абужаъфар Мансурнинг хурсонликларга, айниқса, Абўмуслим қўлида тарбияланган шахсларга нисбатан қаттиққўллик сиёсатини олиб бориши ва жосусларнинг кеча-қундуз таъқиб қилганлигидир.

Абужаъфар ҳукмронлиги даврида Муқанна яширин иш олиб боришга мажбур бўлди. Ҳижрий 158 (мелодий 775) йилнинг охирида Жаъфар вафот этиб, унинг ўрнига ўғли Маҳди халифа бўлгач, Муқаннинг рўйроқ ҳаракат қилишига шароит туғилади. Чунки Маҳди отаси Жаъфарга нисбатан тажрибасиз ва иродасиз эди. Бунинг устига одатдагидек бир халифа вафот этгач, ўрнига янги халифани ўтқизгунча мамлакатни бошқаришда сусткашлик рўй берди. Абужаъфар Мансур вафотидан бир неча ой ўтгач, ҳижрий 159 (мелодий 776) йилнинг бошларида Муқанна ўз тарафдорларига исён кўтариш ҳақида фармон берди ва ўзи ҳам рўйроқ бош кўтарди.

Ўтмиш тарихнавислари Муқаннинг ташвиқот олиб бориш усуллари ҳақида афсонавий фикрларни нақл этадилар: юқорида қайд этилганидек, Наршахийнинг фикрича, у зиндонга ташланганича пайғамбарлик даъвосини қиларди. Шу муаллиф унинг зиндондан чиққанидан сўнг олиб борган тарғибот-ташвиқот ишларини қуйидагича тасвирлайди: «У зиндондан озод бўлиши билан Маврга келди ва атрофига одамларни тўплаб деди:

— Биласизми, мен кимман? — деди у.

— Ҳа, биламиз, сен Ҳошим ибни Ҳакимсан, — дейишди улар.

— Йўқ, хато қилдингиз. Мен сизларнинг худоларингизман, бутун олам худосиман... Мен ўзини халққа одам суратида кўрсатдим. Яна Иброҳим, Мусо ва Исо ва яна Муҳаммад Мустафо суратида намён бўлдим. Ўзимни яна Абўмуслим суратида ва — яна ҳозир назарингиз тушиб турган суратда кўрсатмоқдаман».

«Равзатус-сафо» муаллифи ҳам шунга ўхшаш фикрни баён этиб, Муқанна худодлик даъво қилди, дейди.

Кўринадики, Муқанна ислом динини инкор этиб, араблар ҳамда исломиятга қарши чиққан ва меҳнаткаш оммани жангга даъват этган. Араблар зулми ва уларнинг ислом номидан олиб борган бедодликлари меҳнаткаш халқнинг паймонасини тўлдиргани учун унинг даъватини бажонидил қабул қилдилар.

Эҳтимол, худо ва барча пайғамбарларни инкор этган Муқанна халққа қуйидагиларни уқтиргандир: мусулмонлар худони азоб-уқубатлардан қутқарувчи нажоткор, пайғамбарларни ана шу нажот йўлини кўрсатувчилар деб билдилар. Сиз бўлсангиз, ҳозир шу дин намояндалари томонидан азобга маҳкум этилгансиз. Агар менинг айтганла-

римга кўнсангиз, мен Сизларни ушбу азоб-уқубатдан қутқараман. Агар худо нажот берувчи бўлса, ўша менман, агар пайғамбар раҳбарлик қилувчи бўлса, ўша пайғамбар ҳам менман. Абўмуслим Сизларга нажоткор бўлмоқчи эди, ўлдирилди, унинг ўрнига ҳам менман.

Хуросон ва Мовароуннаҳр халқи Абўмуслимни севарди, (ҳозир ҳам уни севадилар) ва уни ўзларининг араблар қўлидан ҳалоскори деб биларди. Муқанна ҳам Абўмуслим шогирдларидан бўлиб, уни яхши кўрарди. «Равзатус сафо» муаллифининг фикрича, у Абўмуслимни Муҳаммад пайғамбардан кўра донишмандроқ (ўша китоб, 3-жилд, 142-бет) деб биларди. Абўмуслим Хуросон ва Мовароуннаҳр вилоятларини ўз ичига олган ягона миллий давлат тузмоқчи эди. Муқаннинг ҳам асосий мақсади шу эди.

Аммо Муқанна ўз фаолиятида Абўмуслим йўлидан (аввал араб дунёсида ҳокимиятни ўзгартириб, сўнг миллий давлат тузиш) бормай, ислом дини ва босқинчи арабларга рўйроқ қарши ҳужумга ўтди.

Шунинг учун у ислом динини қабул қилиб, ҳокимиятни Аббосийлардан Алавийларга олиб бериб, ўзини Маҳди деб эълон қилган Шарик бинни Шайхнинг кураш йўлини ҳам маъқул кўрмади. Чунки, Шарик бинни Шайх бу шиори билан халқнинг бир оз қўзғолишига эришган бўлса ҳам, кенг меҳнаткаш омма орасида яхши иш олиб бора олмади ва натижада исён пайтида халқ оммаси уни тўла қўллаб-қувватламади.

Шунингдек, Муқанна мусулмонлар ўртасида бошқача, Эрон мажусийлари орасида ўзгача тарғибот олиб бориб, ўз ниятига эришиш йўлида риёкорлик ва халқ орасига нифоқ солишдан ҳам фойдаланмоқчи бўлган Сунбоднинг иш усулини ҳам маъқул кўрмади. Шунинг учун у исломга рўйроқ қарши чиқди, мусулмон бўлганларни исломдан чиқишга даъват этди ва шу йўл билан бутун Хуросон аҳлини араб истилочиларининг чаңғалидан қутқармоқчи бўлди.

Биз биринчи бобда ўз ўринларида қолган маҳаллий ҳокимлар (бухорхудо Тогшоода сингари) арабларнинг талон-тарожига кўмаклашиб, уларнинг кучига суяниб, ўзлари ҳам халқни талашини айтиб ўтган эдик. Шунингдек, маҳаллий бойлар ва деҳқонлар (қишлоқ эгалари ва йирик заминдорлар) ҳам халққа зуғум ўтказишда истилочиларга кўмаклашдилар. Масалан, Бухоронинг 700 деҳқони исёнчиларни оч қолдириб, озик-овқатни араб аскарларига беришганди.

Муқанна ўз исёни давомида масаланинг шу томонини ҳам ҳисобга олиб, ўз тарафдорларига ана шундай шахсларнинг мол-мулкни тортиб олиш, қаршилик қилса қатл этишга рухсат берганди.

Зиндондан қутулиб Марвага келган Муқанна ташвиқот ва тарғибот ишларини кучайтириб юборди. У кўпгина кишиларни ўз томонига ағдариб олди. У ўзининг синашга кишиларидан турли томонларга дойлар (даъватгарлар) юборди ва улар орқали халқни ўз атрофига торта бошлади. Маврга Абдулло бинни Умар отлиқ бир киши бўлиб, у Муқаннага эргашди ва ўз қизини унга никоҳлаб берди. Муқанна ана шу Абдулло бинни Умарни ўз атрофига одам йиғиш учун Мовароуннаҳрга юборди.

Кўп ўтмай Абдулло Кеш ва Нахшаб аҳолисини ўзига қаратиб олди ва иқтидорли кишилардан дойлар тайёрлаб, Бухоро ва Сугдиёна Самарқандга юбориб, Муқанна таълимиятини ёйишга муваффақ бўлди.

Бухоро ва Самарқанднинг кўпгина қишлоқларидаги халқлар ислом динидан воз кечиб, Муқаннинг фикр ва мақсадларини қабул қилдилар.

Хуллас, Муқанна кураш майдонида рўйроқ чиққунча Мовароуннаҳрда унинг тарафдорлари кўпайиб, қишлоқларда ва араблар лашкари тўпланган жойлардан йироқдаги шаҳарларда ҳокимиятни қўлга олиб, ислом дини ҳамда босқинчиларга хавф туғдира бошлаган эдилар.

Биз юқорида Абўмуслим қўзғолон кўтарганда қора либос кийиб, ўзига тобеъ кишиларга ҳам қора либос кийишни буюрганини таъкидлагандик. Шунинг учун қора либос Аббосий маъмурлар, аскарлар ва уларнинг тарафдорлари учун расмий рамз бўлиб қолган эди. Аббосийлар Абўмуслим ўлдирилгандан сўнг бу рамзини ўз давлатларининг расмий нишони сифатида сақлаб қолган эдилар.

Абўмуслим ўлдирилгандан сўнг хоин Аббосийлардан батамом юз ўгирган Муқанна улар давлатининг ана шу (қора либос кийиш) одатига зид ўлароқ ўз сафдошлари ва маслакдошларига оқ чопон кийишни буюрди. Натижада Муқаннинг барча тарафдорлари оқ чопон кийиб юрадиган бўлдилар. Шунинг учун ҳам Муқанна тарафдорлари ҳамда маслакдошларининг расмий номи «оқ чопондилар» бўлиб қолди.

(Давоми бор)

Қишлоқда

I

Ялангоч бўлишдан ор қилар бунда,
Бир томчи сув томган ҳар қарич тунроқ.
Каттаю кичиклар йил бўйи, кунда,
Экин ташвишида юради кўпроқ.

II

Саккиз соатмикан бунда иш вақти,
Сўраб кўр баҳордан, сўра куз, ёздан.
Ҳад билмас заҳматкаш одамлар шахти,
Қуёш чарчаб қолар бас келолмасдан.

III

Кўчалар четида ўсган ҳар терак
Ташвишларга шерик билар ўзини —
Ҳозирдан яралиб бормоғи керак,
Бўлғуси уйларнинг синчи, тўсини,

IV

Осмон ўша-ўша, тун ўша-ўша,
Юлдузли дамларда ҳислар самовий...
Ҳамон қўшиқларга бойдир бу ўша —
Чирилдоқлар — ҳофиз, чинорлар — ровий...

* * *

Хонага қамайман ўзимни ўзим,
Энди асир бўлдим саккиз соатга.
Лекин тиламасман сабримга тўзим,
Ахир, кўникканман бундай ҳаётга.
Сўлгин қарши олар тувакдаги гул,
Хонам учун баланд унинг қиммати.
Табиат қўйишда айрамоқ буткул —
Дам олиш оининг менга қиммати.
Кунлар шошаётган чопар отлари.
Менинг бекагимдан тез ўтиб кетар.
Қалбимга йўлланган дунё хатлари —
Туйғу ўтиб кетар, ҳис ўтиб кетар.
Қарайман хонамнинг деразасидан,
Ойнинг ортида турли расмлар —
Расомларнинг кўчма кўрғазмасидай,
Ўзгариб боради бунда фасллар...

Тўлқинжов РАҲИМОВ.

Сизнинг осмонингиз жуда ҳам тордир —
Сизга фақат бир қуш сиғади.
Сизнинг осмонингиз жуда ҳам тордир,
На нур, на бир мўлроқ ёмғир ёғади.
Сизнинг тоғингизда том янглик пастқам —
На унда гунафша, на унда лола.
Тоғ бўлса, ям-яшил чинори қани,
Тоғ бўлса, булбули этмасми нола.
Менинг эса

кенг-кенг
осмонларим бор,
Вулутлар бағрини тўлдирган.
Улкан-улкан тоғларим бордир —
душманни ҳасаддан ўлдирган.
Кўкси лов-лов ёнган
Бургутим бор менинг, бордир шунқорим.
Сизнинг тоғнинг эса кўринай демас
На баҳорда гули, на қишда қори.

Сизнинг осмонингиз жуда ҳам тордир...

* * *

Кузинг қайсидир бир намчил кунда
Сен сезиб қоласан адашганингни.
Сезасан, шу узун, тор бир йўлда
Севганингни тинмай алдашларини.
Шошилиб қарайсан, юрагингда муз,
Ярадор қуш каби йиғлайсан бирдан.
Гапирмоқ бўласан — тилларингда туз,
Куясан алдаган мўдҳиш тақдирдан.
Сен куяверасан... У эса кетар,
Ҳиёнатнинг узун йўллари аро.
Хотирингда висол тонглари йиғлар,
Энди сенинг учун дунё қоп-қаро.
Кейин... Ундан баҳор юз ўгиради,
Бенасиб қилганча райҳонларидан.
Кейин... Қасос деган от югуради
Юрагингнинг қонли майдонларидан.

Сайёра САМАНДАРОВА
Тошкент



Мен олий ва олий бўлмаган даргоҳлардаги баъзи бир «касалликлар» ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. Бу касалликнинг номи — порахўрлик.

Порахўрлик покиза диёримиз юзига қора чаплади! Энг юқори минбарлардан туриб бу ҳақда гапирилди. Дунёга овоза бўлди. 40—50 даража иссиқда меҳнат қилаётган деҳқон меҳнатига шубҳа уйғонди. Бир ҳовуч соя-салқинда — Москвада ва Узбекистонда «пичирлашганлар» меҳнаткаш халқимиз юзини шувит қилди. Андишани одамларимиз «қўқидан чиққан гилдиракни» яна изига тушириш учун офтобда кўйиб-ёнмоқдалар. Лекин кўпгина «жиғилдон эпидемияси»га йўлиққан нопоқлар «барибир тартиб бўлмайди, бу дунё ўткинчи», «йўлини топиб даврингни суриб қол» қабилида иш тутмоқдалар! Пора олиш учун одамларни тулкидек аврамоқдалар, илондек энгларига кирмоқдалар... Улар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб, пора олишнинг янги-янги воситаларини ўйлаб топмоқдалар.

Кўпгина студентлар, ота-оналар ва юристлар билан суҳбатлашдим. Порахўрлик, унинг илдиэлари, формалари ҳақида фикр алмашдик.

— Бир аёл ўқитувчи бор,— дейди Тошкент Политехника институтининг Жиззах филиалида таълим олаётган студент. «Мен аёл бўлсам, сенлар билан эркакча гаплашаман», дейди у... Ҳамма кечки курсда ўқийдиганлар 25 сўмдан йиғиб кўрмасин-чи, унинг имтиҳонидан ўта олармикин?! Берганларга гунопа спискасига қандайдир белги қўйиб олади. Узи пулни қўлига ушламайди. Гурппа старостаси йиғиб олади, билмадим қаерда беради унга?!

— Органга хабар қилмадингларми?!
— Бир бола чидолмади. Тегишли жойга хабар қилиб кўрди. Келиб ушлашди ҳам. Спискани топиб олишди. Лекин, ўша домла «гурппани спискаси, нима дейсанлар!» деб туриб олди. Ҳозир ўша органга хабар берган бола имтиҳондан ўтолмай, сарсон бўлиб юрибди.

— Ҳеч қачон бу ҳукуматингда «порядка» бўлмайди,— деб жиғибирон бўлади, шофер ҳамқишлоғим.— Қизим ўрни битиргунча фақат «5» га ўқиди. Битириш имтиҳонидан атайлаб «4» қўйишди. Қизим «Майли, Фаҳрий ёрликча бўлса ҳам илиндим, менга ҳам беришаркан» деб келувди. Мактабга 10 та келган экан, 7 тасини ҳамманинг олдида беришибди. Уч-тасини кейин гаплашганларга улашибди. Узимни ўқитган домларлар, ҳа ўлсин, деб мактабга бормадим. Демократия бўлиб, ёмон бўлиб кетди. Ҳозир барибир пулсиз ўтказиб бўлмайди, дейишганидан кейин бир марта ўқитдим, энди нима бўлса бўлди, деб 500 сўмга Жиззах медицина билим юртига рози бўлгандим. Кеча келишиб, 500 сўм оз, 1000 сўм бермасангиз бўлмайди деб кетишди. Нима қилишни ҳам билмай қолдим. Энди барибир қизимни йиқитишди!..

— Хабар қилинг прокуратурага.
— Нима деясан ўзи?! Энди бу шармандагарчиликлар бормиди менга?! Орага тушган қариндошим. Бир умр юз кўрмас бўлиб кетамиз. Кейин пора бермоқчи бўлибсан, деб мениям қамаб қўйишса-чи, деди у.

— Умрбод ўғлимни адаштирдим,— деб куйнади пенсияга тракторчиликдан чиққан танишим.— Биринчи фарзандимиз, қандай бўлмасин ўқитишимиз керак, деб онаси қўймади. Биттаси билан гаплашдим. Ишлаётган институтининг нархи 4,5 минг сўм экан. Биринчи йили ўғлим ўтолмади. Гаплашганим ўше йили бир ёққа кетиб қолган экан. Уғлим бир йил «стройка»да ишлади. Унинг топганини ҳам қўшиб берадиган бўлди. Онаси 4,5 минг пулни ўғлимнинг майкасининг ичидан тикиб берди. Уша акангникида ечасан, деб тайинледик. Уша йили ўғлим институтга кирди. Лекин бир йилга бормади қайтиб келди. Сабаби, ўзи мактабда яхши ўқигани билан институтга пул билан киргач, дарсларга бормади қўйган. У ҳам бир-икитасидан ёрдам бергани билан, ўша жойда ҳам бир-бирига ганим, бир-бирини кўролмайдиган ўқитувчилар бўлар экан. Кейин ўғлим ичадиган бўлиб қолди... Шуларни керакли жойга бориб айтсам, йўқ, энди кеч бўлди-да!..

— Ҳеч кимга айтмасангиз айтаман,— кўрқа-писа секин гапирди студент ҳамсуҳбатим. Сиз ўйлайсиз

«оладиган» ўқитувчилар авомми? Улар билан курашиб бўлмайди. Йўлини қилиб думингизни тугворишади.

Бир ўқитувчи бор, қандай бўлмасин гурппа старостаси ёки армиядан келган «кузурроқ» биттаси билан муносабатини яхшилаб олади, гурппа билан фақат ўша орқали алоқа қилади. Кўпинча машинасига баллон, ҳар-хил запчастлар олдиради. Уғлига ҳам машина олиб бериб қўйибди. Пул олса аудиториянинг бурчагидидаги сумкасига ташлаб чиқишади. Узи қўлига пул ушламайди. Алоқачиси кириши билан ўзи аудиториядан чиқиб кетади. Бошқа гурппадаги лайчаси келиб сумкадагини магазинга алмаштиради ёки каттароқ айтган нарсасини сотиб олиб, уйига етказилади...

Порахўрлик тўғрисида баҳс бошланар экан, пора олиш усуллари, порахўрларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида эшитиб, ёқангизни ушлайсиз.

Хўш, порахўрлик дарахти шунчалик илдиэ отаётган экан, унга қарши қанақанги кураш усуллари мавжуд!

Узбекистон ССРнинг жиноят кодексидидаги 152—153—154 моддалари кўпроқ баҳсларга сабаб бўлади.

— Бу қонунлар мавжуд экан, порахўр жамиятда «изолирован» бўлиб юриверади,— дейди аптекачи Юсуф ака,— чунки пора берган ҳам, воситачи ҳам ўзидан кўрқанидан тониб тураверади. Демак, порахўрни ҳимоя қилишади. Бу психологияни ўзгартириш учун пора бериб ишини битказганга ҳам, воситачига ҳам катта мукофот бериш керак. Ана шунда у порахўрни ҳимоя қилиш ўрнига ҳам ишини битказди, ҳам тегишли жойга бориб, далил исботи билан унинг сирини очиб, порахўрни топишга ёрдам беради.

Хўрматли ўқувчиларга янада равшанроқ бўлиши учун бу уч моддани тўлиқ келтираман:

152-модда. Пора олиш. Мансабдор шахснинг ўз мансабидан фойдаланиб, қилиши лозим бўлган ёки қилиши мумкин бўлган бирон-бир ҳаракатни пора берувчи шахс манфаатини кўзлаб бажарганлиги ёки бажармаганлиги учун шахсан ўзи ёки воситачилар орқали ҳар қандай турда пора олиш — мол-мулки мусодара қилиниб, уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар масъул вазифани эгаллаб турган, ёки илгари порахўрлик учун судланган, ёхуд бир неча марта пора олган мансабдор шахс томонидан қилинса, ёнки товламачилик билан боғлиқ бўлган ҳолда содир этилса мол-мулки мусодара этилиб, саккиз йилдан 15 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан ва озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан кейин икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиш ёки сургун қилмаслик билан, айбини оғирлаштирадиган алоҳида ҳолларда эса мол-мулки мусодара қилиниб, ўлим жазоси билан жазоланади.

153-модда. Пора бериш — уч йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бир неча марта пора бериш ёки илгари порахўрлик билан судланган шахс томонидан пора берилиши — мол-мулки мусодара қилиниб, ёки қилинмай етти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ва озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан сўнг, икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиш ёки сургун қилмаслик билан жазоланади.

Агар шахсни товламачилик билан пора беришга кўндирилган бўлса, ёки шу шахс пора берганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан келиб айтса, у ҳолда бундай шахс жинсий жавобгарликдан озод этилади.

154-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш — икки йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Пора олиш-беришда бир неча марта воситачилик қилиш, ёки илгари порахўрлик учун судланган шахс томонидан ёхуд ўз хизмат мансабидан фойдаланиб қилинган воситачилик.

— Мол-мулки мусодара қилиниб, етти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ва озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан сўнг, икки йилдан беш йилгача муд-

датга сургун қилиш ёки сургун қилмаслик билан жазоланади.

Порахўр айёр! Воситачиси унинг исканжасида! У бу ҳақда шипшитиб ҳам қўйган. Пора берганга озроқ энгиллик берилгани билан, агарда порахўрнинг пора олганлиги исботланмай қолса, тухматчи сифатида жазоланиш хавфи бор! Хўш, қонуннинг бу моддаларини ўзи порахўрликка қарши курашни чегаралаб қўймаптими?! Пора у қайси кўринишда бўлмасин: рангли пулни, номерли пулни, у фақат порахўрнинг қўлидагина ушланса ўз кучида бўлади. Ушанда порахўр ҳам, воситачи ҳам шундай гаплар тўқишадики, судгача улар илондек сирпаниб, қонун рамкасидан чиқиб кетиши мумкин. Бундай «олғирларга» тушган орган ходимлари «бармоқларини тишлаб» қолаверадилар! Бундай муваффақиятсиз операциялар қўлоғига чалинган «ҳавасманд порахўрлар» ҳам авжига минадилар...

Қонун моддасига озроқ ўзгартириш киритилиб, вақтида айбини бўйнига олган воситачи ҳам кечирилса-чи! Унда битта асосий гувоҳ ортади. Порахўр яққалиниб қоларди! Пора берган одамга асосан у порани бериб, ишини битказганидан кейин маълум вақт ўтгач, унга таъсир қилади. Бирор ерга хабар қилай деса, кураш формасидан беҳабар! Далиллар етишмаганлиги сабабли иш тўхтатилишидан кўрқарди.

Билим даргоҳлари тўғрисидаги ўқитувчилар «номерлари», кириш имтиҳонларининг нархлари тўғрисидаги гап-сўзлар нега тугамаяпти? Нега курсдан курсга ўтиш, имтиҳон, зачетлар учун, курс ишлари топшириш учун ҳалиям порахўрлик давом этмоқда?! Орган ходимлари шоҳида юрса, порахўрлар баргида юришибди. Порахўрликка қарши ҳозирги кураш «заҳарли бу дарахт»нинг баргини юлишга ўхшаб кетяпти, холос.

Йиллар ўтиб порахўрлик рангини, усулини ўзгартирди. Унга қарши усул топа билмас эканмиз, жамиятимиз баданидаги йиринг катталашаверади! Унга қарши профилактик воситалар топа билмас эканмиз, бу «эпидемия» ҳаёт мажбур қилиб, ҳавас устун келиб, организмда «иммунитети» камайиб бораётган кимсаларни ҳам заҳарлайди... Улар ҳам чумак урадилар! Порахўрликка қарши курашда у билан узоқдан туриб эмас, ичига кириб курашиш керак!

Биз, катталар нон ейдиган жойимиз поклиги учун бундай курашишимиздан ҳеч нима чиқмаслиги аниқ. Қайта қуриш, ошкоралик институтларга ўрнашиб олган баъзи нопоқ, нафси учун ҳамма нарсадан кечворадиган «ўпқонларни» анча чўчитиб қўйди. Чидолмаганларнинг баъзилари бу даргоҳларни абадий тарк этдилар. Лекин ҳалиям нимадандир умидвор бўлиб, бу «шамоллар ҳам» ўткинчидиров, деб юрганлар ҳам бор. Бундайлар ўта яширин ҳолатга ўтиб олдилар холос! Ешларимиз шундай активлашаверса, қаёққа ҳам қочиб қутилишарди, дейсиз?! Фактлар «яшириниб бошини буркаса, орқаси очилиб қолади!» Ҳеч кўрқманг! Агарда, ёлган нарсаси босилиб кетса ҳам, ошкоралик таъсирида активлашган одамлар қўя қолишмайди, эртасигаёқ унинг рости чиқади.

Сўнг сўз ўрнида

Мақолани ўқиган ҳар бир инсонда ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик даврида автор нега айбдорларнинг исм-фамилияларини очиб ёзмабди деган савол туғилиши мумкин. Порахўрлик тўғрисида ким билан суҳбатлашган бўлмайин у берувчимиз, иштирокчимиз, воситачиси кимлигини айтсам назар матбуотга мақола ёзмоқчилигимни айтсам дарҳол суҳбатни тўхтатиб, ўзлари ҳақида ёки воқеа ҳақида ёзмасликни илтимос қилишга тушишарди. Чин ваъдамни олишгач, ишонч билан воқеаларни икир-чикиригача ҳикоя қилишарди. Мухбир сифатида ваъданинг устидан чиқиб «қаҳрамонларим» номларини кўрсатмадим. Порахўрликнинг келиб чиқиши, усуллари, унга қарши кураш формасига асосий эътиборни қаратдим.

Умарқул ЭГАМОВ



БИЛАФОНЛАР

Жавобларингизни текширинг

II тур

1. Милоддан аввалги 46 йилда Рим императори Юлий Цезарь мисрликларнинг календарига тузатиш киритди. Юлий календари номини олган бу календарда ойлардаги кунлар сони бир хил бўлмаганлигидан 4 йилда бир кун ортиб қоларди. У февраль ойига қўшилган бўлди. Рим папаси Григорий XIII 1582 йилда бу календарга янги тузатиш киритди. Европадаги барча мамлакатлар аста-секин Григорий календарига ўтишди. Мамлакатимизда бу календарга Октябрь революциясидан кейин — 1918 йили ўтилди. Юлий календари билан Григорий календари орасидаги фарқ ўша йили 13 кунни ташкил қилди. Шу 13 кунни ташлаб юборишга тўғри келди: 1918 йилнинг 31 январидан кейин бирдан 14 февралга ўтилди.

2. Катталиги қовоғаридек, оғирлиги бир ярим-икки грамм келадиган дунёда энг кичик ва айна вақтда энг чиройли бўлган бу қўшнинг номи колибри бўлиб, у Марказий ва Жанубий Америкада яшайди.

3. В. И. Ленин Мавзолейни машҳур рус архитектори А. В. Шчусев лойиҳаси асосида дастлаб ёрочдан, орадан беш йил ўтгач, тошдан қурилган. Академик А. В. Шчусев лойиҳаси ва унинг бевоқиф раҳбарлигида 1947 йили Тошкентда Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта опера балет театри биноси қурилган.

4. Ўта ўтказувчанлик, аввало, энергетика, техника, эҳтимолки экономикада ҳам мутлақо янги босқични бошлаб беради. Ҳозирги вақтда юқори вольтли электр узатиш линияларида мис симнинг қаршилиги туфайли энергиянинг 20 процентча қисми иссиқлик сифатида йўқолади. Агар электр токи ўта ўтказувчан кабель орқали узатилса, энергия мутлақо исроф бўлмайди, чунки унда қаршилиқ буткул йўқолади. Ўта ўтказувчан материал парчасини зарурий совутгич муҳитга қўйиб, унга ток юборсан, электромагнит ҳосил бўлади. Бундай электромагнит камида 15 миллиард йил мутлақо энергия сарфламай мустақил ишлай олади.

5. Бу мисралар XIX асрда яшаб ижод этган машҳур ўзбек шоираси Увайсий тахаллусли Жаҳоннинг «Анор» чистонадир.

6. Орол денгизда сув сатҳининг пасайиши Оролбўйи атрофидаги иқлимнинг ўзгаришига ҳам салбий таъсир этади. Сув қочган майдонлардаги ернинг ҳарорати кўтарилиши 200—250 километр атрофдаги, ҳатто 350—400 километр жанубдаги ҳаво намгарчилигига таъсир этади. Бу атрофдаги ҳаво беқарор бўлиб қолади — ёз ойларидаги ўртача ҳарорат кўтарилиб, қиш анча совуқ келади, баҳор қўзилиб, куз эрта тушади, вегетация мuddати кескин қисқаради. Денгиз суви қуриган ерлардан эсувчи шамол туз ва чанг-тўзонларни учириб келиб унумдор ерларни қакратиб қўяди. Шамол йилга Оролнинг қуриган қисмидан 75 миллион тоннагача туз, чанг-тўзонни узоқ-узоқларга учуриб кетаяпти. Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулот қажми камайишидан давлатимиз йилга 120 миллион сўм зарар қўрапти, яқин келажакда бу зарар олти баравар ортиши мумкин.

7. Россияга картошка Пётр I даврида олиб келинган. Деҳқонлар узоқ вақт бу «шайтон олмаси»ни экишдан беш тортишган. Картошкани экишга мажбур қилинганда ҳатто кўзгўлоллар ҳам бўлиб ўтган. Бундай «картошка исёнлари» ҳарбий қўшинлар билан бостирилган.

8. Ўзбекистон комсомолнинг I съезди 1925 йил апрелида Самарқандда бўлиб ўтган.

9. Европалик сайёҳлар биринчи марта Австралияга боришганда қорнидаги маҳсул халтачада боласини олиб юрадиган, сакраб ҳаракат қиладиган галати ҳайвонни кўриб ҳайратланишган. Шунда бир сайёҳ маҳаллий аҳолидан: «Бу ҳайвоннинг номи нима?» деб сўраганида: у: «Кенгуру» деб жавоб қилибди. Аслида у европалик сайёҳга: «Гапинга тушунмадим» деган экан. Аммо ўшандан бери бу ҳайвоннинг номи «кенгуру» бўлиб кетган.

10. Дунёнинг етти мўъжизасига: Миср эҳромлари, Бобилдаги Семирамиданинг муаллақ боғлари, Эфес шаҳридаги Артемида ибодатхонаси, Искандария шаҳри ёнидаги маёк, Зевс ҳайкали, Галикарнасдаги мақбара, родослик Колосс ҳайкали кирди.

11. СССР Медицина фанлари академияси Полиомиелит ва вирусли энцефалитлар институти директорининг ўринбосари, медицина фанлари доктори Михаил Суренович Балаян номаълум турдаги гепатит вирусини ўзига юқтирди. 42 кунда кўзининг оқи сарғайди, юраги атрофида оғриқлар пайдо бўлди, ҳаёти хавф остида қолди. Вируқ у касалланганидан... хурсанд эди. Тажриба давомида у ўзида инфекция моделини яратди. «Балаян зардоби» касаллик диагнозини аниқлаш учун, биобарин, шифокорларнинг амалий иши учун ниҳоятда муҳимдир.

12. Пётр I нинг фармонида биноан, жаҳонда биринчи марта Тула заводда металлдан коньки тайёрланган. Уларнинг тумшуги балаид, олдинга қайрилган бўлиб, отнинг бошига ўхшарди, шу сабабли у «коньки» деб аталган.

13. Ҳаёти хавф остида қолган калтакесак дарҳол думини ташлаб қочиб қолади. Бу унинг душманларидан ўзига хос ҳимоя воситаси бўлиб, думдан айрилиб бўлса ҳам жонини омон сақлагани маъқул. Бир неча ҳафта ўтгач, эски дум ўрнида унча узун бўлмаган янги дум ўсиб чиқади.

14. Оқ Олимпиада деб юритиладиган Қишки Олимпиада ўйинлари 1924 йилдан бери ўтказиб келинади.

15. Қуёш системаси, юлдузлар ва уларнинг системалари, туманлиқлар ва бошқаларнинг пайдо бўлиши ҳамда тараққиётини космогония фани ўрганади.

16. Немис ихтирочиси Иоганн Гутенберг ёғ сиқиб чиқариш учун мўлжалланган оддий пресси босмаҳона дастгоҳига айлантириб, уни китоб босишга мослаштирди. Шу тариха босма китоб ихтиро қилинди. Гутенберг 1444 йилда Майнц шаҳрига келиб, аввал унча мукамал бўлмаган китоблар босиб чиқаришга киришди. Сўнг катта китоблар босиб чиқариш учун шаҳардаги бир бадавлат кишидан пул қара олди. Қарни ўз вақтида узоқмағлиги сабабли Гутенберг барча мол-мулкидан, ҳатто биринчи марта босиб чиқарган китобидан ҳам айрилди. Гутенберг бу оғир азрбадан ўзига келолмай, 1468 йили вафот этади.

III тур

1. Шарқ оламида биринчи глобуснинг ижодкори буюк ватандошимиз Абу Райхон Берунийдир.

2. Ҳижрий йил Муҳаммад пайгамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган вақтидан, яъни милодий 622 йилдан бошланган.

3. СССР Қуролли Кучларида 1919—1930 йилларда Фахрий революцион қурол олий ҳарбий мукофот хисобланган.

4. Ўз-ўзидан маълум ва ҳеч қандай исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат аксиомадир.

5. Немис олими Роберт Мойер 1840 йили физикада яратган муҳим қонуни энергиянинг сақланиш ва айланиш қонунидир.

6. Коммунистик Интернационални Ижроия Комитети айрим мамлакатларда Коммунистик партияларнинг ва уларнинг раҳбар кадрларининг ўсганлиги ва сиёсий жиҳатдан етуқлигини назарга олиб, 1943 йил 15 майда Коммунистик Интернационални тарқатиш ҳақида қарор чиқарди.

7. Узининга билиб, ўз манфаатини бошқаларникидан юқори қўядиган одамлар худбин, эгоист деб аталади.

8. Брутто — бирор мол, товарнинг жойланган идиши билан турганича тортилган оғирлиги, нетто — товарнинг қопсиз, идишсиз, ўровсиз соф оғирлиги.

9. Ой ўз ўқи атрофини қанча вақтда айланиб чиқса, Ернинг атрофини ҳам ўшанча вақтда айланиб чиқади. Шунинг учун бизга Ойнинг бир томони кўринади, холос.

10. Одам скелети жами 216—218 та суякдан иборат, шу жумладан каллада — 29, умуртқа пағонасида — 32—34, кўкрак қафасида — 25, елка камарида — 4, чанок камарида — 6, иккала қўлда — 60 та, иккала оёқда — 60 та суяк бор.

11. 1934 йилда челюскинчиларни қутқаришда қатнашган довурак учувчилардан А. Ляпидевский, С. Деваневский, В. Молоков, Н. Каманин, М. Слепнев, М. Водопьянов ва И. Доронин мамлакатимизда биринчи бўлиб Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олганлар.

12. Туркистонлик ўн тўрт комиссар таркибида қўйилган бор эди: Туркистон АССР МИК раиси В. Воинцев, Туркистон республикаси ХКС раиси В. Фигельский, Тошкент Советининг раиси В. Шумилов, Тошкент Совети раисининг ўринбосари В. Финкельштейн, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аъзоси А. Першин, Тошкент Касаба союзлари Советининг раиси ва республика Молча комиссари М. Качуринар, Турк. АССР Иўллар халқ комиссари Е. Дубицкий, республика Ички ва ташқи ишлар халқ комиссари А. Малков, Турк. АССР фавқулодда тергов комиссиясининг раиси И. Фоменко, партия дружинасининг командири Д. Шпилков, Тошкент Совети Ижроия комитетининг ва шаҳар партия комитетининг аъзоси С. Гордеев, Тошкент шаҳар соқчилар бошлиғи ёрдамчиси Г. Лугин, «Туркистанский коммунист» ва «Красноармеец» газеталарининг муҳаррири М. Тронцкий, Туркистон республикаси фавқулодда ҳарбий дала судининг раиси А. Червяков. Осипов авантюрасининг қурбони бўлган бу комиссарларга 1962 йили Тошкент воқеали майдонида ёдгорлик ўрнатилган.

13. Тошкент вақти Тошкент шаҳрини ўз ичига олган 5-соат минтақасининг декрет вақти бўлиб, дунё вақтидан 6 соат, Москва вақтидан 3 соат олдиндадир.

14. Кўз ёши кўз соққасини намлаб туради. У кўз ёши беэларидан ишланиб чиқади. Кўз қовоқлари кўз ёшини кўзга ёйиб беради, ортқича ёш маҳсул каналдан бурунга тушади. Кўз ёшининг таркиби асосан сувдан иборат бўлиб, унда бир оз туз бор. Вундан ташқари, унда бактерияларни ўлдирадиган лизоцим деган органик модда ҳам бор.

15. Кўзда дарахт баргларининг тўкилиши, аввало, ўсимликларнинг яшаш шароитларига мосланиши натижасидир. Дарахтлар баргини тўкмаган тақдирда бу дарахтлардаги жами баргларининг гоёт катта сатжи жуда кўп сувни буглантириб, ҳавога чиқариб юборар,

тупроқда сув қолмас, дарахтлар эса қуриб қолган бўлур эди. Барглар тўкилиши олдида ўсимлик учун керакли моддаларнинг кўп қисми барглардан танага ўтади. Кейин баргларнинг банди билан шоҳча ўртасида юпқа қатлам ҳосил бўлиб, барг банди шоҳчадан ажралади, салгина шамол турса узилиб тушади.

Жавобларни Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ тайёрлаган.

Танишинг голиблар

1. Ҳабибулла Худойбердиев — Самарқанд области, Каттақўрғон райони, 1-мактаб ўқувчиси.

2. Гулчехра Ҳайдарова — Тошкент области, Паркент районидаги 7-мактаб ўқувчиси.

3. Муҳаммад Мирзаев — Фарғона области, Олтиариқ районидаги Пахтакор совхози.

4. Очил Мардонов — Қашқадарё области, Қамаш районидаги Партия XXIV съезди совхози.

5. Зарифа Аҳмедова — Андижон области, Ленин йўли районидаги 14-мактаб ўқувчиси.

6. У. Хожнаҳмедов — Фарғона области, Риштон шаҳридаги 27-мактаб ўқувчиси.

7. Дилором Юсупова — Наманган области, Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхоз.

8. Лобар Баракаева — Бухоро области, Бухоро шаҳри, 11-мактаб ўқувчиси.

9. Холбўта Қулмонов — Самарқанд области, Пахтачи районидаги Коммунизм колхози.

10. Фотима Бўтаева — Тошкент области, Паркент районидаги 11-мактаб ўқувчиси.

11. Наргиза Бекмуродова — Тошкент области, Чиноз райони, 26-мактаб ўқувчиси.

12. Зулфия Саидова — Қашқадарё области, Қамаш шаҳри.

13. А. Мамадалиев — раҳбарлигидаги 31-мактаб математика тўғараги аъзолари.

14. Обида — Бухоро области, Вобкент районидаги 10-мактаб ўқувчиси.

15. Тоштемир Ҳайдаров — Самарқанд области, Ургут районидаги Коммунизм колхози.

16. Абдурашид Ҳакимов — ТошМИ студенти.

17. Гулнора Худойбердиева

18. Анвар Дўстмуродов — Сурхондарё области, Ленин йўли районидаги 36-мактаб ўқувчиси.


19. Абдушукур Садритдинов — Андижон области, Балиқчи районидаги 23-мактаб ўқувчиси.

20. Маматова — Сурхондарё области, Сарисой районида.



Юзи гуддай кулган қиз

Р. АЛЬБЕКОВ фотозьоти.



невнинг бор бўйи билан тушган сурати махсус қизил мосламага ўрнатилган ва у ўнг қўли билан мана бу ёзувни кўрсатиб турибди:

«Оқ олтинни — олтин қўллар яратади!»

Қаерда Брежневнинг сурати бўлса, ўша ерда, худди ўшандай қизил мосламага қуйидаги шиор ҳам миҳланган:

«Она Ватанга олти миллион тонна «оқ олтин» армуғон этамиз!»

«Шунча нарсанга сарфлайдиган пул деҳқонга берилса яхши бўларди», — деди Турсун ўзига-ўзи.

У деразадан минг-минглаб жўякларда букилиб пахта теришаётган ўқувчи, талаба, кекса деҳқонларга қараб бораверди. Ўзининг ҳам биринчи синфдан то ўрни битиргунча далада ишлагани, ўқитувчиларнинг: «Бўл, оқсама, тезроқ тер, плани бажар!» деб тепаларида ёнгоқ қақиб турганлари, ҳатто узун қиш кечалари ҳам кўрак чувиганлари эсига тушди. «Шунда ҳам қорнимиз қотирмага ёлчиман», — деди Турсун ичида алам билан.

Тагин «кукурузник» тепаларидан бутифос сочиб ўтди. Турсуннинг ҳисобича (Тошкентдан чиққанларидан бери) бу ўттиз биринчиси... Ким рўмолчаги, ким енги, ким этаги билан оғиз-бурнини бекитди.

— Е тангрим, сенинг қарғишинга йўлиқдикми, билмадим, бу не кўргулик, ахир?! — Оқсоқол ўз-ўзига хитоб қилди ва унинг кўзига ёш тўлди. — Ер юзида бизданам шўрлик банданг борми?! Пахта экаётганимиз гуноҳми ё?!

Турсуннинг ҳам ўпкаси тўлиб, кўзи ёшланди. Ҳисси «Кукурузник» эса бунга парво қилмай қарғиш теккан далалар устидан заҳар сочиб айланмоқда. Талабалар унга муштларини дўлайтириб, бақирмоқдалар.

— Унда не айб? — деди чол оғир уҳ тортиб. — Айб бизнинг ўзимизда, агар Тошкан ё Москвага шу заҳарни сепса борми, одамлар қиёмат-қойим қилардилар!

Турсун Водилга ўн беш чақирим қолганда автобусдан тушди. Сабаби — пули етмади... Маоши гўрам эмас — ўттиз-қирқ сўмдан ошмайди, эл қатори кафтдек ери ҳам мол-ҳоли билан рўзгорларини тебратишяпти.

У қолган масофага яёв жўнади. Узқодан ер бағирлаб, заҳар сочиб учиб келаётган «Кукурузник» кўринди. Бутифоснинг ўлимтик ҳиди ҳамма ёқни тутди. Турсун йўл четидидаги энди очилган (пахта теримида кундуз кунлари қишлоқ магазинларини очиб таъқиқланган) магазинга қочиб кирди. Бироқ ўлимтик ҳид бу жойни ҳам таъқиб этди. Турсуннинг боши айланиб, кўзи тинди.

— Оти ўчсин бу дорини! — деди харидор аёл!

— Ер ютсин! — деди сотувчи хотин.

— Сарик, жигар, рак... касаллари кўпайиб кетди, — деди кўринишидан зиёли киши, — касалхоналарда жой йўқ, қўшимча касалхоналар ҳам тўла, ҳамма бало бутифосдан!

Турсун: «Деҳқон» шеърини қайтадан ёзман», — деб дилига тугди ва ўзи истаб-истамай тоқчаларга кўз югуртирди, тоқчаларда гугурт, пахта ёғлари турибди. Москва ёнида, Дедовскда хизмат қилган эди, «у ёқда, ҳамма магазинда товук, қўй, мол гўштлари, сариеғ, сут, қатиқлар, сир, консерва, колбасалар сув текинга турибди, — деб кўнглидан кечирди, — бу ерда буларни тушингдайм кўрмайсан! У ёқда бутифос йўқ, бироқ

тўқимачилик комбинатига бизнинг пахтамыз оппоқ оқиб келади. Нима, бундоқ тўқимачилик комбинатини ўзимизда қурсак бўлмайми?..

Йўқ, бу ерда нозик сиёсат борда... Нозик сиёсатмиш... Ахир бу давлатга гиж-гиж зиёнку... Нозик сиёсат турганда қар нимадан кечади... Эл гўл, элни доим гўлликда сақлайман, деб ўйлайди-да... Бироқ мен у ёқда одам зоти одамга ўхшаб қулай шароитда ишлаб, қулай шароитда яшаётганидан қувонганман, фақат биз кўзимизни катта очиб, улардан ибрат олмаётганимизга ачинаман...

Турсун бора туриб шундай қаршисида дала шийпони бўлиб, унинг номигагина оҳангланган гадири-будир деворларига қуйидаги шиорлар қингир-қийшиқ ёзилган эди:

«Пахта — ифтихоримиз!»

«Пахта — ризқ-рўзимиз!»

«Бугун ёш-қари, ҳар бир виждонли ўзбекнинг ўрни далада!»

«Химия — мўл ҳосил гарови!»

— «Химия — мўл ҳосил гарови» миш! — деди Турсун тишини гижирлатиб.

Турсун пахта «қадами» етмаган ерларда тоғ ҳавосини эмиб, юзига мезонлар тортилиб бораркан боши тиниқ тортиди ва ғойибдан миясига тўрт қатор шеър келиб, уни маънос бир оҳангда ўқиди:

Бугун умр ўйлар банд этар,

Виздан айри тушмас ҳеч замон.

Уйларимиз ширин Ватандир,

Уйларимиз бир аччиқ жаҳон.

Турсуннинг эсига яна Илҳом Раҳмон келди. Унинг бирор шеърини эсламоқчи бўлди. Эслолмади.

Тўртликдан руҳланиб, Турсуннинг кўнгли ўсди: «Хали мен зўр шеърлар ёзман, — деди мактанниб, — Бальзак ҳам ўн тўрт ёшида «даҳо бўламан» деган. Кейин бирдан у ўз фикридан қайтди: «Мендан балоим чиқмайди, — деди, — менда қобилиятнинг ўзи йўқ, фақат қонимда курашни истовчи бир ёввойи куч бор, агар уруш бўлса, жангдан чиқмасдим, ҳозир иложсизман, шеър ёзман, ноҳақликка қарши ёзман, ёзмасам қон томирларим ёрилиб кетади. Е тангрим, мен қандай банданман ўзи?!»

Турсун ўзининг ўзи тушуниб етмайдиган феълдан куйикди. Бироқ юрагининг тубида ўзига бўлган ишонч уруғи ётарди. У баъзан мактанар, кейин бундан ўзи эзилар, баъзан иккиланар, кейин бу иккиланиш сўнар ва унинг ўрнига ишонч уруғи барг ёзар эди.

«Ғалати! — деди, — тангрининг қудрати англаб етмас даражада, ғалати! Улуғ! Чексиз!»

Ана, тангри қудратини эслатувчи қудратли тоғлар орасидан Водил чироқлари ҳам кўринди. Турсун лой сувоқли, ясси томли уйга қоқ тунда кириб борди. Соқина хола урчуқ йигира-йигира ҳар шивирга қулоқ тутатган эди, кутаётган эди, ўглининг оёқ товушини эшитиб, энтикди.

Турсун етти кун ичида «Деҳқон» деган мақола ёзиб, уни «Деҳқон ҳаёти»га жўнатди, лекин чамаси бир ойдан кейин у газетадан қуйидаги жавобни олди:

«Мақолангиз бошдан-оёқ уйдирма ва гам-гуссадан иборат, бизга ёрқин нарса ёзиб юборинг...»

Энди Турсун «Деҳқон ҳаёти»ни «шеърим чиқармикан» деган илинжда кузатишда давом этди. Бироқ унинг шеърлари чиқмас, Илҳом Раҳмонники эса чиқиб турарди. Турсун ўзини мажбурлаб унинг шеърларини ўқирди.

Қишлоғидан чиққан Ёқуб Маманиёзов деган бир танқидчи олимнинг айтган гапи эсига тушарди: «Илҳом Раҳмон ёшлигида дурустгина шеърлар ҳам ёзган. У кейинчалик бузилди: пулга берилиб, буюртма шеърлар ёзадиган бўлиб қолди, ўз устида ишламай қўйди.»

Нихоят Илҳом Раҳмон ҳузуридан кўзи овсарлик билан айёрона қулиб турган, оқиш-қиғириш юз бир киши чиқди. У — Мурод Нарзи эди. Турсун ичкарига кирди.

— Энди, кечирасиз, ука, машқларингизни ўқишга ҳеч вақт тополмадим, редакция иши шунақа.

— Еш боладек алламанганда одамни, тақсир! — Турсуннинг муздек овозидан у титраб кетди.

— Энди, ука, — деб чайналди Илҳом Раҳмон, — газета иши оғирда.

Турсун ғазабини ичига ютди. Бундан Илҳом Раҳмоннинг кўнгли жойига тушди, чуңки у : «хўжайинга чақмаса итвачча» деб ўйлаб қўрқиб турган эди. Буни Турсун сездди. Унда одамнинг сирини тез уқиб олиш қобилияти бор эди.

У Турсуннинг шеърларини қаерга қўйганини эслолмай, аввал манглайини, сўнг энасини қашиди. Кейин тортмаларини бир-бир титиб чиқди. Шеърлар йўқ эди.

— Шу, ука, машқларингизни уйга олиб кетган бўлсам керак, топилмаяпти, — деди охири, — мен уларни бугуноқ топиб, ўқийман, унча-мунча камчилиги бўлса, рандалаб юбораман.



Ўзбекда юз-хотир, андиша, кўнгилянлик фазилати кучли бўлади. Бу, баъзан яхшиликка олиб бормайди. Ўзбек шу фазилати туфайли кўп айбларни кечириб юборади ва баъзан бу ўзининг бошига бало бўлади. Бироқ Турсун бошқача ўзбек эди, ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни юзга айтир эди, шунданми Турсуннинг яқинлари ҳам у билан ўйлаб, тайсалаб муомала қилардилар.

— Мен сизнинг мурувватингизга зормасман! — деди Турсун қиличдек оқариб, — мабодо шеърим чиқсаям, унинг нуқта, вергулигаям тегмайсиз, бўлмаса чиқмагани маъқул.

«Бундай манман, бетга чопар болани биринчи кўришим, — деб дилидан ўтказди Илҳом Раҳмон, — бу ит феъли билан у гўрам бўлмайди». Бироқ ташда бошқача гапирди: — «Таҳрир, таҳлил, цензура, деган нарсалар бор ука, ҳар бир сўзга эҳтиёт бўлмасанг, қийин».

— Мен сизга ўз фикримни айтдим, тақсир, — Турсун унга зуғум қилаётганига ачинади, — «ёлғончига бу ҳам оз», — деди ичида.

— Тагин шеърлар олиб келдингизми? — деб сўради Илҳом Раҳмон Турсунга бўлган ички нафратини яшириб.

— ...

— Қани?

Турсун ишини ташлаб, тийинлаб йиққан пулини сарфлаб Водилдай узоқ жойдан Тошкентга умид билан келганига, умиди пучга чиққанига ўртанса ҳам, натижасиз кетгиси келмади, унга шеърларини узатди ва бу қилмиши учун ўзидан-ўзи нафратланди.

Илҳом Раҳмон «Шу итваччанинг ўзи нима-ю, ёзгани нима бўларди» — деб ўйлаб, ўқишга тутинди ва бир пайт бирдан унинг юз-кўзи жиддийлашди:

— Сиздан Лермонтовнинг иси келяпти-ку! — деди у беихтиёр, — қаранг, мана бу саккизликка:

Уфқ яралган алвон. Тўлғонар.

Турналар карвони сузар паришон.

Видолашув пайги ғамгин кўринар

Иироқ-йироқларда тизилган карвон.

Қаттиқ уринаман уфқдан нари.

Алвон узра музлаб турар нигоҳим.

Оёғим юрмайди юрганам сари,

Она ерга ботиб қолган оёғим...

Илҳом Раҳмон ўзи сезмаган қолда уни ортиқча мактаётганини ногаҳон англаб, пушаймон еди ва:

— Бирор рус шоирдан кўчирмадингизми ишқилиб? — деб сўради.

— Э, мени ким деб ўйлаясиз ўзи? — Турсун жаҳл устида ўрнидан туриб кетди.

— Қизишмангда, ука, — Илҳом Раҳмон унинг важоҳатидан чўчиб курсисини орқароққа сурди, — ҳазил-да, ука, аммо лекин, ука, шеърингизнинг шакли дуруст, бироқ маъна етилмаган. Шунга қарамай ука, бу машқларингиз бурунги-ларидан тузук, Бироқ, ҳали буларни газетамизда бериб бўлмайди. Уларда ташбеҳлар, образли гаплар, сўз ўйинлари етишмайди.

— Шу гапни ўйлаб гапиряписизми? — деб сўради таҳқирона овозда Турсун.

— Ука катталарга ҳурмат, деган гап бор. Қолаверса, биз бир нимани билиб айтамыз. Ҳозир ўрни бўлмаса ҳам, мен сизга шундай маслаҳат берадим, шароитга қараб иш тутинг, ўсасиз. Шароит билан ҳисоблашмоқ ҳам бир санъат. Хўп, майли, ҳали ҳаётнинг ўзи сизга буни ўргатиб қўяди.

— Бунинг учун мен сиз бўлишим керак-да тақсир, афсуски, ҳозирча мен менман, яъни Турон ўғли Турсунман.

— Ука, ҳар бир гапни ўйлаб ёзинг, — деди. Шунда унинг хамир ранг, салқин юзи қизарди, — «Деҳқон умрини заҳарланган далада, қора меҳнат билан ўтказиб, темир одамга айланиб қоляпти», деб ёзибсиз, бу ёлғон, ука.

— Нега? — Турсун ўзини тутиб туролмади, — бу ҳаммага ойдек аён ҳақиқат-ку! Ахир, пахта ўлчовдан ортиқ экиляпти. У Аму билан Сир сувини ичиб қўйяпти, шўрлик Орол қуриаяпти. Юз йилдан бери узлуксиз экиляётган пахтадан, заҳарли доридан еримиз ўляпти, сувимиз, ҳавомиз, егулигимиз заҳарланыпти, ўрмонларимиз йўқ бўлиб кетяпти, эл-юртимиз хавф остида қоляпти.

— У-хў... Сизда гап кўпга ўхшайди. — Илҳом Раҳмон анграйиб қолди.

— Пахтаинг бўлса иши оғир, — Турсун тушовини узган тойга айланди, — деҳқон бозор қуни ҳам дам олмайди, деҳқоннинг болалари ойлаб

ўқишмаяпти, уларни жўяклар қақиб қўймоқда. Шунга қарамасдан деҳқоннинг бири икки бўлма-япти, яшаши оғир, ҳатто бир халта унга кучи етмайдиғанлариям бор. Чунки пахтага ниҳоятда оз ҳақ тўланапти, буни эса Москвага тушунтириб берадиган киши топилмаяпти.

— Е ажаб! — Илҳом Раҳмон стол четида турган сигаретини олиб, лабига қўндирди ва у ёқ бу ёққа қараб гугурт ахтарди. Бироқ шундоқ қарши-сида, оқ телефон ёнида турган гугуртни кўрмади. Турсун уни олиб қақиб Илҳом Раҳмонга узатди, Илҳом Раҳмон мириқиб тутатди.

— Е ажаб! — Илҳом Раҳмоннинг ҳайрати баттар ошди. — Сизни бунақа деб ҳеч ким ўйламайди ҳам. Лекин Сиз давлатимизга пахта кераклигини унутиб қўймайсизми?

— Йўқ, бу талабни республикалараро алмашлаб экиш ҳисобига қондирсам бўлади.

— Масалан, — Илҳом Раҳмон умрида бундоқ дангал гапни эшитмаганидан унинг кўзи косаси кенгайди.

— Масалан, Ҳаёстонга, Жанубий Украинага, Кубанга пахта экиш керак. Агар биз шундоқ қилмасак, еримизни бутунлай ишдан чиқарамиз. Оролимиздан айриламиз.

— Ростданами сизда гап кўп экан. Лекин бунақа хавф қутилса шунча олим, шунча казо-казо, шунча арқони давлат қараб турмасди. Оғизга маҳкам бўлинг, ука. Ҳали ёшсиз, билмайсиз, бир тўманг, кейин қийин бўлади. Чўлпонлар тақдири сизга сабоқ бўлмаган шекилли.

— Улар ростни ёзганлар, ростни ёзиб ўлиш яхши.

— Ҳа, романтик экансиз-ку, ука, бошга тушганда... сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади. Қўйинг, бу гапларни, барбир сиз билан мен ҳал этолмаймиз бу муаммоларни, олим, арбобларимиз бор.

— Шундоқ деб ўйлашимизнинг ўзи фожиа, бош фожиямиз шунда, бефарқлигимизда. Ўзи аслида юртимиздаги ҳар бир одам: «Юртимиздаги ҳар бир нарса тақдири — менинг тақдирим», деб қараганда, бундоқ бўлмасди.

— Қўйинг энди бу гапларни, — деб Турсунни бўлди Илҳом Раҳмон ва ичида: — «бу бола эмас, бало-қазонинг ўзи экан, асаби ҳам чатоқ экан», — деди. Кейин Турсуннинг «Она тилим» шеърини лоқайдлик билан қўлига оларкан, томоғини қириб, ўқиди, нафаси ичига тушиб кетди. Сўнг:

— Бу машқдан миллатчиликнинг иси келаяпти, — деди қовоғини уйиб. «Қачон давлат тили бўлғайсан тилим?» деган сатрингизни қандоқ тушунасан бўлади?

— Тил — миллатнинг жони, ўзбек тили — ўзбек миллатининг жони, демак биз ўзбек бўлиб, ўз юртимиз — Ўзбекистонда яшаб, ўз тилимизни давлат тили қилмасак, қаерда қиламиз? Бу уят, бу қайғули, бу чидаб бўлмайдиган ҳол эмасми?! Россияда русча, Эстонияда эстонча, Гуржистонда гуржича, хуллас, ҳар бир миллат ўз ерида давлат тилини ўз тилида олиб борса ёмонми? Ленин: «Ҳеч қандай миллатга, ҳеч қандай тилга биронта ҳам имтиёз берилмаслиги керак» деб бежиз айтмаган. Негадир бу фикрни кўрмасликка олиб ўтгандимиз. Бир миллатдан бошқа миллатни, бир тилдан бошқа тилни устун ё паст қўйиш нурашга олиб келмайдими? Мен ўз еримда ўз тилимнинг камситилишини истамайман, ҳамма ишни ўз тилимда олиб боришни истамайман, ҳар миллат шундоқ қилишга ҳақли, ўзи ленинча эркинлик деганиям шу!

«Бу болани аҳмоқ деб бўлмайди, — деб ҳаёлидан ўтказди Илҳом Раҳмон, — бироқ у қачонлардир тилидан ўлади». Илҳом Раҳмон курсига ҳорғин чўкиб, ўйлаиб қолди, шунда ўзининг билимсизлиги ё ўткинчи шеърлари эсига тушибди, кўз атрофи ажинга тўлди ва бирдан кичрайиб, қаримсиқ тусга кирди. Илк дафъа Турсунда унга нисбатан шафқат ҳисси уйғонди.

— Машқларингизни қолдириб кетаверинг, ўқиб қўяман, — Илҳом Раҳмон ўз мактовидан ўзи афсусланиб, тагин расми тусга кирди.

Турсундаги шафқат ҳисси сўнди. У столдаги хатларга, яъни ҳаммасига бир хил жавоб ёзилган хатларга ачиниб қараб, қўлёмаларини Илҳом Раҳмондан қайтариб олди.

— Ўтган гал қолдирган машқларимни топиб, ўқиб қўярсиз, — деди совуқ оҳангда, — хайр.

Турсун алам билан ташқарига чиққач, қутилмаганда унинг эсига «Ойчечак» журнали тушди. Шу кунларда унда «Темур тузуклари» босилаётган бўлиб, унинг обрўси осмонлаётган эди. Турсун сўрай-сўрай «Тўнтарих хийбони» биқинидаги уйга жойлашган «Ойчечак» редакциясини топиб борди. Сўнг ўйлаб-негиб ўтирмай тўғри журналнинг бош муҳаррири — Асрор Муродга йўлиқди. Ўрта, аниги ўртадан пастроқ бўйли бу одам ўртача, аниқроғи ўртачадан пастроқ шоир бўлиб, ташкилотчилиги ҳам одиллиги билан элга ёқар эди.

— Келинг, — Асрор Мурод ишга кўмилиб турган бўлса ҳам уста бошлиқларга хос одат билан уни очик қаршилади.

— Шеърларимни олиб келувдим.

— Бўлим бор-ку.

— Йўқ, мен Сизнинг кўришингизни истамайман.

— Ужарроқ кўринасиз, ўғлон.

— Тўғри.

«Ешларимиз анча мағрур ўсяпти, — деб кўнглидан ўтказди Асрор Мурод, — ўзи шундоқ бўлиши ҳам керак. Шунда ўзлигини англаб, ўзлигига ҳурмат уйғотади. Ғурурсиз кишини эса алдашга, топташга уринади. Ғурурдек куч борми дунёда? Бу куч келажакни белгилайди...»

Турсун Асрор Муроднинг олдига шеърларини қўйди. Унинг ҳаёли бўлинди.

— Қани, кўрай-чи ўғлон, — у қанча бўлмасин, олдига кирган кишининг ишини биринчи бажарарди.

— Булар — рамзий шеърлар, — деди Асрор Мурод ўқигач ўзига хос туғма самимият билан, — шунга ўқувчи унинг мағзини қақавермайди, албатта ўқувчининг ўқувчиси бору... бироқ шеърлар эл учун ёзилади... барибир буларни тўқроқ шеърлар деса бўлади, лекин менимча улардан Лотин Америкаси билан Оврупа шеърятининг ҳиди келиб тургандай.

Ҳатто ёпонча бешлик — танка усулига ҳам қўл ургансиз. Менимча бошловчи шоир учун бундай ҳол табиийдир, ҳатто ёш Пушкин ва ёш Лермонтовни «Байронга ўхшаш...» деб айтганлар-ку — Бироқ мен шеърларингизда кун ва тун оралиги тиниқ чизилганини илғадим. Бу келажакнинг суратини тиниқ чизишга етаклайди, бу келажакда ўзингиз бўлиб ёзишингизга ишонч туғдиради. Гапни чўзиб ўтирмай, ҳозирча бешта шеърингизни олиб қоламман, — Асрор Мурод боя қизил ҳарфлар билан «ойчечак» деб ёзилган оқ жилд ичига солиб қўйган машқларга ишора қилди, — суратингизни юборинг, хўпми?

— Хўп, — бу гаплардан Турсун бир қарич ўсди, унинг юз-кўзи ёниб, у чиройли бўлиб кетди. Шу тобда унга Асрор Мурод улуг ҳам гўзал бўлиб кўринди, уни кучоқлаб олгиси келди, бироқ қандайдир номаълум куч бунга эрк бермади.

— Ҳа, айтгандек шеърларингизнинг тагига отингизни ёзмабсиз-ку.

— Узр, отим Турсун.

— Отангизнинг оти-чи?

— Турон.

— Демак Сиз Турсун Туроновсиз.

— Йўқ, мен Турсун Турон ўғлиман, «ов» қўшимчаси менинг Турсун Турон ўғлигимни билдирмайди, ўзи бизга бундоқ кўшимча нотўғри киритилган. Масалан, Иван Ивановични «Иван Иван ўғли» деб аташ нотўғри, чунки «ўғли» сўзи унинг учун «ов» сўзи мазмунини бермайди.

— Сизни Турсун Турон, деб атайқолайлик.

— Маъқул.

Турсун уйига қайтган заҳоти Асрор Муродга суратини жўнатди. Бироқ «Ойчечак» журналда унинг шеърлари йилбоши байрами арафларида чикди. Кун билан Тун кезлашган кезлар Турсун Турон бир қувликни кўнглига тугиб, «Деҳқон ҳаёти» га борди.

— Табрик ука, — деб қарши олди Илҳом Раҳмон, уни, — «Ойчечак» да чиқибсиз.

— Раҳмат ака, яна машқлар олиб келдим, — у олтига шеърни унга узатди.

Илҳом Раҳмон истамай, лекин истамаслигини Турсун Турондан яшириб ўқиди, Турсун Турон бундан сезса ҳам сезмасликка олди.

— Мана бу «ҳазил» ни ўқинг-чи? — деди у.

— Хўп ука, — Турсун Туроннинг муз овозидан сесканиб, ўқиди, сўнг, — бу бошқа гап, ука, — дея ўрнидан туриб Турсун Туроннинг қўлини синдди, — бу шеър редакторларга сабоқ бўлади.

«Ўзингизга-чи?» демоқчи бўлди Турсун, лекин тилини тийди. Ўзи Турсуннинг вужудида аллақандай бир куч бор эди-ки, у доим уни қўполликдан асраб қолишга тиришарди. Бироқ кўпинча унинг асов феълига бу сирли куч ҳам дош беролмай қоларди.


— Сизга яширмай айтсам, ука, — дея Илҳом Раҳмон гапида давом этди, — редакторлар баъзан менинг ҳам шеърларимни олиб-ямлаб, қўшиб-чатиб чиқарадилар... «Ҳазил» ни газетамизда босамиз, ука.

— Раҳмат, хайр... — Турсун Турон етти кун Тошкентда қолди ва газета-журнал редакцияларига янги ёзган шеърларини тарқатди. Еттинчи кун, яъни Турсун Водилга қайтаётган кун «Деҳқон ҳаёти» да унинг «ҳазил» ни босилди.

Ҳазил

— Бир шеъримнинг, қаранг, боши йўқ,
Кесилган-ку, қаранг, оёғи —
Муҳаррирга боқдим, кўзим лўқ —
Ахир қандоқ бўлар у ёғи?!
— Тилингни тий, деди муҳаррир —
Яхшиликни билмаган ҳаммак.
— Кечирингиз... бироқ кўп оғир
Елғиз қорин билан яшаммак.

БЎШ ВАҚТЛАРДА



Кроссворд

1. Янги йил даракчиси.
2. Илк қор ёққанда ёзиладиган мактуб.
3. Ғафур Ғуломнинг фалсафий шеъри.
4. Санъат тури.
5. Кишки кийим.
6. Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи қаҳрамони.
7. Ангил ва шўх, оммавий кўшиқ.
8. Илмий, адабий мавзудаги мунозара.
9. Қадимий йил ҳисоби.
10. Бутун олам, мавжудот.
11. Энг кичик қитъа.
12. Абдулла Ориповнинг янги йилга бағишланган шеъри.
13. Озодлик, ҳурлик.
14. Ленинграддаги тарихий бино.
15. Ер куррасининг иқлими билан фарқ қиладиган қисми.
16. Синов, текшириш.
17. Шимолий Америкадаги давлат пойтахти.
18. Донолик, ақл-заковат.
19. Транспорт тури.
20. Янги йилни коинотда кутиб олган ватанимиз космонавт учувчиси.
21. Шамсия йили ҳисобидаги ой номи.
22. Атоқли ҳинд кинорежиссёри.
23. Қалмоқистон АССР пойтахти.
24. Байкал ортида жойлашган область.
25. Санъатнинг қақонлик, масҳарабозлик, ҳайвонлар ўргатиш томошаси тури.
26. Ер шарининг нуҳсаси.
27. Маҳсус мато, рўзғор буюми.
28. Машҳур ўзбек халқ ашулаларидан бири.
29. Саҳна асари тури.
30. Совға, тортиш.
31. Бирор йил ҳисоби бошланган пайт.
32. Ёфингарчилик.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

КЛАСС ХАНАСАНА

7-мажлис

Хатти юлинда ким сизга бир ҳарф аутотти нинг аила
аймак Асан аймак аймак аймак аймак

Алишер Навоийнинг «Оз-оз ўрганиб доно бўлур...», «Билмагани сўраб ўрганган олим...» каби ҳикматли сўзлари халқимиз дилидан чуқур ўрин олган. Бобомиз сўзига амал қилайлигу авлодларимиз ўтмишини, халқимиз маданияти, адабиёти тарихини ўрганайлик, улар яратган маданий бойликлардан фойдаланайлик. Қадимдан бизгача етиб келган ноёб қўлёзма китобларимизда қанчадан-қанча билим, ҳаётий тажрибалар, ибратли ҳикматлар жам бўлмаган дейсиз. Уларни чуқур ўрганмоқ, туб моҳиятига етмоқ, ҳаётда қўлламоқ нақадар зарур. Бу ноёб дурдоналар араб алифбосида битилгани сизларга маълум. Бу ёзувни ўқишни дастлабки мажлисларимизда машқ қилиб кўрган эдик. Араб алифбоси, унли товушларнинг ифодаланиши ҳамда ҳарфни ҳарфга қўшиб ўқиш ва ёзиш машқларини бажарган эдик.

Ушбу мажлисимизда улуг бобомиз Навоийнинг асл нусхадаги ибратли сўзларидан ўқиб ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Еалм аҳли билан ким аиш аймак, шимин
يار اولونگ بير بيه گيگه گه ايرور يار ايش

Олам аҳли, билингизким, иш эмас
душманлиг
Ер ўлунг бир-бирингизгаки эрур
ёрлиг иш.

Навоий бутун дунё аҳлига мурожаат қилиб айтадики, бир-бирингизга дўст, ҳамдам бўлингиз, душманлик одабийликдан эмас!

Навоий деярли барча асарларида инсонни, унинг қалби, ҳис-кечинмаларини, фазилатларини тараннум қилади. Емон одамларни қоралаб, уларни тезроқ фориг бўлишга қаҳиради. Навоийнинг шундай бир асари борки, у бошдан-оёқ ўғитлардан, насиҳатомуз ҳикматлардан иборатдир. Бу асар «Назмул-жавохир», яъни «Шеърый дурдонлар»дир. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир ҳикматли тўртлик бир дурдонаки, улардан 268 донаси тизилиб жуда қимматли бир шодани ташкил қилган.

Создорке نشان бирор اولوگга جاندين

Создорке бирор جانغ خبر جاناندين

انساننى سوز ايلادى جدا حيواندين

بلکيم گهرى شيرغراق يوق آندين

Сўздурки нишон берур ўлукка
жондин,
Сўздурки берур жонга хабар
жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо
ҳайвондин
Билким гуҳари шарифроқ йўқ
ондин.

Инсон шундай олий бир мавжудодки, унга ақл-идрок, фаҳму фаросат билан бирга сўзлай олиш қобилияти хосдир. Сўзнинг қудрати буюк. У бутун жаҳонни ҳам қўлда тутмоққа қодир. Сўздан қимматлироқ, ундан улугроқ бир куч йўқ дунёда. Шундай экан ундан фақат эзгүликлар йўлида фойдаланайлик.

Навоий тўртликларининг аксарияти инсон, унинг бурчи, гўзаллиги, яхши фазилатлари мадҳига бағишланади. Инсон одоби билан азиз. Одоб — одамнинг олижаноб фазилатларидан биридир. У кишини барча зебузийнатлардан ҳам ортиқроқ безайди.

Зиоркишикани таяج ونى افسر بيل

اول زيور ادب بيرله جيا درخور بيل

هرکيم که ادب سيزدور ايشين ايتربيل

القصد ايراناگا ادب زيور بيل

Зевар кишига не тоже не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳа дархар бил.
Ҳар кимки адабсиздур ишин абтар
бил,

Алқисса, эранларга адаб зевар бил.

Навоийнинг айтишича, инсон учун тож, давлат ва бошқалар эмас, балки яхши фазилатлар зийнатдир. Энг яхши фазилатлар ҳар қандай бойликдан афзалдир.

Алтон кумиш атир киб دولت كونيدين

کيم تارتار ادب اولوسنى نکت تونى دين

گر يوقتور ادب نى سود آلتون اونى دين

ايل نينگ ادابى خوشراق ايرور آلتونى دين

Олтун кумуш этма касб давлат
кунидин,

Ким, торгар адаб улусни накбат
тунидин.

Гар йўқдур адаб не суд олтун
унидин

Элнинг адаби хушроқ эрур
олтунидин.

Ота-онани ҳурмат-иззат қилмоқ, эъзозламоқ гоёси Навоий дунёкрашининг узвий қисмидир. У ота-онанинг фарзанд учун жон бермоқча қодир эканликларини таъкидлаб, фарзанддан ҳам шунга муносиб жавоб бўлмоғи кераклигини уқдиради:

ايستا آنا يولى دا فدا جان قيلماق
قوللوق اناغم اولچي امکان قيلماق
ؤخر ايد ايستاسانگ فراوان قيلماق
بيل آنى انا اناغ احسان قيلماق

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ
Қуллуқ анога ҳам улча имкон
қилмоқ.

Зухри адаб истасанг фаровон
қилмоқ.

Бил они ато анога эҳсон қилмоқ.

Навоий тўғрилиқнинг, ҳалолликнинг афзаллиги ҳақида муфассал гапирди, ўз қаҳрамонларини софдил, ростгўй, одил қилиб гавдалантирди. Тўғри, софдил кишилар халқ олдида обрўга, ҳурматга, сазовордирлар. Рост сўзлаган, тўғри кишининг юзи ҳамиша ёруғ бўлади.

هرکيم کاه ايگري ليک دا آوازده دورور

توز جاوه ايچرا يوليدين آزه دورور

توز ليک دا طرب بى جدو اندازده دورور

کيم راست دورور يوزى آنيگ تازه دورور

Ҳар кимгаки эгаликда овозадурур
Туз жодда ичра йўлидин озадурур.
Тузлукда тараб беҳаду андозадурур,
Ким, ростдурур юзи ондин
тозадурур.

Қуйида Навоийнинг ана шундай ибратли тўртликларидан бир нечтасини араб алифбосидагина келтирамиз. Ўқиб, мағзини чақишга бир ҳаракат қилиб кўринг-а.

قارداشينک ايماس اولکه قويوب باش سنگا

دولت چاغنى قيلغاي اوننى قولداش سنگا

کيم قيلدى قاتيق ليق دا وفا فاش سنگا

اول بولدى حقيقت ايچره قارداش

کيم ايگري ايسا توزلوک ايماس پايىسى هم

بار لوزى ديك ايگري سود و سرمايىسى هم

توزلوک ايرماس شغاسى و وايىسى هم

کيم ايگري کيشى نينگ ايگري دور سايىسى هم

هرکيم که چوچوک سوز ايلکا اظهار ايلار

هر نيچه که اغيار دورور يار ايلار

سوز قاتينغى ايل کونگليگا آزار ايلار


يوشاغنى کونگل لارنى گرهفتار ايلار

Маъмура РАШИДОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Х. Сулаймонов номидаги
Қўлёзмалар институти илмий ходими.

САРҒАЙГАН САҲИФАЛАРДАГИ САБОҚЛАР

Машҳур совет педагоги Б. Блюменфельд бундан ярим аср олдин ўқиган ва актуаллигини ҳамон сақлаб келаётган лекцияларнинг яқунловчи қисми билан танишамиз.

(1-диаграмма)



Бу лекция иккинчи Москва халқаро турнирида (1935 йил) ўйналган Шпильман-Романовский партиясида қораларнинг 22-юришидан кейин вижудга келган.

Романовский филлардан бирини отга алмаштирди, унинг позициясидаги қора хоналар заифлашиб қолди. Бунинг натижасида оқлар ҳужумга эга бўлди. Романовскийнинг охириги юриши 22... Лf8 бўлган эди. Бу юришдан мақсад нима? Қоралар фарзинини h4 га қўймоқчи, сўнгра руҳини h6 га олиб ўтиб, h2 дан мот қилиш хавфини туғдирмоқчи.

Оқлар бу режага қарши қандай курашиши мумкин? Бу жуда осон ишга ўхшайди. 23. e4 ўйналса бас, оқлар кучли марказга эга бўлади-қўяди. Лекин бу юриш қўпол хато бўлур эди. Алмашувдан сўнг e4 пиёдаси «осилиб»

қолади, қоралар эса очиқ линияга эга бўлади.


Шпильман бошқа ажойиб планни топади. У шоҳ флангидаги ҳужумни марказдаги операциялар билан эмас, балки фарзин флангидаги ҳаракатлар билан бартараф этади. Уйин мана бундай давом этди:

23. a4 Фh4 24. b5 (Фил актив позициядан ҳайдалади.) 24... ab 25. ab K : b5 (25... C : b5 бўлса, 26. C : b5 K : b5 27. Фс4) 26. d5! (оқлар темп билан a1—h8 диагоналинчи очмоқда) 26... ed 27. C : b5 L : a1 28. L : a1 C : b5 29. Ф : c7.

Шпильман иккала пиёдани ҳам қайтариб олди, диагоналинчи очди ва кучли ҳужумга эга бўлди.

29... Ф61 (энг тўғри юриш).

(2-диаграмма)



30. Ф : b7 Сс6.

Кейин вақт ютиш учун юришлар такрорланди, биз уларни келтириб ўтирмаймиз.

33. Фb6. Вазиятнинг ғояси шундан иборатки, оқлар диагонал бўйича қаттиқ ҳужумга эга, қоралар эса бундай имкониятлардан маҳрум. Тахтадаги филлар ҳар ҳил, лекин ўйин дуранг билан тугаши мумкин эмас. Ҳар хил


филлар дурангга гаров деган ақидани биз инкор этмоқчимиз. Ҳар хил филлар улар ва пиёдлардан бўлак ҳеч нарса йўқ эндшпилда дурангни таъминлаши мумкин. Лекин бу ҳам ҳамма вақт эмас.

Бордию тахтада миттельшпил бўлса, менинг филим бир хил рангдаги 32 катакни, сизинг филингиз эса бошқа рангдаги шунча катакни нишонга олади. Бинобарин, сизда менинг филим рангидаги хоналарда заифликлар бўлса, жуда қийналиб қоласиз. Ана шунинг учун 33. Фb3 (В.Фb6 нинг ўрнига) ўйлаб, филни d5 пиёдасига боғлаб қўйиш керак эди.

33... Се8 34. Ф4 С7 (бу ерда фил жуда қулай ўрнашди! У ҳам пиёдани қўриқлайди, ҳам еттинчи горизонтални тўсади.)

35. Ла6 Фg5 36. Лс6 h6. Шарҳловчилар бу юришни хато деб ҳисоблашди. Филлар ранг-баранглиги туфайли оқлар ютиш учун ажойиб имкониятларга эга. Қора фарзин g7 пунктига боғланиб қолган, бироқ мен уни бу пунктдан чалғитмоқчи бўлсам (h2—h4), у бўш хонага эга бўлади. Кpg1 сўнгра кpf2 ўйнаб, h2—h4 хавфини туғдириш керак. Бу қоралар учун ҳалокатли бўлади, чунки фарзини g3 га юролмай қолади. Ана шундай мулоҳаза юритиш керак.


(3-диаграмма)



37. f4gФ4 38. Л : h6 Лb8 39. 3Фh3 (фарзин соз жойлашиб олди) 40. Лс6 Ле8? (40... Лb3 41. Лс3 Л : c3 ўйнаш керак эди; руҳларсиз оқлар юта олмади) 41. Лс3 Ле4 42. Фd2 Кph7.

Ҳарифлар узоқ вақт сипоҳларни у ёқдан бу ёққа юрар эканлар, аниқ бир нарсани тополмадилар, охири шундай вазият юзага келди.

(4-диаграмма)



Юриш оқлардан. Бу вазият ҳақида ҳамма бир хил фикр билдирди. Шпильман уни икки кун таҳлил қилганини ва ҳеч нарса тополмаганини айтди. «Кўзимни босган парда кўтарилган пайт етиб келди, — деди менга Шпильман, — ва ҳамма нарса равшанлаша бошлади. Мияга бир ғоя келиб қолди...»


55. Фс2 (56. g4 таҳлиқасини туғдириб) 55... Ле4 56. Фс7 Кpg8 57. Лb3! Шпильман вазиятнинг ғояси — калитини топди — руҳини g3 га олиб келиши керак. Ҳозир қора рух ўрнидан жила олмайди: у чекинса, e3—e4 ва Лb3—g3 дан сўнг оқлар дарров ютади.

57... Кph7 58. Фd8 Ле8 59. Фh4 + Фh6 60. Ф : h6 + gh (60... Кp : h6 бўлса, 61. Лb7 Лf8 62. Лс71 ва 63. Сс5 туфайли қоралар

ютқазди) 61. Лb7 Кpg8 62. g4fg 63. hg Лс8 64. Кpg3 Ле8 65. Лd7 Ле6 66. Се5 Ле8 67. Лd6 Сс6 68. Cd4 Кph7 69. f5 Cf7 70. Лf6 Сg8 (70... Ле7 бўлса, 71. Сс5 ва 72. Cf8) 71. Лg6 Ле7 72. Кph4. Қоралар таслим бўлди. Оқлар филларни f4 га олиб келишига қашинлик кўрсатиб бўлмайди. Шахматда қанчалар нафислик, қанчалар яширин имкониятлар мавжуд-а!

Навбатдаги топшириқлар

(5,6 — диаграммалар)



Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Мехнат Қизил Байроқ орденли бошқаруви.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Мехнат Қизил Байроқ орденли бошқаруви.
Босма хонача туширилди 13.10.89-й. Босишга рухсат этилди 14.11.89 й. Р—08967. Офсет усулида чоп этилди. Ки-тоб жўрнали учун офсет коргози. Формати 70×108/а. Шерги босма листи 5,6. Шерги бўлак нусхаси 16,8. Нашрият босма листи 11,4. Тиражи 311662 нуска. Бюрога 1885. Баҳои 35 тишини.

«Еш куч» — «Молодая смена» 12 декабрь, 1989.

«Еш куч» — «Молодая смена» 12 декабрь, 1989.

Редакция хажми 2 босма тободан энди асрлар қўли-масини қабул қилмайди. Бир босма тобод хажмдаги асрлар авторларига қайтарилмайди.

Жўрналдан қўйиб босилганда «Еш куч» — «Молодая смена»дан олинди деб изоҳлангани шарт.

«Еш куч» — «Молодая смена» 12 декабрь, 1989.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари — 78—94—67.
масдул котиб — 78—57—84.
масдул котиб ўринбосари, рассом — 78—94—73.
Бўлимлар:
мактаб ва комсомол хати — 78—85—94.
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78—48—85.
хатлар — 78—85—64.

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСЛ.
Каторгол кўчаси 60 ўи.

Орган ЦК ЛКСМ Ўзбекистана

«Еш куч» («Молодая смена») — еженеделный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал на узбекском языке.

Удгбэк ЯВВАЛДУЖАЕВ

Бадий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ

Тех. муҳаррир:
Удгбэк ЯВВАЛДУЖАЕВ

Бош муҳаррир:
Худойберди ТУХТАБОВЕВ

Таҳрир хайъати
Шохрух АКБАРОВ

(масдул котиб)
Шухрат АЛЛАМУРТОВ

Сергей БРИНСКИХ

Владимир ВОЛОТКО

(бош муҳаррир ўринбосари)
Хуршид ДУСТМУХАММАД

Мирза КЕНЖАБОВЕВ

Эркин МАЛЛИКОВ

Латиф МАХМУДОВ

Вадим НОВОПРУДСКИЙ

Ҳакимжон ТИРМУХАМЕДОВ

Абдуғафур РАСУЛОВ

Александр ФАЙНБЕРГ

Пирнат ШЕРМУХАМЕДОВ

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

12(42) декабрь, 1989

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«Еш гвардия» нашрияти.


Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Органи

1986 йил июль ойидан чиқа бошладим

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадвий, бозалик журнал

«ЕШ КУЧ»
МОЛОДАЯ
СМЕНА

Бўтун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Озод Шарафуддинов — Беруний мукофоти лауреати, профессор. Таниқли адабиётшунос олим қаламига мансуб «Замон. Қалб. Поэзия», «Адабий этюдлар», «Истеъдод жилolari», «Талант халқ мулки», «Биринчи мўъжиза», «Замон билан ҳамнафас», «Гўзаллик излаб», «Абдулла Қаҳҳор», «Ҳақиқатга садоқат» каби асарлар адабиётимиз тараққиётига ҳисса қўшди. Моҳир таржимон сифатида ҳам танилган олим ўзбек китобхонларини жаҳон адабиётининг гўзал намуналаридан саналмиш бир қатор асарлар билан ошно қилган. Проспер Мериеннинг «Карл IX салтанатининг йилномаси», Ҳожи Аҳмад Аббоснинг «Ҳиндистон фарзанди», Қави Нажмийнинг «Баҳор еллари, қолаверса Ленин ҳақида қиссалар, Қанивехнинг «Ульяновлар», «А. Рибаконинг «Арбат болалари», В. Белинский, Н. Добролюбов, М. Горькийнинг адабиёт ҳақидаги мақолалари шулар жумласидан.